

**Тафкир**

**Бу китоб – Ҳизб ут-Таҳрир нашр қилган китоблардан**

**Биринчи нашр**

**Ҳижрий 1393, милодий 1973 йил**

## Тафкир (Фикрлаш)

Инсон махлуқотларнинг энг афзалидир. Ҳатто уни фаришталардан ҳам аъло дейилган. Инсоннинг афзаллиги унинг ақли-заковати борлигидадир. Инсоннинг ақли унинг шаънини кўкларга кўтариб, махлуқотларнинг энг олийси қилди. Шунинг учун ақл нималигини, бинобарин фикрлашни ва фикрлаш тариқатини билиш зарур. Чунки фикрлаш ақлнинг қадр-қийматини белгилайди. У шундай самараларни берадики, у туфайли ҳаёт ислоҳ қилинади ва инсон яхшиланади, ҳатто бутун борлиқ ўзидаги барча ноорганик моддалар, ўсимлик ва ҳайвонотлари билан бирга фойдали бўлади.

Илм-фан, адабиёт, фалсафа, фикҳ, тилшунослик ва маърифат ҳақиқатан ақлнинг натижаси, бинобарин, фикрлашнинг маҳсулидир. Шунинг учун ақлнинг нима эканини билиш, бинобарин, фикрлаш ва фикрлаш тариқати воқесини англаш инсон, борлиқ ва ҳаёт учун кераклидир.

Инсоният буни англаб етгунга қадар узоқ давр ўтди. У ақл ва фикрлаш воқесига эътибор бермасдан, кўпроқ унинг маҳсулига (натижаларига) эътибор берди. Тўғри, мусулмон уламолари ва мусулмон бўлмаган олимлар орасида ўтмишда ҳам, янги даврда ҳам ақлнинг воқесини идрок қилишга ҳаракат қилувчилар ва фикрлаш тариқатини тасвирлашга уринувчилар топилди. Бироқ, улар фикрлаш тариқатининг самараларидан илмий ютуқларга эришган бўлсалар-да, фикрнинг моҳиятини билишда адашдилар ҳамда бу илмий ютуқдан кўзлари камашган тақлидчиларни ҳам адаштирдилар. Олдинги даврларда юнонлар ва улардан кейингилар фикрлашга эришиш учун қаттиқ ҳаракат қилишди, оқибатда мантиқ деб аталган нарсга юзага келди. Улар айрим фикрларда муваффақият қозонишди. Аммо улар маърифатни маърифат сифатида ўрганишни бузиб қўйишди ва оқибатда мантиқ маърифатга олиб борувчи йўл ҳамда унинг тўғрилигига ўлчов бўлиш ўрнига ундан юқори қўйиладиган бўлди. Шунингдек, фикрлашга эришиш учун (яъни уни англаб етиш учун) уринувчилар фалсафа дея номланган ёки ҳикматни яхши кўриш, мавжудот ортидаги, яъни моддадан ташқари нарсани чуқур ўрганиш дея танилган нарсга етиб боришди. Бунинг оқибатида ўрганиш завқли, натижаси ёқимли, бироқ воқеликдан узоқ ва тўғриликка зид бўлган изланишни пайдо қилдилар.

Ҳақиқатдан ва воқеликдан анча йироқ бўлган бу изланиш кўпчиликини адаштирди ва ҳақиқатдан узоклаштирди.

Бу уринишларни ва буларга ўхшаган бошқа уринишларни фикрлаш ҳамда фикрлаш тариқати тўғрисидаги изланишлар дея айтишимиз мумкин. Бироқ, бу изланиш, гарчи маърифатни ва изланиш учун маълум бир мавзуни ҳамда инсонга фойдали бирор нарсани пайдо қилган бўлса-да, у фикрлаш воқесига асосланмади ва тўғри йўлдан бормади. Шунинг учун бу изланиш фикрлаш воқеси тўғрисидаги изланиш деб ҳисобланмайди, балки бу фикрлашнинг натижа ва самаралари тўғрисидаги изланишдир ва у фикрлашнинг тўғри тариқати эмас. Балки у шу тариқатнинг услубларидан бири бўлиб, ақл натижалари ёки самаралари тўғрисидаги изланиш натижасида тасодифан юзага келди. Бу услуб фикрлаш воқеси тўғрисидаги изланиш натижасида келиб чиқмади. Шунинг учун айтиш мумкинки, фикрлашнинг тўғри тариқати тўғрисидаги изланиш ҳамон уринишларгина бўлиб қолмоқда. Бу уринишлар фикрлашнинг воқеси тўғрисидаги уриниш эмас, балки унинг натижалари тўғрисидаги уринишлардир.

Аммо, фикрлаш воқесига, бинобарин, фикрлаш тариқатига ҳануз йўл топилмаганининг сабабига келсак, бунинг сабаби изланувчиларнинг ақл ҳақида изланиш олиб боришдан олдин фикрлаш хусусида изланиш олиб боришганига бориб тақалади. Ақлнинг воқеси аниқ ўрганилгандан кейингина фикрлаш воқесига йўл топиш мумкин. Чунки фикрлаш ақлнинг самарасидир. Илм-фан ва бошқа сақофат турлари фикрлашнинг самарасидир. Шунинг учун аввало ақлнинг воқеси аниқ ва қатъий турда ўрганилиши лозим. Шундан кейингина, шу асосдан келиб чиқиб фикрлаш воқесини ва фикрлашнинг тўғри тариқатини билиш мумкин бўлади. Шунингдек, шу асосдан келиб чиқиб маърифатнинг илм ёки илм эмаслиги ҳақида ҳукм чиқариш мумкин, яъни кимё фани илм эканлигини, психология ва ижтимоий илмлар деб аталган нарсалар эса илм эмаслигини идрок қилиш мумкин бўлади ҳамда маърифатни сақофат ёки сақофат эмаслиги ҳақида ҳукм чиқариш мумкин бўлади. Яъни қонунчилик сақофат, рассомчилик эса сақофат эмаслигини билишнинг имкони бор. Демак, ҳамма масала ақлнинг воқесини билишга асосланган. Кейин шу билим асосида фикрлаш воқеси ҳамда фикрлаш тариқати ўрганилади. Шу асосдан келиб чиқиб, фикрлаш услубларини англаб етиш имкони туғилади.

Демак, илм ва сақофатга фикрлаш воқесини ҳамда фикрлаш тариқати ва услубини билиш натижасида эришиш лозим. Фикрлаш воқеига эса, ақлнинг воқесини аниқ билиб олгандан кейингина эришилади. Шунга биноан, ақлнинг воқеини жуда ҳам тиниқ ва

катъий тарзда билиб олиш керакки, мана шундан кейингина фикрлаш тариқати билиб олинади.

Қадимда юнон файласуфлари ёки мусулмон уламолари тарафидан ёхуд ҳозирги даврда ғарб олимлари тарафидан ақлни таърифлаганлар, яъни ақл воқесини билишга ҳаракат қилганлар кўп бўлди. Бироқ, бу таърифларда, бошқача айтганда бу уринишларда эътиборга арзигулик ҳеч нарса йўқ. Коммунист олимларининг уринишлари эса, бутунлай бошқача. Фақат уларнинг таърифларигина айтишга арзирли ва унга эътибор қаратиш мумкин. Чунки, у жиддий уриниш бўлиб, улар мавжудотнинг яратувчиси борлигини инкор қилишда катъий туриб олишлари билангина бу таърифни бузишган. Агар мана шу ўжарлик бўлмаганида, ақлнинг воқесини аниқ билишга эришган бўлардилар. Шундай қилиб, улар воқелик ва фикр хусусида қуйидагича изланиш олиб бордилар: «фикр воқеликдан аввал пайдо бўлганми ёки воқелик фикрдан аввал пайдо бўлиб, фикр воқенинг натижасими?» дейишди. Бу борада уларнинг фикри турличадир. Айримлари фикр воқеликдан аввал вужудга келган, деса, айримлари воқелик фикрлашдан аввал пайдо бўлган, деди. Ва, ниҳоят, воқелик фикрдан аввал вужудга келган, деган хулосага келишди. Шунга биноан фикрга «Фикр воқеликнинг мияда акс этиши» дея таъриф беришди. Демак уларга кўра, фикр мия ва бу воқеликнинг миядаги аксланиш жараёнидир. Уларнинг айтишича, фикр воқеликнинг мияда акс этишидир. Бу уларнинг раъйидир. Бу раъй тўғри изланишга, жиддий уринишга ва ҳақиқатга яқинлашишга далолат қилади. Агар улар воқеликни яратган яратувчиси борлигини инкор қилиб, мавжудот азалий деб ўжарлик қилмаганида, ақлнинг воқесини идрок этишда хатога йўл кўйишмаган бўлар эди. Чунки, воқесиз фикр бўлмаслиги ва воқесиз маърифат хомхаёлдан бошқа нарса эмаслиги тўғридир. Демак, воқелик фикрнинг асоси бўлиб, фикр шу воқеликнинг ифодасидир. Бундан чиқди, воқелик фикрнинг асоси. Воқелик вужудга келмасидан туриб фикр ҳам, фикрлаш ҳам бўлиши мумкин эмас. Воқега, қолаверса инсондаги ҳар бир нарсага ва уларнинг натижаларига ҳукм чиқариш мияга боғлиқ. Чунки, мия инсондаги асосий марказдир. Фикр фақат мия мавжуд бўлишидан кейингина вужудга келади ва миянинг ўзи ҳам бир воқелиқдир. Шунинг учун фикрнинг вужудга келишида воқелик асосий шарт бўлганидек, мия ҳам фикрнинг вужудга келишида асосий шартдир. Шу боис, ақл бўлиши, яъни фикрлаш ва фикрнинг вужудга келиши учун албатта воқелик ва мия бўлиши шарт. Коммунист олимлар мана шу икки нарсага йўл топа билишди, яъни ақлнинг вужудга келиши учун албатта воқе ва мия бўлиши ҳамда ҳар иккаласи биргаликда

фикрнинг вужудга келишидаги асосий шарт эканлигини кашф этишди. Шунинг учун ҳаракатлари жиддий ва тўғри бўлди. Шунгача улар ақлнинг воқелигини аниқ билишга олиб борадиган тўғри йўлдан боришди, аммо фикрга эришиш учун воқеликни мияга боғлашга уринаётган пайтда адашишди, яъни иккаласининг ўртасини боғловчи нарса воқеликнинг мияда акс этиши деб ҳисоблашди. Оқибатда ақлни билишда хато натижани чиқаришди ва шунинг учун ақлга хато таъриф беришди. Бунинг сабаби мавжудотни йўқдан бор қилган яратувчиси борлигини рад этишлари бўлди. Агар улар маърифат фикрдан аввал туришини айтишганида эди ҳақиқатга етиб борган бўлардилар. Ҳақиқат шуки, воқелик пайдо бўлишидан олдин фикр қаердан келиб қолди? Демак, фикр воқеликдан бошқа тарафдан келган бўлиши лозим. Биринчи инсонга фикр қаердан келган? Инсондан ва воқеликдан бошқа Зотдан келган бўлиши зарур. Бундан чиқди, биринчи инсонни ва воқеликни инсонга маърифат ва билимни берган Зот вужудга келтирган. Бу эса, олам азалий ва воқелик азалий деган фикрга зиддир. Шунинг учун ҳам воқеликнинг мияда акс этиши ақлдир ва шу ақл фикрни ҳам, фикрлашни ҳам пайдо қилган дейишди. Бунинг учун маърифат зарурлигидан қочиб, «энг аввалги инсон воқеликни тажрибадан ўтказиб маърифатга эришган, кейин шу тажрибалар воқелик учун яна бошқа тажрибаларни қилиш учун инсонга ёрдам берувчи маърифатлар бўлиб қолди ва ҳоказо», деган хаёл ва фаразларни юзага келтиришга уринишди ҳамда воқеликнинг мияда акс этиши ақл, фикр ва фикрлаш деб туриб олишди. Шу ерда уларнинг кўзлари ҳис этиш билан акс этиш ўртасидаги фарқни кўришдан ожиз бўлиб қолди ва фикрлаш амалиёти на воқеликни мияда акс этишидан ва на воқеликни мияга урилишидан келиб чиқишини, ҳис этишнинг маркази эса мия бўлиб, агар воқелик ҳис этилмаса ҳеч қандай фикр ҳам, ҳеч қандай фикрлаш ҳам ҳосил бўлмаслигини фарқлай олишмади. Ҳис қилиш билан акс этишни бир-биридан фарқлай олмаганликлари ишни баттар чигаллаштириб, уларни йўлдан буриб юборди. Оқибатда, ақл ҳақидаги таърифда хатолик юз берди. Аммо асосий хато бунда эмас, агар шундай бўлганда эди улар масала акс этиш эмас, ҳис қилиш эканлигига йўл топар эдилар, балки хатонинг асоси ва адашишнинг боши улар мана шу мавжудотнинг яратувчиси борлигини инкор қилишларида. Улар шу воқелик ҳақидаги собиқ маълумотнинг мавжуд бўлиши фикр юзага келишининг, яъни ақл фикр ва фикрлаш ҳосил бўлишининг зарурий шарти эканини идрок қилишолмади. Акс ҳолда эшакда ҳам ақл бўлар эди. Чунки у ҳам мияга эга бўлиб, воқелик унинг миясида акс этарди, яъни воқеликни ҳис қиларди. Ақл инсонга хос

хусусиятлардан ҳисобланади. Инсон гапирувчи ҳайвондир, деб бежиз айтилмаган. Яъни, у фикрловчи ҳайвон бўлиб, фикрлаш ёки ақл инсонгагина хос, ундан бошқа ҳайвонда на ақл ва на фикрлаш бор.

Коммунист олимлар ақлнинг маъносига етиб бориш учун қаттиқ уринишди ва ақл воқесини билиш томон тўғри йўлдан юришди. Гарчи улар ақлга таъриф беришда хато қилишган ҳамда ҳаракат қилаётган йўлдан адашиб кетишган бўлсалар ҳам, лекин ўзларидан кейин келган кишиларга маърифатга олиб борувчи йўлни очиб беришди. Мусулмонлар бирор нарсани билиши (яъни ақллари етиши) учун у ҳақида собиқ маълумот бўлиши кераклигини исботловчи далилга эга. Лекин бу очиқ ҳақиқат бўлса-да, у ўз воқелигига эга бўлган сифатлиги, ҳамда ақлга берилган тарифга барча инсонларни риоя қилдириш мақсад қилинганлиги эътибори билан ақлнинг таърифи ҳис қилинган далилларга асосланган бўлиши лозим. Чунки мақсад нафақат мусулмонларни, балки бутун инсонларни шунга риоя қилдиришдир.

Аллоҳ Таоло ўзининг азиз китобида шундай дейди:

﴿وَعَلَّمَ آدَمَ الْأَسْمَاءَ كُلَّهَا ثُمَّ عَرَضَهُمْ عَلَى الْمَلَائِكَةِ فَقَالَ أَنْبِئُونِي بِأَسْمَاءِ هَٰؤُلَاءِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٣١﴾ قَالُوا سُبْحٰنَكَ لَا عِلْمَ لَنَا إِلَّا مَا عَلَّمْتَنَا ۗ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ ﴿٣٢﴾ قَالَ يٰٓأَدَمُ أَنْبِئْهُمْ بِأَسْمَائِهِمْ ۗ فَلَمَّ أَنْبَأَهُمْ بِأَسْمَائِهِمْ قَالَ أَلَمْ أَقُلْ لَكُمْ إِنِّي آءَلَّمُ غَيْبَ السَّمٰوٰتِ وَالْأَرْضِ وَأَعَلَّمُ مَا تُبْدُونَ وَمَا كُنْتُمْ تَكْتُمُونَ ﴿٣٣﴾﴾

*«Ва У зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилиб деди: «Агар халифаликка биз ҳақдормиз, деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Менга билдиринг!». Улар айтдилар: «Эй пок Парвардигор, биз фақат Сен билдирган нарсаларнигина биламиз. Албатта, Сен ўзинг илму ҳикмат соҳибисан». (Аллоҳ): «Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини билдир», деди. (Одам) уларга барча нарсаларнинг исмларини билдирганидан кейин (Аллоҳ) айтди: «Сизларга, Мен Еру-осмонларнинг сирларини ва сизлар ошкор қилган ва яширган нарсаларни биламан, демаганмидим?»»* [Бақара 31-33]

Бу оят маърифатга эришиш учун собиқ маълумот бўлиши лозимлигига далолат қилади. Аллоҳ Одамга нарсаларнинг номларини, яъни қандай аталишини билдирди. Нарсалар унга рўбарў қилинган, уларни таниди. Демак, биринчи инсон, яъни

Одамга Аллоҳ маълумотларни берган ва бу маълумотлар орқали нарсаларни таниб билган. Агар мана шу маълумотлар бўлмаганида, уларни билолмасди. Коммунист олимлар ақлнинг воқесини билишдаги асосий хато бу собиқ маълумотлар зарурлигини англамаслиқдир. Чунки фикрни вужудга келтириш учун воқелик ҳақида мияда акс этадиган собиқ маълумот бўлиши зарур. Мақсад фақат мусулмонларнигина эмас, балки барча инсонларни бу амалиётга риоя қилдириш экан, то фикрни вужудга келтириш учун воқелик ҳақида собиқ маълумот бўлиши зарурлигини инсонлар англаб етишлари лозим. Гарчи фикр ё фикрлаш пайдо бўлиши учун воқелик шарт бўлса-да, ақл мияда собиқ маълумот бўлишига боғлиқ.

Коммунистлар бошида тўғри қадам ташлаб, сўнг тўғри йўлдан тойилганликларининг сабабини аниқлашда воқеликнинг мияда акс этмаслиги, балки уни ҳис қилиниши эканлигини тушунишнинг ўзи етарли эмас. Буни тушуниш осон, чунки йўл кўйилган асосий хато бу бўлмаган. Асос – ақлий амалиётни пайдо қилиш учун, яъни ақл вужудга келиши учун воқелик ҳақида собиқ маълумот борлигидир. Юқорида айтиб ўтилганидек, мияда воқеликнинг акс этиши эмас, ҳис қилиниши содир бўлиши ояти Каримани тушуниш ҳамда ҳис қилинган далилларни келтириш орқали ўз исботини топди. Воқелик ва унга тааллуқли нарсалар ҳақидаги собиқ маълумотлар ақл учун, ақлнинг вужудга келиши учун зарур эканлиги, бу маълумотларсиз ақл ёки идрокнинг вужудга келиши мумкин эмаслиги аниқланган. Демак, бу билан ақлнинг маъносини идрок қилишга, сўнгра ақлга тўғри таъриф беришга эришилади.

Аммо фикрлаш, яъни ақлий амалиётда ҳосил бўладиган нарса бу акс этиш эмас, ҳис қилиш эканлиги шундан иборатки, мия моддада ва модда мияда акс этмайди. Чунки акс этиш учун нарса ўзидан бошқа нарсанинг аксини тарқатадиган хусусиятга мухтож. Масалан, ойна ва нур каби. Бундай хусусият мияда ҳам, моддада ҳам йўқ. Модда мияда акс этмайди ва бу ҳол моддани ҳиссиёт воситасида мияда ҳис қилинишидир. Яъни, сезги мияга кўчади ва натижада унинг хулосаси ҳосил бўлади. Сезги моддани мияга кўчириши модданинг мияда акс этиши ва миянинг моддада акс этиши эмас, балки моддани сезишдир. Бундан кўз билан бошқа ҳис қилиш аъзоларининг ўртасида фарқ йўқ ва бу сезги тана сезгисида ҳам, хид сезгисида ҳам, худди кўриб сезилганидек ҳосил бўлади. Демак, нарсалардан ҳосил бўладиган иш мияда акс этиш эмас, балки нарсаларни сезишдир. Инсон ўзидаги бешта ҳиссиёт аъзоси воситасида ҳис қилади ва нарсалар мияда акс этмайди.

Бу моддий ишларда ҳосил бўладиган сезишдир. Аммо моддий



бўлмаган маънавий ёки руҳий ишларга келсак, ақлий амалиёт вужудга келиши учун уларда ҳам сезиш ҳосил бўлади. Масалан, инқирозга учраган жамиятнинг инқирозга учраганлиги ҳақида хулоса чиқариш учун инқирозни ҳис қилиш зарур. Бу моддий иш. Обрўга путур етказилганда ҳам бу нарсани ҳис қилиш, токи путур етганлиги ёки бир нарсада хурматни йўқотувчи куч борлиги ҳис қилиш орқали бўлади. Бу маънавий иш. Аллоҳни ғазаблантирадиган ишда ҳам Аллоҳнинг ғазабини ҳис қилиш зарур, яъни мана бу нарса ёки иш иззат-икром роббисининг ғазабини қўзғашини ҳис қилиш даркор. Бу руҳий иш. Бу нарсасиз амалиёт ҳосил бўлмайди. Моддий ишларда ҳам, маънавий ишларда ҳам шундай. Фақат моддий нарсаларда уларнинг табиатини қанчалик тушунишга қараб ҳис қилиш табиий равишда ҳосил бўлади. Шунинг учун фикрий сезиш сезги турлари ичида энг кучлигидир, дейишган. Моддий бўлмаган ишларга келсак, уларни ҳис қилиш у ҳақида тушунча пайдо бўлганидан кейингина ёки таклид қилиш орқали рўй беради.

Нима бўлганда ҳам, ҳар қандай ҳолатда ҳосил бўладиган нарса акс этиш эмас, ҳис қилиш эканлиги ойдек равшан. Аммо бу асосийси эмас. Зеро, ҳар қандай инсон буни ўз тани билан ҳис қилган бўлиб, бу масалада ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Аммо уни ифодалашда акс этиш гоҳо воқеликка зид ифода бўлиб қолади. Гоҳо эса уни сезги, яъни ҳис қилиш деб ифодалашимиз воқеликка мувофиқ келади. Лекин йўл қўйилган хатонинг асоси воқелик ҳақидаги собиқ маълумотлар хусусида бўлди. Чунки айнан шу маълумотлар коммунист олимларни адашишга олиб борди ва ақл мавзусидаги ҳамма гаплар мана шу маълумотларга бориб тақалди.

Собиқ маълумотлар мавзусининг хулосаси эса бундай: Ёлғиз сезгининг ўзидан фикр эмас, фақат сезги ҳосил бўлади, яъни воқелик сезилади, холос. Ҳар қанча сезги турлари билан миллион марта сезилганда ҳам, сезиш ҳосил бўлади, асло фикр эмас. Фикр ҳосил бўлиши учун инсон воқеликни ўзидаги собиқ маълумотлар воситасида аниқлайди. Мисол учун, бугунги оддий бир инсонни оламиз ва унга сурёний (оссурий) тилидаги бир китобни тутқазамиз, у эса сурёний тилига алоқадор бўлган ҳеч қандай маълумотга эга эмас. У китобдан битта сўзни ҳам тушунмайди. Токи унга сурёний тили ҳақида ва шу тилга алоқадор бирор маълумот берилсагина, у бу тилни тушуниши мумкин бўлади. Бу ўринда «бу тилларга хос нарса ва тил инсон томонидан тузилади, шунинг учун инсон ўша тил ҳақидаги маълумотга муҳтож бўлади», дейилмайди. Чунки мавзу ақлий амалиёт мавзусидир. Амалиёт эса, хулоса қилиш ҳолатида бўладими ёки ҳақиқатни тушунишдами фарқсиз, ақл амалиётидир. Масалан, бирор масала ҳақида фикрлаш

билан бирор мева ҳақида фикрлаш бир хил бўлади. Сўзнинг маъносини тушуниш билан бирор воқеликни тушуниш ҳам бирига ўхшаш бўлади. Буларнинг ҳар бирида ақлий амалиётга муҳтож бўлинади. Ақлий амалиёт ҳар бир нарсада, ҳар бир ишда ва ҳар бир воқеликда бир хил.

Тил ва воқелик хусусида тортишув келтириб чиқармайликда, бевосита воқеликка ўтайлик. Масалан, сезишлари баркамол, аммо ҳеч қандай маълумотларга эга бўлмаган бир гўдакни олайлик. Унинг олдига бир бўлак олтин, бир бўлак мис ва тошни қўйиб, мана шу нарсаларга гўдакнинг ҳамма сезгиларини йўналтирамиз. У эса ҳарчанд уринмасин, уларни идрок этолмайди. Аммо унга ўша нарсалар ҳақида маълумотлар берилса, у маълумотларни ишлатади ва бу нарсаларни тушунади. Бу бола улғайиб, йигирма ёшга етсаю, ҳеч қандай маълумот олмаган бўлса, у худди биринчи кунидагидек нарсаларни фақат сезади, мияси ҳар қанча ўсган бўлса-да, уларни идрок этолмайди. Яна тўрт ёшга тўлган бир гўдакни олайлик. У шерни кўрмаган, тарози нималигини билмайди, ит ва фил ҳақида эшитмаган. Унга шер, тарози, ит ва фил суратини кўрсатиб, улардан қайси бири нималигини сўраймиз. Табиийки, у ҳеч нарсани билмайди, уларнинг ҳеч қайсисига нисбатан болада ақлий амалиёт мавжуд эмас. Агар нарсаларни узоққа қўйиб, ғойибона унга номларини ёдлатсак, кейин шу нарсаларни унинг олдига қўйиб, сен ёдлаган нарсалар мана шу деб айтсак ҳам у қайси бирининг номи нималигини ажрата олмайди. Аммо нарсаларнинг ҳар бирини номини айтиб кўрсатсак, ва айнан шу ҳолатда уларни ёдласа, шундагина у қайси бири шер, қайсиниси тарозилигини тушунади ва хато қилмайди. Демак, мавзу воқеликка ҳам, уни ҳис қилишга ҳам тааллуқли эмас, балки мана шу воқелик ҳақидаги собиқ маълумотларга алоқадордир.

Ақлий амалиёт ҳосил бўлиши учун воқелик ҳақидаги ёки шу воқеликка алоқадор нарса ҳақидаги собиқ маълумотлар асосий шартдир.

Ақлан идрок этиш жиҳатидан мана шундай. Аммо туйғули идрок қилиш жиҳатидан олиб қаралганда эса, бу ғаризалар ва узвий эҳтиёжлардан келиб чиқади ҳамда ҳайвонда ҳосил бўлган нарса инсонда ҳам юз беради. Масалан, инсонга олма билан тошни қайта-қайта берилса ҳам, олма ейиладиган ва тош ейилмайдиган нарсалигини билади. Худди шунингдек, эшак ҳам арпанинг ейиладиган, тупрокнинг ейилмайдиган нарсалигини билади. Лекин бундай ажратиш фикр ҳам, идрок ҳам эмас, у узвий эҳтиёжлар ва ғаризаларга бориб тақалади ҳамда инсонда бўлганидек, ҳайвонда ҳам мавжуд. Шунинг учун фикр фақат бир ҳолатда, яъни воқеликни

ҳис қилиш аъзолари воситасида мияга ўтказиб сезиш билан бирга собиқ маълумот бор бўлгандагина ҳосил бўлади.

Кўпчилик собиқ маълумотлар гоҳо шахснинг ўз тажрибаларидан шаклланса, гоҳида таҳсил олиш орқали пайдо бўлади, деб гумон қилади. Уларнинг наздида баъзан биринчи илк тажрибалар ақлий амалиётни вужудга келтиради. Ушбу гумон инсоннинг мияси билан ҳайвоннинг мияси ўртасидаги боғланиш жиҳатидаги фарққа эътиборини қаратиш билан ҳамда ғаризалар ва узвий эҳтиёжларга тааллуқли нарса билан унинг нима эканлигига ҳукм чиқариш ўртасидаги фарққа аҳамият бериш биланоқ бекор бўлади. Ҳайвоннинг мияси билан инсон мияси ўртасидаги фарқ шундаки, ҳайвоннинг миясида маълумотларга боғланиш мавжуд эмас, балки унинг миясида агар унга (олдин ҳис қилган нарсаси) такрор ҳис қилдирилса сезгини қайтариш (қайта тиклаш) вужудга келади. Мана шу қайтариш ҳайвон табиий ишни бажараётган ҳолатида ғаризалар ва узвий эҳтиёжларга хос бўлади ҳамда у ғариза ва узвий эҳтиёжлардан бошқасига ўтмайди. Масалан, сиз қўнғироқ чалиб итни чақирасиз ва қўнғирокни тўхтатмаган ҳолда итни овқатлантирасиз. Шу ҳолат яна такрорланадиган бўлса, ит агар қўнғироқ чалинса овқат берилишини тушунади ва шунинг учун сўлаги оқади. Шунга ўхшаш, эшак агар урғочи эшакни кўрса шаҳвати кўзғалади, аммо урғочи итни кўрса шаҳвати кўзғалмайди. Ўтлаб юрган мол заҳарли майсаларни четлаб ўтади. Бу ва бунга ўхшаш ҳолатлар ғаризавий фарқлашдир. Аммо айрим ҳайвонлар муайян ҳаракатларни ва айрим амалларни ўрганаётганига гувоҳ бўлинса, бу ҳаракат ва амаллар ғаризага тааллуқли бўлмайди. Ҳайвонлар буларни ақл ва идрокдан келиб чиқиб эмас, балки тақлид қилиб бажаради. Ҳайвоннинг миясида маълумотларни боғлаш мавжуд эмас, сезгини қайта тиклаш ва ғаризавий фарқлаш бор. Ғаризага боғлиқ бўлган ҳамма нарсани сезади ва сезган ҳар бир нарсани қайта тиклашга қодир, айниқса мана шу сезги қайта такрорланса. Ғаризага тааллуқли ҳар бир нарсани ҳайвон сезадими ёки сезгисини қайта тиклайдими, барибир табиий бажаради. Аммо ғаризага тааллуқли бўлмаган нарсани агар сезса, табиий бажариши мумкин эмас. Лекин шу сезиш қайта такрорланса, табиий ҳолда эмас, тақлид қилиб бажариши мумкин.

Инсонда бундай эмас. Унинг миясида фақат қайта сезишгина эмас, маълумотларга боғланиш мавжуд. Масалан, бир одам Бағдод шаҳрида бир кишини кўрса ва ўн йил ўтгач уни Дамашқда учратса-ю сезгисини қайта тикласа, у ҳақда маълумотга эга бўлмаса, ҳеч нарсани боғлай олмайди. Агар бу кишини Бағдодда кўрса-ю, у ҳақида маълумотга эга бўлса, унинг Дамашққа келганини ўша

собик маълумотлари билан боғлайди. Ҳайвонда эса ундай эмас. У сезгиларини қайта тикласа ҳам маъносини идрок қилолмайди, балки у одамни кўрган вақтида ўзидаги ғаризаларга тааллуқли нарсани ҳис қилади холос. Ҳайвон сезгисини қайта тиклаши мумкин, аммо у маълумотларни боғлай олмайди. Инсон эса сезгисини қайта тиклаши ва маълумотларни боғлаши мумкин. Инсоннинг миясида маълумотларни боғлаш ва қайта сезиш хусусияти бор.

Ғаризалар ва узвий эҳтиёжларга тааллуқли нарса билан нарсаларнинг нима эканига ҳукм қилишга тааллуқли нарса ўртасидаги фарқ кўйидагича: Ғаризаларга тааллуқли нарсада инсон қайта ҳис қилиш орқали ҳиссиётни қайта тиклаши мумкин, боғлаш хусусияти орқали ўзи ҳис қилган нарсанинг мажмуи ва қайта ҳис қилган нарса ёрдамида маълумотларни пайдо қилиб ғариза ва узвий эҳтиёжларга тааллуқли нарсаларда шу сезгиларни унинг маълумотлари билан боғлаши мумкин бўлади. Аммо ғариза ва узвий эҳтиёжларга тааллуқли бўлмаган нарсаларда, бу маълумотларни боғлаш имкониятига эга эмас, яъни маълумотларни нарсанинг нима эканини аниқлашга боғлаши мумкин эмас. Шунинг учун кўпчилик қайта ҳис қилиш билан боғлаш амалиёти ўртасида фарқ бор, деб гумон қилади. Қайта ҳис қилиш амалиёти фақат ғариза ва узвий эҳтиёжларга тааллуқли нарсалардагина бўлади, лекин боғлаш амалиёти эса ҳамма нарсада бўлиши мумкин. Ғариза ва узвий эҳтиёжларга тааллуқли нарсада ҳам, нарсанинг нима эканлиги аниқлашга тааллуқли нарсада ҳам бўлиши мумкин. Демак, собик маълумотлар боғлаш учун албатта зарур. Инсоннинг ҳайвондан фарқи миядаги боғлаш хусусиятида. Шунинг учун инсоннинг сувда чўкмай қалқиб турган ёғочни кўриб, ундан кема яшаш мумкинлигини билиши худди маймуннинг дарахтда осилиб турган бананни кўриб, уни ёғоч ёки бирор нарса билан уриб узиш мумкинлигини билиши билан бир хил. Буларнинг ҳаммасини қайта ҳис қилиш амалиётига айлантириш билан ҳосил қилинади. Шунинг учун бу ерда ақлий амалиёт бўлмайди ва ақл ёки фикрга далолат қилинмайди. Ақл ёки фикр, ҳақиқий ақлий амалиёт бўлганига далолат қилувчи нарса унинг нима эканлигини аниқлашда бўлади, ҳолбуки нарсанинг нима эканини аниқлашда фақат боғлаш амалиёти билан ҳамда собик маълумотларга боғлаш билангина мукамал бўлади. Демак, бундан хулоса қилинадик, ақлий амалиёт вужудга келиши учун, ҳар қандай боғлаш амалиёти учун собик маълумотларнинг бўлиши зарур.

Кўпчилик инсонлар энг биринчи инсон ўзининг тажрибалари, шу тажрибаларидан маълумотлар ҳосил қилиш орқали қандай қилиб фикрлашга йўл топа билганини англашга уринадилар. Бу билан

вокеликнинг мияда акс этиши ёки унинг ҳис қилиниши инсонни фикрлайдиган қилди ва унда ақлий амалиётни пайдо қилди демоқчи бўладилар. Юқорида биз, бу боғланиш эмас ҳис қилишни қайта тиклаш эканлигини ва ғаризаларга хос бўлиб, нарсаларни нима эканини аниқлашга алоқаси йўқлигини баён қилганимизнинг ўзи бунинг нотўғрилигидан далолат беради. Аммо мавзу энг биринчи инсон ҳақидаги баҳс ҳам эмас, фараз, тахмин ва тасаввурларга тааллуқли ҳам эмас, балки бир инсонга тааллуқлидир. Энг биринчи инсонни ҳозирги инсонга, шоҳидни ғойибга қиёслаш ўрнига, биз шоҳиди бўлиб ҳис қилиб турган ҳозирги инсонни олайликда, ғойибни шоҳидга қиёслайлик. Чунки ҳозирги инсондаги ҳис этиш ва мушоҳада қилиш қобилияти ҳар бир инсон, шу жумладан энг биринчи инсонга ҳам тааллуқли. Шунинг учун далилга тескари иш тутишимиз дуруст эмас, балки уни тўғри тарзда ёритиб бериш лозим. Олдимиздаги ўзимиз кўриб ҳис қилиб турган ҳозирги инсонни олайликда ғаризаларга ва нарсаларнинг нима эканини аниқлашга тааллуқли нарсаларда унинг ақлий амалиётини кўриб чиқайлик. Кейин (ҳисни) қайта тиклашни, (маълумотларни) боғлашни ва улар ўртасидаги фарқни кўриб чиқайлик. Шунда биз собиқ маълумотлар инсондаги боғлаш қобилиятига ва ақлий амалиётга жуда керакли эканига гувоҳ бўламиз. Ҳисларни қайта тиклаш эса, аксинча, инсонда ҳам, ҳайвонда ҳам мавжуд ва у ақлий амалиётни шакллантирмайди, ақл ҳам, фикр ҳам, фикрлаш ҳам эмас. Нрсаларнинг нималигини билмайдиган ва ўзида маълумотлар йўқ, маълумотларни қабул қилиши мумкин бўлган ёш гўдак ақлнинг маъносига энг тўғри далилдир.

Шуларга биноан, ақл фақат инсонда мавжуд ва ақлий амалиётни фақат инсон бажаради. Узвий эҳтиёж ва ғаризалар эса, инсонда ҳам, ҳайвонда ҳам мавжуд ҳамда уларнинг сезгилари инсонда ҳам, ҳайвонда ҳам бор. Лекин буларнинг ҳаммаси ақл ҳам, идрок ҳам, фикр ҳам ва фикрлаш ҳам эмас, балки ғаризавий ажрата билишдан бошқа нарса эмас. Ақл маълумотларни боғлаш хусусиятига эга бўлган мияга муҳтож. У эса, фақат инсондагина мавжуд. Шунга кўра, ақлий амалиёт фақат боғлаш хусусияти бор бўлгандагина ҳосил бўлиши мумкин. Шунинг учун аввалги инсонда бўладими ёки ҳозирги инсондами, ҳар қандай ақлий амалиёт учун вокелик ҳақида собиқ маълумот бўлиши зарур. Аллоҳ Таолонинг биринчи инсон-Одам ҳақидаги каломи шунга ишора қилади:

﴿وَعَلَّمَ آدَمَ الْأَسْمَاءَ﴾

**«Ва У зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди»**

[Бақара 31]

«Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини билдир» [Бакара 33]

Демак, собиқ маълумотлар ақлий амалиёт, яъни ақлнинг маъноси учун асосий шарт ҳисобланади.

Коммунист олимлар ақлнинг маъносини тушуниб етишга ҳаракат қилишди ва ақлий амалиёт тўла бўлиши учун воқелик ҳамда ақлий амалиёт вужудга келиши учун инсон мияси бўлиши зарурлигини тушунишди. Бироқ улар мияни воқелик билан боғлашни ҳис қилиш эмас, акс этиш деб хато ифодалашди. Улар ақлий амалиёт тўла бўлиши учун собиқ маълумот зарурлигини, уларсиз ҳеч қандай ҳолатда ақлий амалиёт мукаммал бўлмаслигини инкор қилишган вақтда қаттиқ адашишди. Ақлнинг маъносини аниқ тушунишга олиб борадиган тўғри йўл шундан иборатки, ақлий амалиёт мукаммаллиги, яъни ақл, фикр пайдо бўлиши учун, тўртта нарсанинг бўлиши зарур бўлади: воқелик, соғлом мия, сезги ва собиқ маълумот. Мана шу тўрт нарса ақлий амалиёт тўлиқ бўлиши, яъни ақл ё фикр ёки идрок вужудга келиши учун жамланган бўлиши зарур.

Шунга кўра, ақл, фикр, идрок бу: «воқеликни ҳис аъзолари воситасида мияга кўчириш ва ушбу воқеликни тушунтириб берадиган собиқ маълумотларнинг бор бўлиши» демакдир.

Ёлғиз мана шунинг ўзи тўғри таъриф бўлиб, бошқа таъриф умуман йўқ. Шу таъриф барча асрларда ҳамма инсонлар учун керак, чунки фақат мана шу ақлнинг воқелигига тўғри сифатдир.

Агар биз, ақлнинг маъносини аниқ тушуниб, унинг таърифини ҳам ишончли тарзда билиб олсак, энди фикрларни келтириб чиқаришда ақлий амалиёт жорий бўладиган тариқатни, яъни унга мувофиқ фикрларни келтириб чиқариш жорий бўладиган кайфиятни билишимиз лозим.

### **Фикрлаш**

Биз билишимиз лозим бўлган нарса фикрлаш тариқатидир. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, фикрлашнинг тариқати ва услуби бўлади. Фикрлаш услуби ҳақида айтадиган бўлсак, услуб бирор нарса тўғрисида изланиш олиб бориш тақозо қилган кайфиятдир ёки шу изланиш тақозо қилган воситалардир. Изланиш олиб борилаётган бу нарсанинг тана аъзолари билан ҳис қилинадиган моддий нарса бўлишининг ёки моддий нарса бўлмаслигининг фарқи йўқ. Шунинг учун услублар бир нечта бўлади ва нарсанинг тури ўзгаришига қараб ўзгаради. Тариқат эса, унга кўра ақлий амалиёт, яъни ақлнинг табиати ва воқелигига мувофиқ фикрлаш амалиёти жорий бўладиган кайфиятдир. Табиийки, тариқат ўзгармайди ва

қандай бўлса шундайлигича қолади. Шунинг учун тариқат доимий бўлиши ва фикрлаш услублари ҳар қанча кўпайса ҳам, фикрлашга шу тариқат асос бўлиши лозим.

Фикрлаш тариқатининг ўзи, яъни унга биноан ақлнинг фикрларни келтириб чиқариши жорий бўладиган кайфиятнинг ўзи ақлнинг таърифидир. Бошқача қилиб айтганда, фикрлаш тариқати айнан ақлнинг воқелигига мос тушади ва ҳар қандай ҳолатда ҳам бу воқедан чикмайди. Шунинг учун бу тариқат ақлнинг ўзига қиёсан «ақлий тариқат» дея номланди. Бу тариқат, яъни ақлий тариқат изланиш олиб боришдаги муайян манҳаждир. Изланиш олиб борилаётган нарсанинг ҳақиқатини билиш учун шу тариқатдан юрилади. Яъни, изланиш олиб борилаётган нарса сезгилар орқали мияга узатилади ва воқеликни ифодалаган собиқ маълумотлар орқали мия бу воқеликка ҳукм (хулоса) чиқаради. Бу хулоса фикр ёки ақлий идрок демақдир. Фикрлаш тариқати физика каби тажриба қилинадиган моддалар тўғрисида ёки ақидалар ва қонунчиликни тушуниш каби фикрлар тўғрисида изланиш олиб боришда ёхуд адабиёт ва фикрларни тушуниш каби луғат илмини тушунишда бўлади. Мана шу тариқат идрок қилишни қандай бўлса, шундайлигича тушунишдаги табиий йўл бўлиб, унинг амалиёти орқали нарсаларни ақл идрок этади, унинг ўзи ақлга таъриф бўлиб, унинг манҳажига асосан инсон аввал идрок қилган ёки идрок қилмоқчи бўлган ҳар қандай нарсани тушуниб этади.

Мана шу ақлий тариқатдир. Фикрлаш тариқати фақат мана шудир. Бундан бошқа фикрлаш тариқати дея номланган илмий ва мантикий тариқат ҳақида айтадиган бўлсак, масалан, илмий тариқат ақлий тариқатнинг бир бутоғи ёки бирор нарса тўғрисидаги изланиш тақозо қилган услублардан биридир. Мантикий тариқат эса, изланиш олиб бориш воситаларидан биридир. Булар фикрлашнинг асосий тариқатлари эмас. Фикрлаш тариқати бир нечта эмас, ягона бўлиб у ақлий тариқатдир.

Бироқ, нарса ҳақидаги собиқ раъй билан у ҳақдаги собиқ маълумотлар ҳамда унга тааллуқли нарсалар ўртасини фарқлаш лозим. Шубҳасиз, ақлий тариқатда воқелик ҳақида собиқ раъй эмас, балки собиқ маълумот ёки унга тааллуқли нарсалар мавжуд бўлиши муқаррар. Аммо воқелик ҳақида собиқ раъй бўлиши дуруст эмас, яъни фикрий амалиётда собиқ раъйлар ишлатилмаслиги, амалиёт вақтида фақат маълумотлар ишлатилган ҳолда раъйнинг мавжуд бўлиши ва унинг амалиётга кириб қолишига чек қўйилиши зарур. Собиқ раъй, агар ишлатилгудек бўлса, хатога сабаб бўлади. Чунки у маълумотлар устидан ҳукмронлик қилиб, уларни нотўғри шарҳлаши ва идрок қилишда хато содир бўлиши мумкин. Шунинг учун собиқ

раъй билан собиқ маълумотлар ўртасини фарқлаш ва фақат маълумотларнигина ишлатиб, раъйларни узоқлаштириш зарур.

Агар ақлий тариқат ўз йўлида тўғри ишлатилса, яъни ҳис этишни воқелик билан ҳис қилиш аъзолари воситасида мияга узатилиб собиқ раъйлар эмас, собиқ маълумотлар ёрдамида воқелик шарҳланса, мия мана шу воқеликка нисбатан ўз ҳукмини чиқаради. Агар бу тариқатдан ўз йўлида тўғри фойдаланилса, у тўғри натижаларни беради. Аммо ақлий тариқат ёрдамида инсон натижани текшириб кўриши лозим. Агар бу натижа нарсанинг мавжуд эканлигига ишора қилса, демак у қатъий бўлиб, унда ҳеч қандай ҳолатда хато бўлиши мумкин эмас. Чунки бу хулоса воқеликни ҳис қилиш йўли билан келган ва ҳис қилиш воқеликнинг борлигини аниқлашда хато қилиши мумкин эмас. Негаки воқеликнинг борлигини ҳис қилиш аъзоларининг сезиши шубҳасиз қатъийдир. Демак, мана шу йўл билан ақл воқеликнинг борлигига чиқарган хулоса қатъий хулосадир. Аммо натижа нарсанинг ҳақиқати ёки сифатининг хулосаси бўлса гумонли ҳисобланади. Чунки бу хулоса маълумотлар йўли билан ёки ҳис қилинган воқеликни маълумотлар билан бирга бўлган таҳлил қилиш орқали чиқарилган. Лекин то хато эканлиги аниқ кўринмагунча, у тўғри фикр бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам ақлий фикрлаш йўли билан етиб бориладиган фикрлар агар ақидалар каби нарсанинг борлигига тааллуқли бўлса, у ҳолда қатъий фикрлардан саналади. Агар бу фикрлар нарсанинг ҳақиқати ёки сифатини аниқлаб, хулоса қилишга тааллуқли бўлса, у ҳолда гумонли фикрлар ҳисобланади. Яъни, фалон нарсанинг хулосаси бундай деб тахминан гумон қилингани каби. Бу эса, хато бўлиши эҳтимоли бўлган тўғри фикр ва то хатолиги аён бўлгунича, тўғри бўлиб қолади.

Ақлий тариқат тўғри таъриф берилган бўладими ёки нотўғрими, барибир у инсон сифатида фикрлаш, нарсаларни аниқлаш ва уларнинг ҳақиқатини, сифатини идрок қилишда қўлланиладиган тариқатдир. Лекин Ғарб, яъни Европа ва Америка, уларнинг ортидан Россия Европада саноат инқилобини вужудга келтирди ва тажрибавий ишлар борасида мислсиз ютуқларга эришди. Унинг таъсири ўн тўққизинчи асрдан то ҳозиргача давом этиб бутун оламни қамраб олди. Шунда тажрибавий илмлардаги изланиш услуги фикрлашда илмий тариқат йўли деб аталди ва уни фикрлаш тариқати дея ҳайқириб, фикрлашга асос қилинадиган бўлиб қолди. Гоҳида бу илмларни коммунист олимлар ҳам қабул қилди ва тажрибавий илмларда ҳам, бошқаларида ҳам унга асосан ҳаракат қилдилар. Шунингдек, Европа олимлари тажрибавий илмларда шунга асосан ҳаракат қиладиган бўлди ва унинг манҳажига



Америка олимлари ҳам қўшилди. Ғарб ва Совет иттифоқининг ҳукмронлиги оқибатида уларга дунёнинг бошқа фарзандлари ҳам тақлид қилдилар ва бу тариқат оммавий шаклда инсониятга ҳукмрон бўлиб қолди. Бунинг оқибатида эса, бутун исломий оламда илмий фикрлар ва илмий тариқатни кўкка кўтариш ҳолати вужудга келди. Шунинг учун ҳам мана шу илмий тариқатни баён қилиш зарур бўлади.

Илмий тариқат изланишдаги муайян манҳаж бўлиб, нарсанинг устида тажриба ўтказиш орқали изланиш олиб борилаётган нарсанинг ҳақиқатини билишга эришиш учун юритилади. У фақат ҳис қилинадиган моддаларни текширишдагина бўлиб, фикрлар масаласида вужудга келмайди ва тажрибавий илмларгагина хосдир. У моддани унинг аслий омил ва шароитларидан ташқари омил ва шароитларга бўйсундириш ҳамда аслий шароит ва омилларни мулоҳаза қилиш орқали жорий қилинади. Кейин лабораторияларда мана шу амалиёт натижасида тана билан ҳис қиларли даражада моддий ҳақиқат юзага келади.

Бу тариқат изланиш олиб борилаётган нарса ҳақида собиқ маълумотларнинг ҳаммасини йўқ деб ҳисоблашингизни, кейин эса моддани мулоҳаза қилиб тажрибадан ўтказишингизни талаб қилади. Чунки бу тариқат, агар изланишни истасангиз, ўзингиздаги ҳар қандай собиқ раъйни ва собиқ ишончни ўчириб юборишингизни, кейин мулоҳаза юритиб, тажрибадан ўтказиш бошлашингизни, ўлчаб тартибга солишингизни ва ниҳоят мана шу илмий қадамлар устига қурилган ишлаб чиқаришни бошлашингизни тақозо қилади. Агар шундан бирор натижага эришсангиз, бу изланиш ва тадқиқотга ўз-ўзидан бўйсунган илмий натижа бўлади. Аммо бу натижа бирор томони хато бўлиши мумкин бўлган илмий натижа бўлиб қолади. Изланувчи шахс илмий тариқатга асосан етиб борган натижа, гарчи илмий ҳақиқат ёки илмий қонун деб ном олса-да, барибир қатъий ҳисобланмайди, балки хато қилиш эҳтимоли бўлган гумон бўлади. Илмий изланишда аниқланган хулосаларга асосланиб айтиш мумкинки, илмий тариқатдаги ушбу хато қилиш эҳтимоли ундаги эътибордан қочирмаслик керак бўлган асослардан биридир.

Илмий тариқат мана шудир. Уни ўрганиш билан тўғри тариқат эканлиги ҳамда изланишнинг доимий муайян манҳажни бўлгани учун тариқат деб номланиши хато эмаслиги аён бўлади. Аммо унинг фикрлашга асос қилиниши хато бўлган. Негаки, у устига бирор нарса қуриладиган асл эмас, балки аслнинг устига қурилган бир қисм ҳисобланади. Уни фикрлашга асос қилиб қўйилиши ўрганиладиган ҳақиқатларни ўз ичига олган кўпгина маърифатларни мавжуд эмас, деган хулосага олиб боради. Ҳолбуки,

бу маърифатлар амалда мавжуд бўлиб, уларни воқеликда жисмонан ҳис қилиш мумкин.

Илмий тариқат тўғри йўл, аммо у фикрлашга асос эмас. У фикрлашга доир услублардан бири ҳисобланади ва ҳамма ишга татбиқ қилинмайди, балки тажриба ўтказиш йўли билан модданинг ҳақиқатини билишда татбиқ қилинади. Демак, у тажрибавий ишларда ишлатилиб, бундан бошқаларида қўлланилмайди.

Илмий амалиётнинг асос эмаслиги икки жиҳатда кўзга ташланади: Биринчи, у билан ҳаракат қилиш гарчи биринчи маълумотлар бўлса-да, собиқ маълумотларнинг мавжудлиги билангина амалга ошади. Чунки фикрлаш фақат собиқ маълумотларнинг бор бўлиши билан амалга ошади. Масалан, химик олим ҳам, физик ёки лабораториядаги олим ҳам собиқ маълумотсиз илмий тариқатда бир иш қила олмайди. Аммо илмий тариқат собиқ маълумотлардан холи бўлишни талаб қилади деган гапдан эса, собиқ маълумотлар эмас, собиқ раъйлардан холи бўлишни назарда тутишган. Изланувчидан илмий тараққиёт ўзидаги барча собиқ раъйлар ва собиқ ишончли ўчириб юборишни ҳамда мулоҳаза қилиб тажриба ўтказиш, кейин эса ўлчаб кўриш ва тартиблаштиришга ўтиш, сўнг мана шу илмий қадамларига асосланган ишлаб чиқаришни бошлашни тақозо қилади. Гарчи мулоҳаза юритиш, тажриба қилиш ва ишлаб чиқаришдан иборат бўлса-да, лекин маълумотлар албатта бўлиши зарур. Ушбу маълумотлар мулоҳаза ва тажрибасиз вужудга келган бўлади, яъни воқени ҳис қилиш аъзолари воситасида кўчириш орқали пайдо бўлади. Чунки аввалги маълумотлар биринчи илмий изланишда тажрибавий маълумот бўлиши мумкин эмас, чунки ҳали маълумот ҳосил қилинмаган бўлади. Демак, воқеликни сезги воситасида мияга кўчириш зарур бўлади, яъни маълумотлар ақлий тариқат йўли билан йиғилган бўлмоғи лозим. Шунинг учун илмий тариқат эмас, ақлий тариқат асос бўлади-да, илмий тариқат мана шу асос устига қурилади ва унинг асл негизи эмас, балки бир тури ҳисобланади. Шу боис, илмий тариқатни фикрлаш учун асос қилиш хатодир.

Иккинчи жиҳатдан, моддий ҳис қилинмаган ҳар бир нарса илмий тариқатнинг назарида мавжуд эмас ҳисобланади. Демак илмий тариқатга кўра, мантиқ, тарих, фикр, сиёсат ва бошқа маърифатлар мавжуд эмас. Чунки буларни қўл билан ушлаб бўлмайди ва улар тажрибага ҳам бўйсунмайди. Аллоҳ ҳам, фаришталар ва бошқа мавжудотлар ҳам илмий тариқатга кўра йўқ нарса. Чунки у илмий жиҳатдан исботланмаган, яъни моддани мулоҳаза қилиш ва тажриба ўтказиб, ундан моддий натижа олиш йўли билан исбот қилинмаган.

Бу фикр очикдан-очик хатодир. Чунки табиат илмлари маърифат турларидан бири ва фикрлардан бир фикр бўлиб, қолган маърифатлар жуда кўп ва улар илмий тариқат билан эмас, ақлий тариқат билан исботланган. Аллоҳнинг борлиги қатъий шаклда ақлий тариқат билан исбот бўлган, фаришталар ва шайтонларнинг мавжудлиги ҳам далолати ва субути қатъий бўлган нусусда собит бўлиб, ақлий тариқат билан исботланган. Шунинг учун илмий тариқат фикрлашга асос қилиб олиниши дуруст эмас. Илмий тариқатнинг мавжуд нарсани қатъий исбот қилиб бериш имкониятидан ожизлигининг ўзи у фикрлашга асос эмаслигига далилдир.

Бунинг устига илмий тариқатда хато қилиш қобилятининг борлиги илмий изланишда эътибордан қочирилмаслиги керак бўлган асослардан биридир. Дарҳақиқат, унинг натижасида амалда хато қилиш бир неча бор бўлиб ўтди. Бу нарса кўпгина илмий маорифларда яққол билиниб қолди. Яъни, уларни илмий ҳақиқатлар деб аталганидан сўнг фасодлиги маълум бўлди. Масалан, атом. Уни моддадан ҳам кичкина нарса ва парчаланмайди дейилган эди. Кейин бунинг хатолиги зоҳир бўлиб, илмий тариқатнинг ўзи унинг парчаланганини баён қилди. Шунингдек, модда йўқолиб кетмайди дейилганди, кейин бу ҳам хато бўлиб чиқди ва илмий тариқатнинг ўзи унинг йўқолиб кетиши мумкинлигини исботлади. Шулар каби кўплаб илмий ҳақиқатлар ва илмий қонунлар деб аталган нарсаларнинг илмий тариқат орқали хатолиги кўринди ва илмий тариқатнинг ўзи улар илмий ҳақиқат эмаслигини кўрсатиб қўйди. Шу боис ҳам, илмий тариқат қатъий эмас, гумонли тариқатдир. У нарсанинг борлиги, ҳақиқати ва сифати ҳақидаги гумонли натижани пайдо қилади. Шунинг учун илмий тариқат фикрлаш учун асос қилиб олиниши тўғри эмас, лекин ҳар қандай ҳолда фикрлашнинг тариқати ҳисобланади. У ёлғиз тажрибавий илмларда яроқли бўлади, яъни мулоҳаза ва тажриба қилиш, тартибга солиб ўлчаш мумкин бўлган нарсаларда яроқли бўлади, бундан ташқари нарсаларда мутлақо яроқсиз ҳисобланади. Демак, у фақат тажрибавий илмларга хосдир.

Бироқ илмий тариқатда фикрларни кашф қилиш мумкин бўлса-да, унинг ёлғиз ўзи билан фикр пайдо бўлмайди. У ҳеч қандай янги фикрни пайдо қилишга қодир бўлолмайди, аммо у янги фикрларни кашф қилиши мумкин.

Янги келиб чиққан фикрлар ақл тўғридан-тўғри қабул қилган фикрлардир. Аллоҳнинг борлигини билиш, қавм ҳақида ўйлаш шахснинг ўзи ҳақида фикрлашидан олий эканлигини ва ёғочнинг ёнишини, ёғ сув юзида қалқиб туришини ҳамда шахснинг

фикрлаши жамоанинг фикрлашидан кучлилигини билиш, буларнинг ҳаммаси ақл тўғридан-тўғри қабул қилган фикрлардир. Янги пайдо бўлмаган фикрлар булардан бошқачадир. Улар илмий тариқат асосида келиб чиққан бўлиб, ақл уларни тўғридан-тўғри қабул қилмаган, балки тажрибадан ўтган фикрлар қаторида қабул қилган. Сув водород ва кислороддан таркиб топганлигини, атом парчаланиши, модда йўқолиб кетишини билиш бу фикрлар ақл тўғридан-тўғри қабул қилмаган ва янгидан пайдо бўлмаган фикрлардир. Кейин бу фикрларга тажрибалар жорий этилган. Шунинг учун улар янгидан пайдо қилинган деб эмас, балки фикрлар ва тажрибалар ёрдамида қабул қилинган фикрлар деб ҳисобланади. Демак, илмий тариқат фикрни ишлаб чиқади, аммо фикрни пайдо қилишга қодир эмас. Шунинг учун у фикрлашга асос бўлмаслиги табиий ва муқаррардир. Лекин Ғарб, яъни Европа ва Америка, уларга Россия ҳам кўшилиб, илмий тариқатни муқаддаслаштиришга интилишди ва бу ҳол айниқса XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида авж олди. Охир оқибат у фикрни бузувчига, тўғри йўлдан адаштирувчи воситага айланди. Чунки улар илмий тариқатни фикрлаш йўлида асос қилиб олди ва ҳамма нарсани шу билан ҳал этди. Кейин тўғри илмий изланиш, илмий тариқатга жорий қилинди деб ҳисоблай бошлади ва уларнинг айримлари илмий тариқатга алоқаси бўлмаган ишларни ўргана бошлади. Масалан, ҳаёт ва жамиятга тааллуқли фикрларни илмий тариқат манҳажида ва унга тақлидан ўрганиладиган бўлди. Инсон, жамият ва одамларга тааллуқли айрим маърифатлар ақлий изланиш билан, лекин илмий тариқат услубида ўрганила бошланди ва бу маърифатларга илм номи берилди. Бу ишлар илмий тариқатни умумийлаштириш ва уни фикрлашга асос қилиш оқибатида юз берди.

Масалан, коммунист олимлар ҳаётдаги нуқтаи назарлари ва жамият низомида илмий тариқатга асосан ҳаракат қилдилар ва оқибатда очиқдан-очиқ хатога гирифтор бўлишди. Уларнинг хатоларига мисоллар кўп. Чунки улар табиат ва жамиятни лабораторияларда изладиган нарсаларга қиёслашди ва натижада ёмон оқибатларни келтириб чиқаришди. Жамият ҳақидаги хатони идрок қилиш учун иккита асосий фикрни мисол келтиришимиз ва улардаги хато жиҳатларни ҳамда хатонинг сабаби илмий тариқат эканини баён қилишимизнинг ўзи кифоя. Табиат ҳақидаги фикрлари шундан иборатки, табиат яхлит бўлиб, қисмларга бўлинмайди, лекин доим ўзгариб туради. Бу ўзгариш нарсалар ва ҳодисалардаги вужудга келиши муқаррар зиддиятлар воситасида пайдо бўлади. Энди уларнинг асосий фикрлари бўлган

зиддиятларни текшириб кўрайлик. Бу зиддиятлар гарчи нарсаларда мавжуд эканлиги тўғри бўлса-да, лекин ҳамма нарсаларда ҳам учрайвермайди. Дунёда зиддиятсиз нарсалар ҳам бор. Масалан, тирик жисмларни улар таркибида ўладиган хужайра ва тириладиган хужайра борлигини хужжат қилишиб зиддиятли жисмлар дейишади. Бу тирик жисмларда зиддият мавжуд эмас. Нарсаларнинг тирилувчан, ўлувчан, йўқ бўлувчан ва бор бўлувчанлиги зиддиятлилигини англамайди, балки бу хужайраларнинг қувватли ва заифлигини ҳамда курашишга чидамлилиги ва ожизлигининг натижасидир. Лекин тирик бўлмаган жисмларда йўқолиш бўлади ва туғилиш юз бермайди. Шундай бўлса-да улар барча нарсаларда зиддиятлар мавжуд дейишади. Гарчи нарсаларда зиддият борлигига рози бўлиб, бу хусусда тортишмаслигимиз бу ҳодисаларда зиддият борлигини англамайди. Масалан, савдо-сотик, ижара, шериклик ва бошқа ишлар ҳеч қандай зиддиятсиз жорий бўлади. Намоз, рўза, ҳаж ва шунга ўхшаш амаллар ҳам шундай, уларда зиддият мавжуд эмас. Лекин уларнинг илмий тариқатидаги йўллари хато нуқтаи назарга етаклади. Уларнинг мана шундай хато қарашлари оқибатида Европада зиддиятлар бўлиши муқаррар деб ҳисоблашди. Ваҳоланки, Европада зиддиятлар юз бермаяпти ва у капиталистик тузумга ғарқ бўлиб, коммунизмдан узоқлашмоқда. Уларни хатога учратган нарса ҳамма нарсанинг хулосасида илмий тариқат йўлидан юришлари ва ҳодисаларга илмий тариқат орқали қарашлари бўлди.

Жамият ҳақидаги фикрлари шундан иборатки, у жуғрофий майдондан, аҳолининг ўсиши ва ўзаро тенглашишдан, ишлаб чиқариш услубидан таркиб топган. Жамиятдаги моддий ҳаёт жамиятнинг ҳайъатини, унинг фикрлари, раъйлари ва сиёсий вазиятни белгилайди. Шунга ўхшаш моддий ҳаётга ишлаб чиқариш услуги таъсир қилади, натижада жамият ва шу ускуналарни ишлатаётган инсонлар бир бўлиб, ишлаб чиқариш қувватини ташкил қилади. Иккинчи тарафи ишлаб чиқариш жараёнида инсонларнинг ўзаро алоқаларидир. Бу хато албатта. Чунки жамият бу инсонлар ва ўзаро алоқалардан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш ускуналарига, ҳатто уларнинг бор ёки йўқлигининг мутлақо аҳамияти йўқ. Чунки улар ўртасидаги алоқаларни вужудга келтирувчи нарса манфаат бўлиб, уни ишлаб чиқариш ускуналари белгиламайди, балки манфаатни инсонларнинг эҳтиёжларни қондириш ҳақидаги фикрлари белгилайди. Хатони вужудга келиши шундаки, улар жамиятни худди моддани лабораторияда кўргандек кўришди ва унсурларни ўз нуқтаи назарларига татбиқ қилишга уринишди ва моддада ҳосил бўладиган нарсани инсонларнинг алоқаларига қўллашди. Чунки инсонлар нарса эмас. Алоқа ва

ходисалар модда лабораторияда бўйсунганидек илмий изланишга бўйсунмайди. Уларни тажриба ўтказиш, мулоҳаза қилиш ва назария чиқаришга бўйсундиришнинг ўзи хатога гирифтор этди. Коммунистларнинг хатосига сабаб битта – ҳодиса ва алоқалар хусусида илмий тариқатга асосланишларидир. Бу хато уларнинг ўн тўққизинчи асрда илмий тариқатга чиқарган қарорлари ва уни ҳамма нарсага тўла татбиқ қилишлари оқибатида юзага келди.

Бундан ташқари, Европа ва Америка олимлари ақлий тариқат орқали эришилган хулосалар билан, илмий фикрларни аралаштириб юборишди ҳамда илмий тариқатни инсоннинг хатти-ҳаракатлари ва ҳолатларига татбиқ этишди, кейин психология фани, ижтимоий фан ва таълим-тарбия фани деб аталган илмларни пайдо қилишди. Бунинг натижасида психология, ижтимо ва тарбия фанларидаги хатолари устига, яна психология фани деб аталган нарсани илм деб, унинг фикрларини илмий фикрлар деб ҳисоблашлари келиб қўшилди. Чунки бу фан гўдакларни турли хил шароит ва ҳар хил ёшда кузатиб боришдаги мулоҳазаларга биноан келиб чиқди ва ушбу мулоҳазаларнинг такрорланишини тажрибалар деб аташди. Ҳақиқатда эса, психология илмий эмас, ақлий фикрлардир. Чунки илмий тажрибалар муайян шароит ва омилдаги моддани аслидан бошқа шароит ва омилга бўйсундириш ва мана шу бўйсундиришнинг таъсирини мулоҳаза қилиш, яъни табиат ва кимё тажрибалари каби модданинг тажрибаларидир. Аммо нарсани турли вақт ва шароитларда мулоҳаза қилиш илмий тажриба эмас. Демак, гўдакни турли ёшда ва ҳар хил шароитда текшириб, мулоҳаза қилиш ҳам илмий тажрибалар туркумига кирмайди ва илмий тариқат деб ҳисобланмайди, бу илмий эмас ақлий тариқатдир. Уни илмий фикр дейиш хато. Бу илмий тариқатни инсонга татбиқ қилишдаги қўпол хатонинг маҳсулидир. Чунки илмий тариқат тажриба билан муҳим. Бу эса фақат моддадагина бўлиши мумкин. Негаки моддагина лаборатория синовида бўлиши мумкин. Мулоҳаза ишлар ва нарсаларни турли шароитларда ўйлаб кўриш эмас, балки модданинг ўзини мулоҳаза қилиш, шароит ва турли омилларнинг ўзини текширишдир. Шароит ва омилларга бўйсунадиган нарса мулоҳазанинг ўзи эмас, балки ундан ҳосил бўлган нарсадир. Шунинг учун илмий тариқатнинг бундан бошқа жиҳатга, яъни модда ва уни бўйсундиришдан бошқа нарсага ишлатиш қўпол хато бўлиб, у ёмон оқибатларга олиб боради. Бу ақлий изланишларда илмий тариқат йўлини тутган ва ақлий изланишларни илм ва илмий фикр деб ҳисоблаган Ғарб олимларида содир бўлди ва очикдан-очик залолатга ботиб, адашиб юришмоқда. Уларнинг хатоларига мисоллар жуда кўп. Инсонни илмий

изланувчан нарсага қиёс қилишди ва ўтакетган хато натижани келтириб чиқаришди. Бу нарсани яхшироқ тушунишимиз учун битта фикрни, яъни ғаризалар ҳақидаги фикрни олиб, ундаги хато томонни баён қилишимиз кифоя.

### **Ғаризалар**

Дарҳақиқат, уларнинг илмий тариқатни инсонга татбиқ қилиш йўлини тутишлари оқибатида инсоннинг ишларини кузатиб, бу ишларни интилишларга боғлашди ва бир неча ишларни ўрганиш билан банд бўлиб қолишди. Бу эса, ўз навбатида уларни ҳақиқий изланишдан буриб, янглиш натижаларни чиқаришга олиб борди. Ҳақиқатдан улар ақлий тариқатни тутишганда эди, инсонни ва унинг тасарруфларини ҳис қилиб, мияга кўчиришган бўларди. Кейин собиқ маълумотлар билан инсоннинг воқелигини ва шу тасарруфларнинг воқелигини шарҳлаб, ҳатто гумонли бўлса ҳам ўзлари эришган хато натижадан бошқа натижани чиқарган бўлардилар. Масалан, улар ғаризаларни кўп дейишди. Аввалда уларни санашди, кейинчалик бошқа амалларни кўришгач, ғаризаларнинг чеки йўқ дейишди. Улар мулкка мойиллик ғаризаси, кўркиш ғаризаси, жинс ғаризаси, одамларга қўшилиш ғаризаси ва бошқа ғаризаларни бор дейишган. Бунинг сабаби шундаки, улар ғариза билан ғаризанинг кўринишларининг фарқини, яъни асл қувват билан унинг кўринишларини ажрата олмадилар. Аслий қувват, яъни ғариза инсон моҳиятининг бир қисми бўлиб, уни муолажа қилиш ҳам, ўчириб юбориш ҳам, тийиш ҳам мумкин эмас. Ғаризаларнинг бирор бир кўриниши мавжуд бўлиши зарур. Аслий қувватнинг, яъни ғаризаларнинг кўриниши эса бундай эмас, чунки у инсон моҳиятининг бир қисми эмас. Шунинг учун уни муолажа қилиш, ўчириб юбориш ва тийиш мумкин. Масалан, бақо ғаризаси, яъни (яшашга интилувчилик ғаризасининг) бир кўриниши худбинлик (фақат ўз манфаатини кўзлаш) бўлса, яна бир кўриниши ғамхўрлик, яъни бировнинг манфаатига қайғуришдир. Демак, худбинликни ғамхўрлик билан муолажа қилиш, ҳатто уни ўчириш ва тийиш ҳам мумкин. Шунингдек, аёл кишига шаҳват билан мойил бўлиш, нав ғаризасининг кўринишларидан бири ҳамда онага меҳр қўйиш ҳам нав ғаризасининг кўринишларидан. Нав ғаризасини муолажа қилиш ҳам, ўчириш ҳам, тийиш ҳам мумкин эмас. Аммо бу ғаризанинг кўринишларини муолажа қилиш, ҳатто ўчириш ва тийишнинг имкони бор. Масалан, инсон аёлига шаҳват билан мойил бўлиши, онасига раҳм-шафқат кўрсатиши, опа-синглиси ва қизига меҳр қўйиши ҳам нав ғаризасининг кўринишидир. Демак, аёлга шаҳват билан мойил бўлишни онага раҳм-шафқатли бўлиш билан муолажа қилиш мумкин. Худбинликни ғамхўрлик билан, шаҳватни

рахм-шафқат билан муолажа қилиш мумкин. Кўпинча онага бўлган раҳм-шафқат хотиндан, ҳатто уйланишдан ва жинсий майлдан тўсади. Кўп ҳолларда жинсий майл эркак кишини онасига раҳм-шафқатли бўлишдан буриб қўяди. Шундай экан, нав ғаризаларининг ҳар қандай кўринишини бошқа бир кўриниш билан тўсиб қўйиш ва бир кўринишни бошқа бир кўриниш билан муолажа қилиш мумкин. Демак, кўринишни муолажа қилса, ҳатто ўчирса бўлади. Аммо ғаризани бундай қилиб бўлмайди. Чунки ғариза инсон моҳиятининг бир қисмидир. Кўриниш эса ундай эмас.

Мана шу жиҳатдан психология олимлари ғаризалар масаласида ҳамда уларни тушуниш ва чеклаш, кейин эса чекламаслик жиҳатидан хато қилишди. Ҳақиқатда эса ғаризалар учга бўлинади: бақо ғаризаси, нав ғаризаси ва тадайюн, яъни улуғлаш ғаризасидир. Чунки инсон бақо ғаризасига кўра ўз шахсини сақлашга бағоят ўч бўлади. Масалан у, ўзини сақлаб қолиш учун кўрқади, олдинга интилади, одамларга қўшилади ва шунга ўхшаш бошқа ишларни бажаради. Шунинг учун кўрқиш, эга бўлиш, одамларга қўшилиш ҳам ғариза эмас, балки бунга ўхшашлар бақо ғаризасининг кўринишларидир. Шунингдек, аёлга шахват билан мойил бўлиш, онага раҳм-шафқат билан қараш, чўкаётган одамни қутқаришга интилиш ва бечораларга ёрдам бериш ва ҳоказолар битта нав ғаризасининг кўринишларидир, жинс ғаризаси эмас. Чунки жинс инсонда ҳам, ҳайвонда ҳам бор. Табиий мойиллик эса инсонга нисбатан инсонда ва ҳайвонга нисбатан ҳайвонда бўлади. Шу боис, эркакнинг эркакка нисбатан шахват билан мойил бўлиши ғайритабиийдир ва у одатга хилоф равишда юзага келади. Аммо инсоннинг ҳайвонга ва эркакнинг эркакка нисбатан мойил бўлиши табиий эмас, балки ғаризадан оғиб кетиш ва табиатга хилофдир. Демак, бу жинс ғаризаси эмас, нав ғаризасидир. Бу ғариза инсоний навни сақлаб қолиш учун белгиланган. Шунингдек, Аллоҳга ибодат қилишга, паҳлавонни улуғлашга, кучлини ҳурмат қилишга мойил бўлиш битта ғаризанинг, яъни тадайюн, улуғлаш ғаризасининг кўринишларидир. Чунки инсонда табиатан боқий (доимий) қолиш, абадийликка интилиш туйғуси мавжуд. Боқийликка хавф солувчи бирор нарса пайдо бўлса, унинг қай турдалигига қараб кўрқув ёки интилиш, сахийлик ёки одамларга қўшилиш каби ҳаракатга ундовчи туйғу пайдо бўлади-да, уриниш юз беради. Шунингдек, инсонда инсоний навни сақлаб қолиш туйғуси мавжуд. Чунки инсоннинг фоний бўлиши унинг боқийлигига, яъни сақланишига хавф солади. Демак, унинг навини сақлаб қолишга хавф солувчи бирор нарса пайдо бўлса, бу хавфнинг қай даражадалигига қараб ҳиссиёт уйғонади. Масалан, чиройли аёлни кўриш унда шахватни,



онани кўриш раҳм-шафқатни ва гўдакни кўриш эса меҳр-муруватни кўзгайди. Кўзгалган туйғу уни ҳаракатга ундайди ва натижада гоҳо бир-бирига уйғун, гоҳо бир-бирига зид ҳаракатлар юз беради. Инсоннинг навни сақлаб қолишдан ожизлиги унда бошқа бир туйғуни кўзгайди, яъни бўйсунуш ва таслим бўлишга ҳақли деб билган нарсасига бўйин эгади. Натижада инсон Аллоҳга сиғинади, бошлиқни олқишлайди ва кучлини ҳурмат қилади. Бу эса, табиий ожизликни сезишдан келиб чиқади. Демак, ғаризаларнинг асли бақони, навни сақлаб қолишни сезиш ёки табиий ожизликни ҳис қилиш бўлиб, бу туйғудан ҳаракатлар келиб чиқади. Бу ҳаракатлар табиий асликнинг кўринишлари бўлиб, улар ўша учта аслининг биридан пайдо бўлгандир. Шу боисдан ғаризалар учта ва учтадан ортиқ эмас.

Инсонда тириклик қуввати (энергияси) мавжуд. Бу тириклик қувватида инсонни эҳтиёжларини қондиришга ундовчи табиий сезгилар бор. Туйғу ва сезгилар эса, қондиришни қатъий талаб қилади. Улардан қондиришни қатъий талаб қиладигани бор, агар қондирилмаса инсон ҳалок бўлади. Чунки у тириклик қувватини албатта мавжудлигига тааллуқли туйғудир. Улардан қондиришни талаб қиладиган, аммо қатъий талаб этмайдиган туйғу ҳам бор. Агар қондирилмаса, инсон безовта бўлади, аммо тирик қолади. Чунки у тириклик қувватининг мавжудлигига эмас, эҳтиёжларга тааллуқли туйғудир. Шунинг учун тириклик қуввати икки қиррадан иборат бўлиб, бири қатъий қондирилишни талаб қилади ва уни узвий эҳтиёжлар деб аталади. Масалан, қорин очиш, чанқаш ва ҳожат чиқариш каби. Иккинчиси фақат қондиришни талаб қилади ва у ғаризалар деб аталади. Ғаризалар эса учта: бақо, нав ва диндорлик ғаризаси.

Ғаризалар ва инсон хусусидаги ҳақиқат мана шу. Агар Ғарб олимлари ақлий тариқат йўлидан юриб, сезгини инсонга ва унинг амалларига кўчиришганда ҳамда бу воқеликни сезишни собиқ маълумотлар билан шарҳлашганда эди, ушбу воқеликнинг ҳақиқатини топган бўлардилар. Лекин илмий тариқат йўлидан юрганликлари ва инсонга модда деб қараб, унинг амалларини модданинг ҳаракатларидек мулоҳаза юритишлари уларни ҳақиқатни билишдан чалғитди ва ғаризалар хусусида ҳам, бошқа психология фанларида ҳам хато натижаларни чиқаришди. Ижтимоий фан ва тарбия фани деб аталган нарсалар илм эмас. Ғарбда, яъни Европада, Америка ва унга эргашган Россиядаги психология, ижтимоий ва тарбия соҳасидаги олимларнинг бу фикри уларни изланишда илмий тариқат йўлидан юрганликлари ҳамда илмий тариқатни барча изланишларга татбиқ этганларининг натижасидир. Бу ҳол ҳамма

нарсага илмий тариқатни татбиқ қилган ҳар бир инсонни залолатга тушириши муқаррардир.

Илмий тариқат фикрлашда тўғри тариқат бўлиб, асло хато тариқат эмас. Лекин у фақат илмий изланишдагина тўғри тариқатдир. Шунинг учун уни ишлатишда илмий изланиш, яъни тажрибага бўйсунувчи моддага қўллаш лозим. Афсуски, у илмий изланишдан бошқа жиҳатларга ишлатилган. Илмий тариқат ҳаётдаги нуқтаи назар – идеологияга татбиқ қилинганлиги хато. Айниқса уни инсонга, жамиятга, табиатга, тарихий ва шунга ўхшаш изланишларга татбиқ этиш нотўғри. У тажрибага бўйсунувчи модданинг изланишига боғланмоғи даркор.

Илмий тариқатни ҳар бир изланишга татбиқ этишдаги хато илмий тариқатни фикрлашга асос қилиб олишдан келиб чиққан. Уни фикрлашга асос қилиш у қуриладиган ҳар бир нарсанинг асл негизига ҳамда ҳар қандай изланишга асос бўлиб қолишига олиб борди. Уни фикрлашга асос қилиб олиш қонунларни, ғаризаларни, майлларни изланиш, таълим ва шунга ўхшашлар каби бу тариқатга мос келмайдиган изланишларни татбиқ этилишини келтириб чиқарди. Бу эса, ўз навбатида коммунистик фикрлар ҳамда психология, тарбия ва ижтимоий фанлар деб аталган нарсалардаги хатоларга олиб келди. Бунинг устига илмий тариқатни фикрларга асос қилиб олиниши маърифатларни изланишдан тўхтатиб қўйди ҳамда ўрганиладиган кўпгина маърифатлар бўлмаслигини келтириб чиқарди, ҳолбуки улар амалда тана билан ҳис қилинмоқда. Яна у кўплаб мавжуд нарсаларни инкор қилишга ҳам сабаб бўлди.

Бундан ташқари, илмий тариқат гумонли бўлиб, унда хато бўлиши мумкин. Шу боис, уни фикрга асос қилиш мумкин эмас. Чунки илмий тариқат нарсанинг мавжудлиги, унинг ҳақиқати, сифати хусусида гумонли натижани пайдо қилади. Ваҳоланки, дунёда шундай нарсалар борки, уларни ҳақиқатдан мавжудлиги қатъий бўлмоғи лозим. Шунинг учун гумонли тариқат қатъий натижага олиб бормади. Гумонли тариқат фикрлашга асос бўлишга яроқсиздир.

Шунга биноан фикрлашнинг фақат иккита тариқати бор, булар ақлий ва илмий тариқат бўлиб, изланиш ва тадқиқотдан бошқа тариқат мавжуд эмас. Илмий тариқат фақат маърифатнинг турларидан биридагина яроқли бўлиб, бу тажрибага бўйсунувчи модданинг изланиш туридир. Ақлий тариқат эса, бундан мустасно. У ҳар қандай изланишга яроқли. Шунинг учун ақлий тариқат фикрлашга асос бўлиши зарур. Ақлий тариқатдан фикр келиб чиқади ва усиз фикр пайдо бўлмайди. Ақлий тариқат воситасида илмий ҳақиқатларни мулоҳаза қилиш, тажриба ўтказиш ва шу

орқали идрок этиш юзага келади, яъни унинг воситасида илмий тариқат вужудга келади. Унинг воситасида мантиқий ҳақиқатлар тушунилади. Унинг воситасида тарих ҳақиқатларини билиш ва хатони тўғридан ажратиб олинади. Унинг воситасида борлик, инсон ва ҳаёт ҳақидаги ҳамда уларнинг ҳақиқатлари хусусида фикр юзага келади. Ақлий тариқат нарсанинг мавжудлиги ҳақида қатъий натижани беради. Гарчи у нарсанинг туб маъзи ва сифати ҳақида гумонли натижа берса-да, лекин унинг мавжудлиги ҳақидаги натижа қатъий. Демак, ақлий тариқат нарсанинг борлигига хулоса қилиш жиҳатидан аниқ, қатъий бўлиб, унинг натижалари қатъийдир, деб ҳисобланмоғи лозим. Шунга кўра, нарсанинг борлиги ҳақида ақлий натижа илмий натижага зид келиб қолса, сўзсиз ақлий тариқат олинади ва ақлий натижага зид келган илмий натижадан воз кечилади. Чунки қатъийлик олинади, гумон эса олинмайди.

Бундан маълум бўлдики, мавжуд хатолик илмий тариқатни фикрлашга асос қилиниб, уни нарсалар устидан хулоса чиқаришдаги устуворлигидир. Демак, бу хатони тўғрилаш ҳамда ақлий тариқатни фикрлашга асос қилиш зарур. Нарсалар устидан хулоса чиқаришда фақат унгагина мурожаат қилинади.

### **Мантиқ**

Аммо мантиқий изланишга келсак, у фикрлашдаги тариқат эмас, балки ақлий тариқатга қурилган изланиш услубларидан биридир. Мантиқий изланиш шундан иборатки, бир фикрнинг устига бошқасини қўшиб идрок этиш ҳамда шу орқали муайян натижага етиб боришдир. Масалан, ёзув тахтаси ёғочдан. Ҳар қандай ёғоч ёнади. Демак, ёзув тахтаси ёнади. Яна бир мисол: Сўйилган қўйда агар тириклик нишонаси бўлганда эди, у албатта қимирларди. Аммо у қимирламапти. Демак, сўйилган қўйда тириклик мавжуд эмас. Дарҳақиқат, аввалги мисолда ҳар қандай ёғоч ёниши ҳақидаги фикр ёзув тахтасининг ёғочлиги ҳақидаги фикрга солиштирилди ва ёзув тахтасининг ёниши маълум бўлди. Иккинчи мисолда сўйилган қўйнинг қимирламаслиги, қўйда тириклик нишонаси бўлса, унинг қимирлаши мумкинлиги ҳақидаги фикрга солиштирилди ва бундан сўйилган қўйда тириклик йўқлиги маълум бўлди. Мана шундай мантиқий изланишнинг, агар солиштирув иши тўғри бўлса, натижа ҳам тўғридир. Агар хато бўлса, натижа ҳам хатодир. Муқаддам келган фикрларнинг шарти бўйича, ундан ҳар бир масала ҳис қилишга бориб тақалиши керак. Шунинг учун масала ақлий тариқатга бориб тақалади ва масаланинг тўғрилигини тушуниш учун ҳис қилиш лозим. Шу жиҳатдан ҳам мантиқий изланиш ақлий тариқат устига қурилган услублардан бири бўлиб, унда ёлғон

қобилият ҳам, адаштириш ҳам мавжуд. Мантиқнинг тўғрилигини ақлий жиҳатдан текшириб кўриш ўрнига изланишда бошидаёқ ақлий тариқатни қўллаш ва мантиқий услубни ишлатмаслик афзалдир.

Бу борада икки масалага аҳамият бермоқ зарур: биринчиси, илмий тариқатнинг муҳим жиҳатларидан бири, сиз агар изланиш олиб бормоқчи бўлсангиз илмий тариқат изланиш олиб бораётган нарсангизда ҳар қандай мулоҳазани ва ишончни ўчириб ташлашингизни тақозо қилади. Шунинг ўзи изланишни илмий тариқатга асослантиради. Шунга асосан «бу тадқиқот илмий изланиш ва бу изланиш илмий тариқатга асосланди», дейишади. Бунга жавоб шуки, ҳақиқатдан ҳам ушбу мулоҳаза тўғри. Аммо бу изланиш илмий тариқатга асосланмаган, балки у ақлий тариқатга асосланган. Чунки мавзу мулоҳазага эмас, изланишга тааллуқли. Ақлий изланиш воқеликни сезги аъзолари воситасида мияга кўчириш билан, илмий изланиш эса тажриба ўтказиш ва текшириш билан бўлади. Ақлий тариқатни илмий тариқатдан ажратиб турадиган нарса мана шудир. Инсонлар нарсани ҳис қилади, унинг борлигини ақлий тариқатга мувофиқ аниқлайди. Илмий тариқатда эса нарсанинг борлигини тажриба ва текшириш исботламаса, уни мавжуд деб ҳисобланмайди. Демак, ёғочнинг ёнувчанлигини билиш учун ақлий тариқатга биноан унинг ёнишини ҳис қилишнинг ўзи кифоя. Аммо илмий тариқат бўйича унинг ёнишини аниқлаш учун ёғоч тажриба ва текширувдан ўтказилади. Ақлий тариқатда собиқ маълумотларнинг бўлиши зарурий ишдир. Илмий тариқат эса собиқ маълумотлар бўлиши билангина фикрлаш ҳосил бўлиши мумкинлигига қарамасдан собиқ маълумотлардан воз кечишни талаб қилади. Аммо собиқ мулоҳаза ва ишонч собиқ хулоса ва маълумотларни назарда тутати. Шунинг учун собиқ мулоҳазаларнинг бўлиши фикр маъносидаги мулоҳаза эмас, балки хулосадир. Илмий тариқатдаги мавзу собиқ мулоҳаза ёки ишончнинг борлиги эмас, балки тажриба ва текширувлар орқали шарҳланган маълумотлар кўзда тутилган. Демак, илмий тариқатнинг муҳим жиҳати мулоҳаза ва маълумотлар эмас, тажриба ва текширувдан иборатдир.

Энди собиқ мулоҳаза (раъй) ва ишонч, изланиш пайтида улардан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик изланишга дахлдор бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақида айтадиган бўлсак, изланиш натижасининг тўғри бўлиши ҳар қандай собиқ мулоҳазадан ҳоли бўлишни тақозо этади. Бошқача қилиб айтганда, изланиш олиб бораётган мавзунининг зехнидаги мулоҳаза ва хулосаларни олиб ташлашни тақозо этади. Масалан, менда Франция билан Германияни битта

давлат ва битта халқ сифатида бирлаштириш мумкин эмас, деган фикр (раъй) бор. Иккала давлатни битта давлат ва битта халққа бирлаштириш учун изланиш олиб борилаётган вақтда мана шу мулоҳаза мавжуд бўлиши тўғри эмас. Чунки у излашни ҳам, унинг натижасини ҳам бузиб қўяди. Яна бир мисол, менда уйғониш фақат саноат ишлаб чиқариш, ихтиролар ва таълим-тарбия билангина бўлиши мумкин, деган мулоҳаза мавжуд. Халқимни ёки умматимни уйғотишга изланиш олиб борилаётган вақтда мен мана шу мулоҳазадан ҳоли бўлишим зарур. Яна бир мисол, менинг мулоҳазам бўйича моддалар ичида энг кичик нарса атом бўлиб, у парчаланмайди. Атомни иккига бўлиш ва парчалаш устида изланиш олиб бораётган вақтда мен ўзимдан ушбу мулоҳазаларни ўчириб юборишим шарт. Инсон бирор нарса устида изланаётган чоғда ўзидан аввалги ҳар қандай собиқ мулоҳазадан фориғ бўлиши зарур.

Аммо изланиш вақтида воз кечиш зарур бўлган мулоҳазалар ҳақида ўйлаб кўрилади. Агар бу мулоҳазалар ҳеч қандай шубҳа аралашмаган қатъий далил билан исботланган бўлса, ундай мулоҳазани тарк этиш тўғри эмас. Чунки қатъийлик билан гумон қарама-қарши келиб қолса, қатъийлик олинади ва гумондан воз кечилади. Шунинг учун қатъийлик гумондан устун бўлиши зарур. Лекин изланиш ҳам, унга олиб борадиган натижа ҳам қатъий бўлса, бундай ҳолатда ҳар қандай мулоҳаза ва ишончдан ҳоли бўлмоқ лозим. Собиқ мулоҳазадан ҳоли бўлиш, изланишнинг соғломлиги ва натижанинг тўғрилиги учун зарур. Лекин изланиш гумонли бўлса, уни деб қатъий мулоҳаза ва ишончдан воз кечиш дуруст эмас. Балки гумонли мулоҳазадан албатта воз кечиш лозим. Ақлий тариқатда ҳам, илмий тариқатда ҳам шундай. Изланишдаги мусибат изланишга собиқ мулоҳазаларнинг аралашиб қолишидан келиб чиқади.

Аммо бир мавзудан чикмаслик ҳар қандай мулоҳазадан ҳоли бўлишгина эмас, балки ҳар қандай собиқ мулоҳазани тарк этишдан ташқари изланаётган мавзуга боғлаш демакдир. Масалан, зайтун ёғини текшириш бўйича изланаётган вақтингизда, унга бошқа мулоҳаза қўшилиб қолиши тўғри бўлмайди. Қачонки, саноат сиёсати устида изланиш олиб бораётганингизда унга бошқа изланиш ҳам, бошқа мулоҳаза ҳам қўшилмаслиги лозим. Бунда бозор, фойда, қўшиладиган баҳо ҳақида ҳам ва давлатнинг саноат сиёсатидан ўзга ҳеч қандай нарса ўйланилмайди. Шаръий аҳкомларни истинбот қилишда изланаётган вақтда ҳам на манфаат, на фойда хусусида ва на одамларнинг мулоҳазаси ҳақида, хуллас, шаръий аҳкомни истинбот қилишдан бошқа ҳеч нарсани ўйлаш жоиз эмас. Шунга ўхшаш ҳар бир изланишда зеҳн изланиш

мавзусига чекланиши зарур. Демак, бир мавзудан чиқмаслик унга фақат собиқ мулоҳазанинг аралашиб қолмаслигидан ташқари, қўшимча изланишнинг ўзига чеклаш ва ундан ҳар қандай мулоҳазани узоқлаштириш демакдир.

Аммо иккинчиси мантиқ масаласидир. Мантиқда алдаш ва адаштириш хусусияти бўлиб, қонунчилик ва сиёсатга зарарли ҳисобланади. Чунки мантиқнинг хулосалари дастлабки фикрларга асосланади ва бу дастлабки фикрларнинг рост ёки ёлғонлигини ҳар қандай ҳолатда идрок этиш осон эмас. Шунинг учун дастлабки фикрлардан бирининг ёлғонлиги гоҳида махфий бўлади ёхуд унинг ростлиги хато маълумотлар устига қурилган бўлади ва бу хато хулосаларга олиб боради. Бундан ташқари, мантиқни ҳосил қилишда қарама-қарши хулосалар келиб чиқиши мумкин. Масалан, Қуръон Аллоҳнинг каломи, Аллоҳнинг каломи эса қадим, демак Қуръон қадимдир. Бу хулосанинг аксича, Қуръон араб тилида, араб тили эса яралган, демак Қуръон ҳам яралган. Гоҳида мантиқ адаштирувчи натижаларга олиб боради. Масалан, мусулмонлар қолоқдир, ҳар қандай қолоқ тубан бўлади, демак, мусулмонлар тубандир. Сиз мантиқнинг қалтисликлари ғоят ёмонлигини ва баъзан хатога, баъзан адашишга, гоҳида ҳалокатга олиб боришини кўрасиз. Мантиқ у билан боғланиб қолган халқ ва миллатларни ҳаёт тараққиётидан ажратиб қўйган. Гарчи мантиқ ақлий тариқатнинг услубларидан бири бўлса-да, самарасиз, ҳатто зарарлидир, у хатарли ҳалокатларга олиб боради. Шунинг учун уни инкор қилибгина қолинмасдан, эҳтиёт бўлиш ва мантиқ билан инсонлар ўртасига тўсиқ қўйиш керак.

Мантиқ гарчи ақлий тариқатнинг услубларидан бўлса-да, лекин мубҳам ҳамда алдаш ва адаштиришга мойил бўлиб, гоҳо идрок қилиш кўзланган ҳақиқатларнинг аксини келтириб чиқаради. Бунинг устига мантиқ илмини ўрганишга эҳтиёж борми ёки у табиатан мантиқийми, бундан қатъий назар, мантиқий услуб воқени ҳис этиш орқали натижага етиб бормади, балки воқени ҳис қилишнинг ўзигача етиб боради, холос. Шунинг учун у фикрлашдаги учинчи тариқатдир. Ҳолбуки фикрлашда иккитадан бошқа тариқат йўқ. Хулосаларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилишнинг энг тўғри йўли ақлий тариқатни бевосита қўллашимиздир. Ақлий тариқатгина хулосанинг тўғрилигига кафил бўлади.

Нима бўлганда ҳам, фикрлашдаги табиий тариқат ва асосий йўл бўлиши зарур ҳисобланган йўл бу ақлий тариқатдир. Ақлий тариқат Қуръон ва Ислом тариқатидир. Қуръонга назар ташланса у далилларни келтиришда ҳам, аҳкомларни баён қилишда ҳам, ақлий

тариқатга асосланганини кўрсатади. Қуръон шундай далилларни келтирмоқда:

﴿فَلْيَنْظُرِ الْإِنْسَانُ مِمَّ خُلِقَ﴾

«Энди инсон ўзининг нимадан яралганига бир боқсин!» [Торик 5]

﴿أَفَلَا يَنْظُرُونَ إِلَى الْآيَاتِ كَيْفَ خُلِقَتْ﴾

«Ахир улар туянинг қандай яратилганига (ибрат назари билан) боқмайдиларми?!» [Ғошия 17]

﴿وَأَيَّةٌ لَهُمْ اللَّيْلُ نَسَلُخٌ مِّنْهُ النَّهَارَ فَإِذَا هُمْ مُظْلَمُونَ﴾

«Кеча ҳам улар учун (бизнинг қудратимизни кўрсатиб турадиган) бир оятдир: Биз ундан кундузни ечиб олишимиз билан баногоҳ улар зулматда қолурлар» [Ёсин 37]

﴿مَا آتَخَذَ اللَّهُ مِنْ وَلَدٍ وَمَا كَانَ مَعَهُ مِنْ إِلَهٍ إِذَا لَذَهَبَ كُلُّ إِلَهٍ بِمَا خَلَقَ وَلَعَلَّ

بَعْضُهُمْ عَلَى بَعْضٍ

«Аллоҳнинг боласи йўқдир ва У зот билан бирга бирон илоҳ бўлган эмасдир. Акс ҳолда албатта ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарса билан кетиб, бир-бирларидан устун бўлиб олур эдилар, (яъни ҳар бир «илоҳ» ўз ҳукмини ўтказмоқни истаб, натижада еру осмон бузилиб кетган бўлур эди)» [Мўминун 91]

﴿إِنَّ الَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ لَنْ يَخْلُقُوا ذُبَابًا وَلَوْ اجْتَمَعُوا لَهُ وَإِنْ يَسْلُبْهُمُ الذُّبَابُ شَيْئًا لَا يَسْتَنْقِذُوهُ مِنْهُ ضَعُفَ الطَّالِبُ وَالْمَطْلُوبُ﴾

«Аниқки, сизлар Аллоҳни қўйиб илтижо қилаётган бутлар агар барчалари бирлашганларида ҳам бир чивин ярата олмаслар, агар чивин улардан бирон нарсани тортиб олса, уни (ўша чивиндан ҳам) қутқариб ола билмаслар. (Демак ўша бутлардан ҳожатини раво қилишни) сўрагувчи (муширик) ҳам, сўралгувчи (бутлар) ҳам ночор-нотавондир» [Ҳаж 73]

﴿لَوْ كَانَ فِيهِمَا آلِهَةٌ إِلَّا اللَّهُ لَفَسَدَتَا﴾

«Агар (осмону заминда) Аллоҳдан ўзга худолар бўлганида, ҳар иккиси бузилиб кетар эди» [Анбиё 22]

Яна шуларга ўхшаш оятлар тўғри хулосага эришиш учун воқеликни кўчиришга сезгини ишлатишни буюради. Шунингдек Қуръон аҳкомлар хусусида шундай деганига гувоҳ бўласиз:

﴿حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ أُمَّهَاتُكُمْ﴾

«Сизлар учун оналарингиз ҳаром қилинди»

[Нисо 23]

﴿حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ أَلْمَيْتَةُ﴾

«Сизларга ўлакса ҳаром қилинди»

[Моида 3]

﴿كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ وَهُوَ كَرْهٌ لَّكُمْ﴾

«Сизларга ёқмаса-да, жанг қилишингиз фарз қилинди»

[Бақара 216]

﴿فَمَنْ شَهِدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ﴾

«Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин»

[Бақара 185]

﴿وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ﴾

«Ишларингизда уларга маслаҳат солинг»

[Оли Имрон 159]

﴿أَوْفُوا بِالْعُقُودِ﴾

«Ақдларга вафо қилингиз!»

[Моида 1]

﴿بَرَاءَةٌ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ إِلَى الَّذِينَ عَاهَدْتُمْ مِّنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

«(Эй мўминлар, ушбу) Аллоҳ ва Унинг пайгамбари томонидан сизлар (ўзаро уришмаслик ҳақида) аҳд-паймон қилган мушрик кимсаларга ора очиқлик (эълонидир)»

[Тавба 1]

﴿وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الزَّبْحُ﴾

«Аллоҳ байни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган»

[Бақара 275]

﴿فَقَاتِلْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ لَا تُكَلَّفُ إِلَّا نَفْسَكَ﴾

«Бас (эй Муҳаммад), Аллоҳ йўлида жанг қилинг. Зотан, сиз фақат ўзингиз учун жавобгарсиз»

[Нисо 84]

﴿حَرَضَ الْمُؤْمِنِينَ عَلَى الْقِتَالِ﴾

«Мўминларни жангга чорланг!»

[Анфол 65]

﴿فَأَنكِحُوا مَا طَابَ لَكُمْ مِنَ النِّسَاءِ مَتًى وَثَلَاثَ وَرُبْعَ﴾

«Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар»

[Нисо 3]



﴿فَإِنْ أَرْضَعْنَ لَكُمْ فَآتُوهُنَّ أُجُورَهُنَّ﴾

**«Энди агар (талоқ қилган аёлларингиз) сизлар учун (бола) эмизсалар (яъни ўзларининг сизлардан бўлган болаларини эмизсалар), у ҳолда уларнинг (эмизганликлари учун) ажр-ҳақларини беринглар!»** [Талоқ 6]

Шунга ўхшаш оятларнинг ҳаммаси ҳис қилинган воқеликка, ҳис қилинадиган аҳкомларни беради. Аҳкомларга тааллуқлими ёки аҳкомлар келтирган воқеага тааллуқлими, барибир, бу оятларни тушуниш ақлий тариқат билан бўлади, яъни уларни татбиқ қилинишини ақлий тариқат билан ва мантиқий услуб билан эмас, бевосита услуб билан амалга ошади. Аллоҳ Таолонинг:

﴿لَوْ كَانَ فِيهِمَا آلِهَةٌ إِلَّا اللَّهُ لَفَسَدَتَا﴾

**«Агар (осмону заминда) Аллоҳдан ўзга худодлар бўлганида, ҳар иккиси бузилиб кетар эди»** [Анбиё 22]

деган сўзларини ҳам мантиқий услуб деб ўйлашади, аммо бу ҳам дастлабки фикрда эмас, бевосита услубда келган. Қолаверса, бу оят бир-бирига боғлиқ дастлабки фикрларни келтириш орқали эмас, балки воқеликни ҳис орқали мияга узатиш орқали фикрлашни талаб қилиб келган.

Шунга кўра, ақлий тариқатнинг ўзи инсонлар юришлари лозим бўлган йўлдир. Токи фикрлаш тўғри ҳамда фикрлаш натижаси гумонли нарсаларда тўғриликка яқин бўлиши учун фикрлашда энг муносиб услуб танланади. Чунки ҳамма нарса фикрлашга боғлиқ бўлиб, бу инсоннинг энг қийматли ва ҳаёти учун зарур нарсадир. Яшаш кайфияти ҳам фикрлашга боғлиқ. Шунинг учун фикрлаш тариқатига қаттиқ берилиб интилмоқ зарур.

Фикрлаш доимий янгилашиш ва бир неча хилдаги турланишларга қараб ҳақиқатларни тушунишда ҳам, ҳодисаларни ёки нусусларни тушунишда ҳам ҳеч бир фарқсиз адашишга ҳамда (ҳақиқатдан) узоқлашишга нишондир. Шунинг учун фақат фикрлаш тариқати тўғрисида изланиш олиб бориш етарли эмас, балки турли ҳолатлар, ҳодисалар ва нарсалар тўғрисида фикрлашда фикрлашнинг ўзи тўғрисида изланмоқ зарур. Шунда ҳамма нарса хусусида, жумладан (у ҳақида) фикрлаш дуруст бўлмаган нарсаларда ҳам, дуруст бўлган нарсаларда ҳам (аввал) фикрлаш тўғрисида изланиш олиб борилади. Борлиқ, инсон ва ҳаёт, яшаш, ҳақиқатлар, услублар, воситалар, ғоялар, мақсадлар ва бошқа барча фикрлашга тааллуқли нарсалар ҳақида фикрлашдан олдин аввал фикрлашнинг ўзи ҳақида изланиш олиб борилади. Бунга қўшимча тингланаётган калом, ўқиладиган сўз ҳақида, яъни нусусларни тушунишда ҳам албатта фикрлаш

тўғрисида изланиш олиб борилиши лозим.

Аммо фикрлаш жараёни юз бериши дуруст бўлган ёки дуруст бўлмаган нарсалар ҳақида изланиш шундан иборатки, бу аниқлик жиҳатидан мушкул масала бўлиб, кўп одамларни, ҳатто муфаккирларни ҳам адаштириб юборади. Аниқлик жиҳати шундаки, ақлнинг таърифи ёки ақлнинг маъносини пухта билиш, воқелиги бор нарсаларда фикрлаш жорий этилишини тақозо этади. Чунки фикрлаш амалиёти бу ҳис қилиш аъзолари воситасида воқеликни мияга кўчиришдир. Агар ҳис қилинадиган воқелик бўлмаса, фикрлаш амалиёти ҳам юз бермайди. Воқеликни ҳис қилишнинг йўқлиги, фикрлаш юзага келишининг йўқлигидир. Аммо ундаги изланишнинг чигаллигига келсак, кўпгина муфаккирларнинг изланиши воқелиги йўқ нарсаларда жорий бўлади. Юнон файласуфларининг фикрлари воқелиги йўқ нарсалар ҳақида изланишдан бошқа нарса эмас. Мияни қисмларга ажратиш ҳақида тарбия олимлари (педагоглар) олиб борган изланишлар ҳам айнан ҳис қилинмайдиган нарсаларнинг тадқиқотидан иборат. Аллоҳнинг сифатлари, жаннат, дўзах ва фаришталар масаласи ҳам ҳис қилишнинг имкони йўқ бўлган нарсалар хусусида изланишдан бошқа нарса эмас. Шунингдек, оммавий шаклда, одамларни воқелиги йўқ ёки воқелигини ҳис қилиб бўлмайдиган ишлар ҳақидаги фикрлар чулғаб олган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фикрлаш жараёни юз бериши дуруст бўлган ва дуруст бўлмаган нарсалар хусусидаги изланиш чигал масаладир.

Жуда кўп маърифатлар борки, улар нақадар қадрли, ақида даражасига кўтарилган бўлса-да, улар ҳақида фикрлаш жорий қилиниши дуруст эмас. Чунки ақлнинг таърифи ҳамда ақлий тариқатнинг фикрлашга асос қилиб олинганлиги ҳис қилиш мумкин бўлмаган ва воқелиги йўқ нарсаларда фикрлашнинг мумкин эмаслигини, бундай нарсаларда фикрлаш жорий қилинишини ақлий амалиёт деб аталиши тўғри бўлмаслигини тақозо қилади. Масалан, биринчи ақл, иккинчи ақл ва ҳоказо гаплар хомхаёл ва фараздир. Уларнинг ҳис қилиш мумкин бўлган воқелиги йўқ. Улар ҳаёл орқали ўйлаб топилганда, фаразли назариялар билан хулоса чиқарилган. Демак улар ақлий амалиёт эмас, ҳатто математика фанларидаги фаразлар фикрлаш ҳам, ақлий амалиёт ҳам эмас. Шу боисдан айтиш мумкинки, Юнон фалсафаларининг барчаси фикрлардан иборат ҳам эмас ва ақлий амалиёт йўқ ҳамда уларни фикрлаш учун хулосалар деб ҳисоблаш нотўғри. Чунки уларда на фикрлаш ва на ақлий амалиёт мавжуд бўлиб, хом ҳаёл ва фаразлардан ўзга нарса эмас.

Масалан, мия бир неча қисмларга бўлинади ва ҳар бир қисми

алоҳида илмларга хосланган ва ҳоказо деган гап, айнан фараз ва хомҳаёл бўлиб, бу гапнинг воқелиги йўқ. Чунки миянинг ҳис қилинадиган воқелиги бўйича у қисмга бўлинмайди ва тақсимланиши ҳис қилинмайди. Чунки мия ақлий амалиётни бажаради, уни ҳис этишнинг имкони йўқ. Қисмга бўлинади деган гап воқеликка зид. Шунинг учун айтиш мумкинки, тарбия фанларининг барчаси фикрлар ва, ақлий амалиётнинг натижаси эмас, балки ҳаёл ва фаразларнинг ўзгинаси.

Масалан, Аллоҳ учун қудрат сифати, қодир бўлиш сифати ҳамда қудратда азалий ихтиёрийлик, пайдо бўлувчи ихтиёрийлик томонлари бор деган гап. Шунингдек, Аллоҳнинг сифатларига ақлий ҳужжатларни келтириш – гарчи уларга «ақлий ҳужжат», «ақлий баҳс» бўёқлари берилса-да – шуларнинг ҳаммаси ва бу кабилар фикр ҳам, фикрлашнинг натижаси ҳам эмас. Чунки инсон ҳисси тушадиган нарсалар туркумидан бўлмаганлиги боис, уларда ақлий амалиёт жорий бўлмаган.

Демак, ақлий амалиёт яъни фикрлаш, фақат инсоннинг сезгиси тушган воқелик орқали юз беради. Лекин дунёда шундай ишлар ва нарсалар борки, уларнинг воқелиги мавжуд, аммо бу воқеликни инсон ҳис қилиши мумкин эмас, лекин унинг нишонасини ҳис сезги аъзолари воситасида мияга кўчиради. Ушбу турдаги ишларга ақлий амалиёт жорий этилиши, янги фикрлаш юз бериши мумкин, аммо унинг моҳияти, зотига эмас, мавжудлиги устида фикрлаш жорий бўлади. Чунки ҳис қилиш воситаси орқали мияга кўчган нарса унинг нишонаси бўлиб, бу унинг моҳиятига эмас, фақат мавжудлигига далолат қилади. Масалан, самолёт кўз билан кўриб бўлмайдиган, лекин кулоқ билан эшитадиган даражада баландликда учаётган бўлса, инсон уни товуш орқали ҳис қилиши мумкин ва бу товуш нарсанинг борлигидан далолат беради, лекин самолётнинг моҳиятини ифодаламайди. Чунки эшитилган овоз мавжуд нарсанинг товушидир, инсон сезгиси, бу самолётнинг товуши эканлигини ажратиб беради. Демак ақлий амалиёт бу ерда, самолётнинг борлиги ҳақида жорий бўлди, яъни самолётнинг мавжудлиги ҳақида фикрланди ва уни бор деб хулоса чиқарилди. Ваҳоланки, сезги самолётга тушгани йўқ, аммо унинг нишонасига тушди натижада ақл ушбу нишонанинг мавжудлигидан, самолётнинг мавжудлиги ҳақида хулоса чиқарди. Тўғри, реактив самолётнинг товушини йўловчи самолётининг товушидан ажратиш мумкин ва худди товушнинг турини фарқлаш орқали, самолёт эканлигига хулоса чиқарилгандай, самолётнинг турини ҳам фарқлаб хулоса қилиш мумкин. Аммо унинг реактив самолёти ёхуд йўловчи самолёти эканини билиш, унинг товушидан аниқланган. Худди

эшитилган товуш самолётники эканлиги аниқланганидек. Аммо бу унинг моҳиятига эмас, балки нишонасини ажрата билиш орқали мавжуд нарсанинг турига бўлган хулосадир. Қай ҳолатда бўлмасин, бу фикрдир. Чунки ҳис қилиш аъзолари самолётнинг нишонасини кўчиргани учун фикрлаш юз берди. Бу ўринда самолётнинг мавжудлиги гумонли эмас. Чунки гап инсон нарсанинг зотини эмас нишонасини ҳис қилган ҳолатда фикрлаш вужудга келиши мумкинлиги ҳақида товуш самолётники эканлиги гумонли бўлса-да, товуш чиқарган нарсанинг ўзи борлиги ҳақидаги хулоса қатъийдир. Ақлий тариқатнинг натижаси гумонли бўлиши ҳам, қатъий бўлиши ҳам мумкин. Бу мияга кўчирган сезги ва шу воқеликни шарҳлайдиган маълумотларнинг қандайлигига боғлиқ.

Аммо сезги тушмайдиган нарсаларга жорий қилинган бу фикрлаш сезги нишонасига тушган бўлса-да, унинг мавжудлиги ҳис қилинди деб саналади. Шунинг учун нарсага ҳамда унинг мавжудлиги ҳақида фикр тузилиши тўғри бўлади, шу билан бирга сезги далолат қилган нарсалар ҳақида фикр туғилиши ва унинг турини фарқлаб бериши ҳам тўғри. Аммо бундан бошқа нарсалар ҳақида фикр уйғониши мумкин эмас. Шу сабаб бу фикрлаш дейилмайди. Масалан, нарсанинг сифати бор, аммо нишонаси йўқ масалаларга сезги тушса ва мана шу сифатларни нарса устидан хулоса чиқаришга восита қилиб олинса, бу унинг нишонасига фикрлаш жорий бўлганини англамайди. Мисол учун Америка эркинлик мафкурасини қабул қилса, бу унинг мустамлакачи давлат эмаслигини англатади. Чунки мустамлакачилик халқларни кул қилиш демакдир ва бу эркинлик мафкурасига зид келади. Мана шу дастлабки фикр, яъни Америка томонидан эркинлик мафкурасининг қабул қилиниши, Американинг ўз давлати ташқарисидаги белгиларидан бири эмас, балки сифатларидан биридир. Демак, нарса мана шундай сифатга эга бўлиши унинг нишонаси эканлигини англамайди, шу боис унда фикрлаш юз бермайди. Бу сифат эса, сезги уни барча амаллар устида хулоса чиқариш учун мияга кўчирадиган сифат эмас, балки масалагагина хос бўлган сифатдир ҳамда масаланинг нишоналаридан саналмайди. Шунинг учун ҳам бу сифат воситасида амаллар устидан хулоса чиқарилмайди. Чунки амаллар, йўллар инсоннинг муайян бир сифат билан сифатлангани оқибатида вужудга келмайди, балки турли жиҳатларини эътиборга олиш ва аҳамиятлари ҳамда сифатлардан юзага келади. Мисол учун Ислоом азизлик дини, лекин бу мусулмон азизлигини англамайди, чунки азизлик дин эмас, балки унинг сифатларидан бири. Инсон динни қабул қилган чоғида бу унинг шу дин билан чекланиб қолишини англамайди. Шунинг учун ҳам

азизлик диннинг нишонларидан эмас, сифатларидан биридир. Дин билан чекланиш ҳам унинг нишонларидан эмас, балки сифатларидандир. Шу боисдан бунда фикрлаш жорий қилинмайди, балки бу фаразнинг ўзидир. Демак, фикрлаш жорий бўладиган нарса, нарсанинг сифати эмас, нишонасидир. Чунки нишонани сезги билан кўчириш мумкин, лекин сифатни ҳис қилиб бўлмаслиги боис, уни ҳиссиёт аъзолари воситасида кўчиришнинг имкони йўқ. Сифатни ҳис қилинадиган нарсаларда кўриш мумкин бўлса-да, лекин фикрлаш унинг нишонасига эмас, ўзига жорий бўлади. Шу жиҳатдан нарсаларнинг сифатларини унинг нишонаси устидан хулоса чиқариш учун восита қилиш мумкин эмас. Бошқача айтганда, фаразлар хулоса қилиш учун восита бўлолмайди, чунки уларга сезги тушмайди. Тўғри, баъзи фаразлар сезги аъзолари тушадиган нарсаларга дастлабки мантиқ сифатида боғланиши мумкин, агар шундай бўлса, уни фараз эмас ҳақиқат дейилади. Фараз ҳис қилиш эмас фақат тахминдир ва у ҳисдан келиб чиққан тахмин ҳам эмас. Шунинг учун фараз ва хаёлларни фикрлар деб ҳисобланиши хато.

Баъзан шундай дейилиш мумкин: «фикрлашни сезги тушадиган ёки сезги унинг нишонасига тушадиган нарсаларга, яъни фикрлашни ҳис қилинадиган нарсаларга чеклаб қўйиш илмий тариқат фикрлашнинг асосидир, чунки илмий тариқат фақат ҳис қилинган нарсаларга ишонади. Шундай экан, ақлий тариқат нима бўлади?» Бунга жавоб қўйидагича: Илмий тариқат ҳис қилинадиган нарсаларни тажриба ва мулоҳазага бўйсундиришни шарт қилади ва фақат ҳис қилиш билангина кифояланмайди. Шунинг учун фақат ҳис қилинган нарсалардагина жорий бўладиган фикрлаш тажриба ва текширишга бўйсунадиган ҳис қилинувчи нарсаларни ўз ичига олиш билан бирга ҳис қилинишининг ўзи етарли бўлган нарсаларни ҳам ўз ичига олади. Бу – илмий тариқат фикрлашга асос бўлади дегани эмас, балки соғлом фикрлаш амалиёти деганидир. Чунки илмий тариқатда нарса ҳис қилинадиган бўлиши билан бир қаторда, тажриба ва текширувга бўйсунуши ҳам шарт. Фикрлашни ҳис қилинувчи нарсага чеклаш айнан ақлий тариқатнинг тақозосидир. Ақлнинг таърифига асос собиқ маълумотларнинг борлиги эмас, балки ҳис қилинувчи воқеликдир. Маълумотлар ҳис қилинувчи нарсада фикрлаш жорий бўлиши учун зарурий шартдир. Акс холда фақат ҳис қилиш бўлиб қолади холос. Фикрлашдаги асл нарса ҳис қилинувчи воқеликнинг бўлишидир, тақдир қилинган ёки борлиги хаёлдан ўтган нарса эмас. Шунинг учун «биринчи инсоннинг фикрлаши фалон тарзда бўлиб ўтган эди», дейилса-да, бу фикрлаш ҳисобланмайди. Чунки биринчи инсон ҳис қилинувчи эмас, балки,

ҳозирги инсонга қаралади ва фикрлаш қандай бўлишини билиш учун унга эътибор берилади. Изланиш натижасида қўлга киритилган нарса инсон жинсига ҳам тўғри келади. Чунки бири-биридан фарқ қилмайдиган битта жинс ва битта тур унинг ҳар бир шахсида исботини топган ҳамма нарсага мос тушади, негаки у битта жинс ва битта турдан иборат. Бу худди тупрокнинг заррасига ўхшайди. Тупрокнинг битта заррасидан қўлга киритилган, натижа, тупрокнинг ҳамма жинсига ва, турига мос келади. Муҳими, фикрлаш жорий қилинган нарса воқеликка эга бўлсин. Ҳис қилинмайдиган ёки нишонаси йўқ ҳар қандай нарсада фикрлаш юзага келмайди.

Шунга биноан чиқарилган хулосалар ва олинган маълумотлар воқелиги йўқ ёки мавжудлиги хаёлий фараздан иборат бўлса, фикр саналмайди ёхуд ақлнинг натижаси деб ҳисобланмайди. Чунки ақл ҳис қилган ёки нишонаси ҳис қилинган воқеликсиз ишлай олмайди. Бинобарин фикрлаш фақат воқеликда ёхуд воқеликнинг натижасидагина жорий бўлади. Шунинг учун ҳам фикрлар китобларда ёзилган бўладими, ёки ҳикояларда айтилганими, барибир, уларни ақлнинг натижалари дейилмайди ва бинобарин фикр деб ҳам ҳисобланмайди.

Бу ўринда фикрловчи шахсга кўринмаган ёки унинг ҳисси тушмаган ғойиб нарсалар ҳақида «ғойиб нарсаларда мияни ишлатиш фикрлаш бўлмайдими ва қолаверса ғойиб нарсалар ҳақида айтилган сўзлар фикр эмасми», деб айтилиши мумкин. Бунга жавоб шуки, фикрловчи шахсга кўринмаган нарсалар ғойиб эмас, балки жорий нарса ҳисобланади. Чунки сезгини кўчириш деганда фақат фикрловчининг кўришини эмас, балки ҳар қандай инсондаги, ҳар қандай кўчириш назарда тутилади. Масалан, бир шахс Макка шаҳрини ва Байтул Ҳаромни ўйласа, лекин уни кўрмаган бўлса бу – ҳис қилинмайдиган нарсани ўйлаётганини англатмайди, балки у ҳис қилинадиган нарсани фикрлаётган бўлади. Фикрловчига кўринмаган ҳис қилинадиган нарсалар ҳақида ўйланса, фикрлаш деб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тарих фикрлардан иборат деб ҳисобланади, гарчи минг йиллар мобайнида ёзилган ёки айтилган бўлса ҳам уни фикр деб қабул қилинади. Қадимги маърифатлар ҳам минг йиллар ўтишига қарамай, шундай деб ҳисобланади ва миянинг ишлатилиши фикрлаш саналади. Телеграммалар орқали йўлланган хабарлар ҳар қанча узоқ масофадан келмасин унга мия ишлатилса, фикрлаш дейилади. Фикрловчига кўринмаган нарса ғойиб бўлиб қолмайди, балки ҳис қилинадиган нарсалар саналади. Чунки сезги фикрловчидагина бўлиши шарт эмас, балки унга кўчирилиш, гоҳо уни эшитиш, гоҳо уни ўқиш ва гоҳо уни биров ўқиб бериши

мумкин. Гап маърифатнинг фақат ҳис қилинган воқеликдан келиб чиқсагина фикр бўлиши ҳақида боряпти. Демак, ҳис этилган воқелик ёки нишонаси ҳис қилинган нарсани билиш фикр ва улар мия ишлатилса, фикрлаш бўлади. Аммо иккаласидан бошқаси фикр эмас ва бошқасига миянинг ишлатилиши фикрлаш ҳисобланмайди.

Энди ҳис қилишдан ғойиб бўлган (бевосита ҳис қилинмаган) нарсалар ҳақида айтадиган бўлсак, бу нарсалар ғойиб нарсалар дейилади. Бундай ғойиб нарсаларга жавоб шуки, аввал уларга қаралади, агар тўғри сўз орқали қатъий нақл қилинган бўлса ва мавжудлиги қатъий далил билан исботланса, у фикрдир ва унга мияни ишлатилиши ақлий тариқат, яъни фикрлаш деб ҳисобланади. Чунки нақл қилувчи ва ровийнинг мавжудлиги сезги ва фикр йўли, билан исботланади, унинг гапини тўғрилиги ҳам қатъий фикр орқали собит бўлди. Шунинг учун бу аслида ҳис қилинган ёки нишонаси ҳис қилинган нарса орқали юз берган. Бунинг устига манбаси борлиги ҳам ва унинг тўғрилиги ҳам қатъий фикр билан исботланди. Шу сабабли у фикр деб, унга миянинг ишлатилиши фикрлаш деб ҳисобланади бунда нақл ёки ривоят қатъий далил билан исботланганми ё гумонли далил биланми, фарқи йўқ, чунки фикр деб ҳисобланиши учун унинг мавжудлигига ҳам, тўғрилигида ҳам қатъийлик шарт қилинади. Лекин унинг тўғрилиги, кўпроқ гумон йўли билан бўлса ҳам шарт. Демак, мавжудлиги ва тўғрилиги қатъий далил билан исботланган ғойиб нарсалар фикр деб, унга мия ишлатилиши фикрлаш деб аталади. Модомики, бу ғойиб нарсаларнинг содир бўлгани қатъий йўл биланми ёки гумон йўли биланми, фарқсиз, тўғри чиқса бўлгани.

Лекин нарсаларнинг мавжудлиги, ростлиги, собитлиги ва далолати қатъий бўлса, уни тасдиқламоқ зарур, шубҳаланиш дуруст эмас. Агар гумонли бўлса, уни тасдиқлаш, аниқ эмас аммо ҳар иккаласида ҳам миянинг ишлатилиши фикрлаш ҳисобланади. Бундан маълум бўладикки, мусулмонлардаги мавжуд ғойиб нарсалар оход ҳадисларда ёки Қуръони Каримда келишидан қатъий назар фикр деб, унга миянинг ишлатилиши, фикрлаш дейилади.

Аммо мавжудлиги ҳам, ростлиги ҳам қатъий бўлмаган нарсалар фикр эмас ва унга миянинг ишлатилиши фикрлаш ҳисобланмайди, балки хаёл ва фаразлар қабилидаги хурофот холос.

Шунга кўра, бундай ғойиб нарсалар фикр, унга миянинг ишлатилиши фикрлаш дейилмайди. Лекин улар мавжудлиги ва ростлиги қатъий бўлиб, тўғри шаклда келсагина фикр ва миянинг унга ишлаши фикрлаш дейилади. Чунки улар ҳис қилинадиган нарсаларга таянган бўлиб, мавжудлиги ва ростлиги қатъий нарсалардан олинган. Бундан бошқа ҳолларда ғойиб нарсалар фикр,

унга миянинг ишлаши эса фикрлаш ҳисобланмайди, чунки у ҳис қилинадиган нарсалардан эмас. Демак, фикрлаш, бу миянинг ҳис қилинадиган ва нишонаси ҳис қилинадиган нарсаларга ишлаши бўлса, фикр мана шу ишлашнинг натижасидир.

### **Коинот, инсон ва ҳаёт ҳақида ақл юритиш низоми**

Аммо борлиқ, инсон ва ҳаёт ҳақида изланиш табиат ҳақида изланиш эмас. Чунки табиат борлиқ, инсон ва ҳаётдан кўра умумийроқдир. Шунингдек, бу олам ҳақида изланиш ҳам эмас, чунки олам Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса бўлиб, фаришталар, жинлар билан бирга табиатни ҳам ўзида мужассам этади. Шунинг учун биз борлиқ, инсон ва ҳаёт ҳақида изланамиз деб айтсак, бу билан табиатни ва оламнинг изланишини эмас, балки фақат мана шу уччаласини назарда тутамиз. Чунки инсон борлиқда яшар экан, албатта у инсонни билмоғи, борлиқни ва ҳаётни билиб-танимоғи лозим. Шундай бўлгач, табиатнинг изланиши уни қизиқтирмайди. Чунки табиат ҳақида изланиш уни ўзи ҳақида, ҳаёти ва яшаётган борлиқ ҳақидаги изланишдан беҳожат қилмайди. Булардан бошқа фаришталар, шайтонлар каби нарсалар ҳақида изланиш ҳам унга аҳамиятсиз туюлади. Чунки улар ҳақидаги изланиш ундаги тугунни ечиб беролмайди. Инсон ўзининг вужудга келганини ҳис этар экан, атрофидаги ҳаётни ва ўзи яшаётган борлиқни ҳис қилади. У нарсаларни ва ишларни фарқлай олган палладанок, ўзини вужудга келишидан олдин ва ота-онасини ҳатто, энг катта бобосининг вужудга келишидан аввал бир нарса бормиди ё йўқмиди деб сўраб-суриштиришни бошлайди. Ўзидаги ва ўзидан бошқа инсон боласидаги бу ҳаётдан олдин нима бўлганлигини суриштиради. У кўриб, эшитиб турган бу ер, қуёш ва ою-юлдузлардан аввал нима бор бўлгани, яъни улар азалдан бор бўлган нарсаларми ёки улардан олдин азалий нарса бормиди, дея суриштиради. Кейин эса мана шу учта нарсадан кейин бирор нарса бўладими ё йўқми, яъни улар абадий шу тарзда қоладими йўқми дея сўраб-суриштиради. Бундай суриштириш ва саволлар унга кўп бўлади ва ёши улғайган сари бу саволлар ортаверади, натижада унда энг катта муаммо тугунини пайдо қилиб, уни ечишга урина бошлайди. Бу суриштирув ёки саволлар воқелик ҳақидаги изланиш, яъни воқелиқни сезги аъзолари воситасида мияга кўчириш бўлиб, инсон шу воқелиқни ҳис қилишда давом этади. Аммо ундаги маълумотлар бу катта муаммони ҳал қилишга етарли бўлмайди, улғайган сари маълумотлар кўпаяверади ва ўзидаги маълумотлар воситасида бу воқелиқни шарҳлашга уринади. Агар бу воқелиқни шарҳлашга қодир бўлса, бу саволлар уни қайта безовта қилмайди ва энг катта муаммони ҳал этади. Агар ушбу воқелиқни шарҳлашга қодир



бўлолмаса, у сўраб суриштиришдан тўхтамайди, гоҳида ниманидир ҳал қилганга ўхшайдию, лекин саволлар ёғилаверади. Шунда у муаммони ҳал қилолмаганини тушунади. Шу тарзда савол ва суриштиришлар занжири токи унинг табиати, билан ҳамоҳанг жавобга етиб боргунича уланиб бораверади. Ўша жавобга етган вақтда у энг катта тугунни ҳал қилганига ишонади ва саволлар занжири узилади. Агар у мана шу асосий тугунни ечолмаса, саволлар кетма-кет ёғилаверади ва қийинчиликда қолади, бу муаммо уни оғир аҳволга тушириб қўяди. Ечим тўғри бўладими ёки хатоми, уни ҳал этмагунича ўз тақдирдан хотиржам бўлолмайди.

Бу борлиқ, инсон ва ҳаёт ҳақида фикрлашдир. У табиий ва муқаррар фикрлаш бўлиб, ҳар бир инсонда албатта вужудга келади. Чунки инсоннинг мавжудлиги мана шу фикрлашнинг вужудга келишини тақозо этади. Чунки бу уч нарсани у доимо ҳис қилади. Бу сезги уни фикрга етиб бориши учун ҳаракатга ундайди. Шунинг учун борлиқ, инсон ва ҳаёт ҳақидаги фикрлаш инсоннинг мавжудлигига жуда зарурдир. Чунки шу уч нарсани муқаррар ҳис қилишнинг ўзи, унда мавжуд маълумотларни юзага чиқаради ёки маълумотларни бошқа бировдан талаб қилади. У ўзининг ички ундовлари билан бу муаммони ечишга интилади. Асосий муаммо тугуни доимий равишда инсондан ажралмайди. Аммо одамлар муқаррар суриштиришларга ҳамда жавобни топиш, яъни асосий муаммони ечишга эришиш учун жуда кўп ҳаракатларни бажаришларига қарамай, саволларнинг бундай ёғилишини ҳар хил қарши оладилар. Баъзилар бундай саволлардан қочса, айримлари тўхтамай жавоб излайди. Улар балоғат ёшига тўлмаган пайтларидаёқ оталаридан жавоб оладилар. Бундай саволлар кутилмаган ҳолда туғилади, ҳатто атрофларидаги нарсаларни фарқлай бошлаган вақтларида пайдо бўладию, ота-боболари дарҳол жавоб беришга шошиладилар. Улар оталарига ёки ишларини бошқараётган кимсаларга қаттиқ ишонганлари боис, олинган жавобга қаноат қилиб, шунга хотиржам бўладилар, балоғат ёшига етганларида уларнинг жуда кўпчилиги олинган жавобдан қаноатланади. Айримлари ёшликда олган жавобларига қониқмаганлари боис, бу каби саволлар қайта-қайта туғилаверади. Шунинг учун шу асосий тугунни ечишда олган жавобларига қараб, уларни ўзлари ҳал қилишга уринадилар.

Демак, асосий муаммони ҳал қилиш ҳақида ўйлаш, яъни инсон, борлиқ ва ҳаёт ҳақида фикрлаш ҳар бир инсонда учрайдиган муқаррар ишдир. Аммо баъзилар ҳал қилишни уни бировдан ўрганади. Ечим ўрганиш йўли билан бўладими ёки инсон ўзи ҳал этадими, агар унинг фитратига мос келиб, қалби хотиржам бўлса, у

осойишталикни ҳис қилади. Агар ечим фитратига мос келмаса, инсон бундай ечимдан хотиржам бўлмайди ва саволу суриштиришлар уни тинч қўймай қийнайверади. Шунинг учун инсондаги катта муаммони табиатга мос келадиган ечим билан ҳал қилиш ҳақида ўйлаш зарурдир.

Тўғри, катта муаммони ҳал қилиш ҳақида ўйлаш табиий ва муқаррар. Лекин мана шу фикрлашнинг ўзи баъзан соғлом, баъзан носоғлом, баъзан эса фикрлашдан қочиб қилинган ҳаёл бўлади. Аммо ҳар қандай ҳолда ҳам ақлий тариқатга мувофиқ фикрлашдир. Инсон, борлиқ ва ҳаёт моддадан иборат, деб мурожаат қиладиган кимсалар инсон, борлиқ ва ҳаёт ҳақида ўйлашдан модда ҳақида фикрлашга қочадилар. Табиий ва муқаррар фикрлашдан қочиш, деб ҳисобланувчи бундай уриниш уларни носоғлом фикрлашга олиб боради. Маълумки, модда ихтирочига бўйсунмади, аммо инсон, борлиқ ва ҳаёт ихтирочига бўйсунмайди. Инсонда туғиладиган саволлар ақлий фикрлашга муҳтож бўлса, улар илмий фикрлашга ўтиб олишади. Шунинг учун ҳам соғлом ечимни чиқаришлари амри маҳол, оқибатда чалғитувчи ечим чиқаришади-да, шу билан катта муаммони ҳал қилган бўладилар. Аммо бу ечим фитратга жавоб бермайди. Мана шу жиҳатдан ҳам ечим халқ ёки уммат учун эмас, маълум бир шахсларга тегишли бўлиб қолади. Халқ ёки умматда эса катта муаммо уларнинг фитратларига жавоб бермайдиган тарзда ечилиб, муаммо битмай қолаверади. Ҳатто мана шундай ечимга рози бўлган кўплаб шахсларни саволлар қўймайди.

Аммо мана шу катта муаммони шахсга тааллуқли деб ҳисоблайдиган ва халққа халқ деб қарамайдиган ҳамда уларнинг ҳаётий ишларига дахли йўқ деб билувчи кимсалар бундай муаммони ҳал қилишдан ўзларини олиб қочадилар, одамларни ва умматни ўз ҳолига ташлаб қўядилар. Шу сабабли қийинчиликлар шахсларни ҳам, умматни ҳам тарк этмай, қийнайверади ва ҳамма ёлғондан хотиржам ҳолатда яшайди. Асли, муаммо ечимсиз қолган бўлиб, қалбан ва табиатан беқарорлик шахсларни ҳам, умматни ҳам қийнайверади.

Ҳақиқатни айтганда катта муаммонинг иккита жиҳати бор:

Биринчиси, ақлий жиҳат, яъни ақлга тааллуқли фикр жараёнининг ўзида бўлса, иккинчиси, инсондаги тириклик қувватига, яъни қондиришни талаб қиладиган нарсаларга тааллуқли жиҳатдир. Фикрлаш тириклик қувватини қондиришга боғланмоғи лозим. Тириклик қувватини фикр орқали қондириш фикрлашдан келиб чиқиши, яъни воқеликни ҳис қилиш аъзолари воситасида мияга кўчириш билан амалга ошиши лозим. Агар қондириш ҳаёл ёки фаразлар орқали ёхуд ҳис этиладиган воқеликсиз бўлса

хотиржамлик юз бермайди ва ечим топилмайди. Агарда фикрлаш қондириш вужудга келмайдиган нарсаларни, яъни фитратга мос келмайдиган нарсаларни келтириб чиқарса, демак бу фикр эмас, хом ҳаёл ё фаразлардир у қалбни хотиржам қиладиган ечимга олиб бормайди.

Демак катта муаммонинг ечими тўғри бўлиши учун фикрлашнинг натижаси ақлий тариқатга мос келиши ва тириклик қуввати қондирилиши лозим. Бундай тўғри ечимдан доимий қаноат ва хотиржамлик пайдо бўлади. Шу жиҳатдан инсон, борлиқ ва ҳаёт ҳақида фикрлаш муҳимдир. Яъни у катта муаммони фитратга жавоб берадиган тарзда ҳал этиб, бундай саволлар қайта пайдо бўлишига йўл кўймаслиги лозим.

Эҳтиёжни, тириклик қуввати қондиришга ҳаракат қилса, бу катта муаммони ҳал этиши мумкин. Ожизликни ҳис қилиш ва ёрдамга муҳтож бўлиш қатор саволларни келтириб чиқаради. Аммо бу йўлнинг оқибати ишончсиз, агар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, бирор марказлашиш томон олиб бормайди. Масалан, диндорлик ғаризаси мияда ҳақиқатга алоқаси йўқ ҳаёл ва фаразларни пайдо қилиши мумкин. Гарчи у тириклик қувватини қондирса-да, бутларга сиғиниш ёки авлиёларни улуғлаш каби хато ҳолатида юз беради. Шунинг учун тириклик қувватини катта муаммони ҳал этиш учун инсон, борлиқ ва ҳаёт ҳақида фикрлашни жорий қилиш даркор. Аммо бу жавоб фитратга мос келиши, яъни жавоб тириклик қувватини қондириб, шубҳага ўрин қолдирмайдиган бўлиши зарур. Агар бу ечим фитратга жавоб берадиган фикрлаш орқали ҳосил бўлса, бу ҳолда у ақл ва қалбни хотиржам қилувчи ечим бўлади.

### **Яшаш ҳақида фикрлаш**

Яшаш ҳақида фикрлаш, тириклик эҳтиёжини қондириш, яъни овқат ейиш каби узвий эҳтиёжларни ёки мулкка эғалик каби ғаризаларни қондириш инсонда яшаш учун фикрлаш мавжуд бўлишини тақозо этади ва бу табиий фикрлаш ҳисобланади. Аммо яшаш ҳақида фақат шундай фикрлаш уйғониш учун ҳамда бахт-саодатга эришиш хотиржам яшаш учун камлик қилади. Шу боисдан инсон уйғониши ва у доимий осудаликка эришиши учун албатта яшаш ҳақидаги фикрлашни ҳаётдаги нуқтаи назари асосига қуриши зарурдир. Инсоннинг борлиқда яшаши унинг борлиқдаги ҳаётини англатади. Шунинг учун инсоннинг яшаш ҳақида фикрлаши ўзи яшаётган мана шу дунё ҳаётига бўлган нуқтаи назарига асосланиши зарур. Яшаш ҳақида фикрлаш дунё ҳаётига бўлган қарашларига асосланмаса фикрлаши чекланган бўлиб қолади, натижада уйғонишдан бебахра қолади ва доимий осудаликка эришолмайди. Шунинг учун борлиқ, инсон ва ҳаёт ҳақида фикрлаш яшаш ҳақида

фикрлашга асос бўлмоғи лозим. Тўғри, инсон ўзида борлиқ, инсон ва ҳаётга нисбатан нуқтаи назар бор бўладими ёки йўқми, барибир яшаш ҳақида фикрлайди. Лекин у фикрлашни инсон, борлиқ ва ҳаёт ҳақида фикрлаши ҳамда ҳаётга бўлган кўз қараши устига бино қилмагунича, бу чекланган ва беқарор фикрлаш бўлиб қолаверади. Гап иккала фикрлашнинг қайси бири устун туриши ҳақида эмас, яшаш ҳақида фикрлаш ҳар қандай фикрлашдан устун эканлиги маълум. Гап доимий осудалик таъминланган илғор даражадаги яшаш ҳақида боряпти. Шунинг учун ҳам яшаш ҳақида фикрлаш ҳаётга бўлган кўз қарашга асосланиши зарур.

Тўғри, яшаш ҳақида фикрлашда инсон ўз ҳаётидан оиласи ва қариндошларининг яшаши ҳақида фикрлаш даражасига кўтарилади ҳамда қавмининг, умматнинг яшаши ҳақида ўйлай бошлайди ва бу фикрлаш, бутун инсониятнинг яшаши ҳақида фикрлаш даражасига кўтарилади. Бундай кўтарилиш инсон табиатида мавжуд бўлса-да, ўз ҳолига ташлаб қўйилса, фақат ўзи билан чекланиб, қолади. Натижада, ўзини яшашинигина ўйлайдиган худбинлик унга ҳукмрон бўлиб қолади ва бу худбинлик унинг хатти-ҳаракатларида кўзга ташланади. Бу уйғонишга ва осудаликка олиб келмайди. Шу боисдан, яшаш ҳақида фикрлашни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, ҳаётдаги нуқтаи назар устига курмаслик дуруст эмас. Негаки, у уйғонишга ва доимий осудаликка олиб бормайди, аксинча осудаликка тўсқинлик қилади, халқларнинг қолақ ҳаёт кечирришларига сабаб бўлади.

Яшаш ҳақида фикрлаш, тириклик эҳтиёжини вақтинчалик ёки бўлганича қондириш фикрлашни англамайди, ёхуд фақат ўзи, оиласи, қавми, уммати ҳақида ўйлаш деган гап эмас. У борлиқда яшовчи инсон экан, яшаш ҳақидаги фикрлаши давомли бўлиши ва имкон қадар юқори даражада яшамоғи ҳамда ҳаёт, инсон сифатида жинсини сақлаб қолиш ғаризаси талаб қилинганидек давом этиши лозим. Бу эса, яшаш ҳақида фикрлаш ҳаётга бўлган муайян нуқтаи назарга асосланмасдан амалга ошмайди. Агар у шу ҳолда қолиб кетса, инкирозга юз тутаяди. Фикрлаш ҳаётга бўлган нуқтаи назарга асосланганими, йўқми, унда масъулият ва бир ғоя мақсад қилинган бўлиши керак. Яна фикрлашда энг муҳим нарса бу бошқалар учун жавобгарлик, масъулият ҳиссидир. Оила бошлиғи бўлган ота хотини болалари ҳамда қариндошлари ҳақида масъулдир. Оила аъзолари ва қариндошлари яшаш ғоясини мақсад қилишлари ва бошқаларга жавобгарликни ҳис этишлари вожиб. Ҳаётий муаммоларга жавоб излаш яшаш ҳақидаги фикрлашнинг хусусияти бўлиб қолиши зарур, токи масъуллик ҳам яшаш ҳақида фикрлашга айлансин. Чунки жавобгарликни ҳис этмаслик худди тириклик

эхтиёжини кондириш ғаризасидан келиб чиқиб, ҳайвонниқига ўхшаб қолади ва у инсонга номуносибдир.

Яшаш ҳақида ўйлаш масъулиятли бўлиши ўта муҳимдир. Чунки у уйғонишга ва осудалиққа етарли бўлолмаса-да, инсоннинг қадрини ҳайвонлик мартабасидан юқори қилишни ҳамда эҳтиёжини кондиришдан фарқ этолмайдиган ҳайвоний талабдан фарқли ўлароқ инсоннинг фикрлашини, идрок этишини таъминлайдиган нарсанинг биридир.

Яшаш ҳақида ўйлаш ҳаётни бир қолипга солиб беради. У оилага ҳам, қариндошларга ҳам, қавмга ҳам, умматга ҳам ва бутун инсониятга ҳам ҳаётни муайян бир қолипда шакллантириб беради. Яъни, ҳаётни маймун ва чўчқалар ҳаётига ёки олтиндек қийматли, қалайдек метин ҳаётга айлантиради. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётни азиз, фаровон ва осуда ҳаётга айлантиради ёки бахтсиз ва бир бурда нон ортидан югурувчилар ҳаётига айлантиради. Капитализмнинг ҳаётни муайян шаклга солиб берганига назар ташласак, бу қолип барча инсонларга мусибатлар олиб келганига гувоҳ бўламиз. Капитализмнинг бу қолипи инсонлар ўртасидаги муносабатларни доимий хусуматли алоқага айлантирган. Бу мен билан сенинг ўртамиздаги нон талашини муносабатидир, яъни нонни ё мен ейман, ё сен. Ўртамизда кураш шу зайл давом этаверади, охир оқибат биримизга нон тегади ва иккинчимиз ундан маҳрум бўлиб қоламиз ёки биримизга ўлиб қолмаслик учун бир бурда беради-да, иккинчимизнинг нонини кўпайтиради. Капиталистик фикрлаш – бундай қолипга бир бора назар ташланса – у дунё ҳаётини бало ва офат диёрига, инсонлар ўрасида доимий хусуматга айлантирганини кўрсатади. Бунинг боиси шундаки, яшаш ҳақидаги капиталистик фикрлаш гарчи инсон, борлиқ ва ҳаёт ҳақидаги умумий фикрга асосланган, ҳаёт ҳақида шундай фикрлаб яшаётган халқлар ва умматларни уйғотган бўлса-да, ўша халқлар ва умматларни бахтсиз қилди, бутун инсониятни балога учратди. У мустамлакачилик ва эксплуатация мафкурасини яратди. У маълум шахсларга шундай шароитларни муҳайё қиладики, хизматчилар ёки куллар совға-саломларни олтин баркашларда келтириб беришади. Айрим шахсларни эса, ҳатто сарқит еб яшашдан ҳам маҳрум қилади. Бой яшаётган Америкада, императорликни орзу қилаётган Британияда ҳамда буюк бўлиш ҳаёли сузаётган Францияда ҳаёт шу тарзда кечмоқда. Мустамлака ва эксплуатация мафкураси Европа ва Америкадан бошқа ерларга келтирган кулдорлик ва қонхўрликни айтмаса ҳам бўлади. Буларнинг барчаси яшаш ҳақида, бировлар ҳақида масъул фикрлаш эмаслигини, кўрсатади. Бундай фикрлашда гарчи оила, қариндошлар, қавм ва миллат ҳақида жавобгарлик

зохир бўлса-да, ҳақиқатда масъулиятдан йироқдир. Чунки бунда эҳтиёжни қондиришни кафолатлайдиган нарсадан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Социалистик мафкура даставвал камбағал ва меҳнаткашларга жавобгар бўлиш фикрини пайдо қилган бўлса-да, кейинчалик ҳаёт қаршисида барқарор туришга ожизлик қилди ва бора-бора замондан ортда қолди. Аста секин бошқалар ҳақида жавобгар бўлишдан узоқлашиб, йироқлашиб капиталистик фикрлашдан фарқ қилмай қолди ва ўз воқелигида инсоний мафкурадан кўра миллий мафкурага айланиб қолди.

Шуларга кўра, гарчи яшаш ҳақида фикрлаш ҳаётга нисбатан маълум нуқтаи назарга қурилган бўлса-да, ҳолбуки Европа, Америка ва Россия давлатлари бутун оламга ҳаётни бир қолипга солиб бераётгани боис, яшаш ҳақидаги фикрлаш бошқаларга жавобгар бўлишдан ҳоли деб ҳисобланади. Баъзида инсон яшаш ҳақида фикрлашнинг бошқаларга жавобгарликдан ҳоли бўлиши тубан одамда табиий бўлади, деб тушуниши мумкин. Аммо у бир нарсани яхши тушунмайдик, шахсий эҳтиёжларни қондириш учун бошқаларни қул қилиш ва эзиш бошқаларга жавобгар бўлиш ўрнини эгаллаб олган. Шунинг учун бугунги кунда оламдаги тараққиёт ва уйғониш инсонлар наздидаги, айниқса яхши яшашга қодир кучли инсонлар наздидаги яшаш ҳақида фикрлаш бошқаларга жавобгар бўлишни ўзидан соқит этгандир. Ҳар қандай кўзи очик, ақли расо одам оламнинг яшаш ҳақида фикрлаши илғор эмас, балки қоқоқлигини, тинч-осуда эмас, балки ташвишли эканини биледи ва бошқаларга жавобгарликнинг йўқолиши ҳаёт учун зарарли ва инсонга бахтсизлик келтиради, деб ҳисоблайди. Шунинг учун бундай фикрлашнинг баҳридан ўтиш ҳамда бошқалар ҳақида жавобгар бўлишни яшаш ҳақида фикрлашнинг ажралмас таркибий қисмига айлантиришга ҳаракат қилиш зарур.

Тўғри, нон бир инсон билан бошқа бир инсон ўртасидаги алоқадир. Яшаш ҳақида фикрлаш бу тириклик эҳтиёжини қондириш учун мана шу нонга эришишни ўйлаш эканлиги ҳам тўғри. Аммо инсон билан инсоннинг ўртасидаги нон алоқаси мен ейман, сен емайсан деган бўлиши ўрнига, мен, сени тўйдириш учун, нон топаман сен менга едириш учун, нон топасан мен едим, сен единг деб жанжаллашиш учун касб қилмаймиз деган алоқа бўлса, яъни ўз фойдасини ўйловчи худбинлик эмас, бошқанинг манфаатини кўзловчи саҳийлик алоқаси бўлса, бировни эзиб эмас, унга инъом қилиб хурсанд бўлинса, яхши эмасми? Қуйидаги шеърни битган шоирни Аллоҳ юзини ёруғ қилсин:

«Бир нарсасин сўраб борсанг хурсандлигини кўр,

Гўё у нарсасин сенга бермай сендан олмоқда»,

Яъни инсон бақо ғаризасига биноан бир нарсани олганида, қувонса лекин савияси юқорилашган вақтда бировга нарса берса ҳам хурсанд бўлади. Бу ҳам бақо ғаризасига жавоб ҳисобланади ҳамда сахийлик ва худди мулкка эга бўлиш ва олишнинг бир кўриниши кабидир.

Гап – яшаш ҳақида фикрлашни биров ҳақида фикрлашга айлантириб кўйишда эмас, чунки яшаш ҳақида фикрлаш бу инсон учун тириклик эҳтиёжини қондириш ҳақида ўйлаш демакдир. Демак, у соғлом фикрлаш бўлиши учун албатта қондириш билан мос келмоғи лозим. Гап бировнинг эҳтиёжини қондириш ҳақида фикрлаш эмас, балки бировга жавобгар бўлиш, ҳақидадир. Инсон бировдаги тириклик эҳтиёжини қондириш учун яшаш ҳақида ўйламайди, балки ўз эҳтиёжини қондириш ҳақида фикрлайди. Аммо бошқаларга жавобгарлик сифати билан фикрлаётганида мулкка эгалик ўрнига сахийлик кўринишини ва кўрқув ўрнига, мақтов кўринишини қондиради, ҳар иккала ҳолатда ҳам у бақо ғаризасини қондиришда ўзидаги тириклик қувватини қондиради. Лекин у тубанлик ўрнига олийжанобликни ихтиёр қилди. Бу – ҳаёт ҳақидаги фикрни жавобгарликка айлантириш хусусидаги гапдир. Бошқаларга жавобгар бўлиш тинч-осуда яшашни берадиган фикрлашга айлантириб кўйди.

Аммо ҳақиқатлар ҳақида фикрлаш бошқа ҳар қандай нарса ҳақида фикрлашдан фарқ қилмаса-да, лекин ҳақиқатларнинг, айниқса моддий бўлмаган ҳақиқатларнинг муайян моҳияти бор. Шунинг учун у қайсидир бир жиҳатдан ҳар қандай бошқа нарсалар ҳақида фикрлашдан фарқ қилишини эътиборга олиш, зарур. Ҳақиқатлар ҳақида ўйлаш бу юзага келган хулоса сезги воситалари орқали мияга кўчирилган воқеликка батамом мос келишидир. Бу мувофиқлик фикр далолат қилган нарсани ҳақиқатга айлантиради ва у ҳақиқат бўлса фитратга табиий суратда мос келади. Мисол учун жамият алоқалар ва инсонлардан иборат. Қачонки, жамиятнинг нима эканлиги устида хулоса қилинаётганда, унинг воқелигига қараладиган ҳамма хулосалар ақлий тариқатга асосан юритилса, бу фикр бўлади. Аммо бу фикрнинг ҳақиқат ёки ҳақиқат эмаслиги, шу фикрнинг воқеликка мос келишига боғлиқ. Жамият шахсларнинг тўпланишидан иборат дегувчилар жамоа шахслардан таркиб топганини ҳамда жамият фақат маълум бир шахслар мажмуаси вужудга келсагина пайдо бўлади деб ҳисоблашган ва мана шу воқеликни ҳиссиёт аъзолари воситасида мияларига кўчиришган, кейин уни аниқ маълумотлар воситасида (аниқлаб) жамият бу шахслар мажмуаси деган хулоса чиқаришган. Бу хулоса

хам бир фикр. Лекин бу фикрнинг воқеликка мос келиши ёки келмаслиги бу ҳақиқат ёки ҳақиқат эмаслигини билдиради. Бу фикрни воқеликка татбиқ қилинган вақтда шу нарсанинг гувоҳи бўлинадик, кемадаги жамоат сонлари қанчалигидан қатъий назар жамиятни пайдо қилмайдилар, балки, шахслар йиғиндиси бўлганликлари боис жамоатни ҳосил қиладилар. Бир пайтнинг ўзида маълум бир қишлоқда яшайдиган жамоа сони қанча бўлишига қарамай, жамиятни ташкил қиладилар. Қишлоқни жамиятга айлантирган ва кемада жамиятни ҳосил қилмаган нарса бу қишлоқ аҳолиси ўртасида доимий алоқа борлиги ва кемадагилар ўртасида доимий алоқанинг мавжуд эмаслигидир. Демак, жамиятни таркиб топдирадиган нарса бу инсонлар мажмуаси эмас, балки инсонлар ўртасидаги доимий алоқалардир. Бундан аён бўлдики, жамиятнинг бундай таърифи гарчи фикр ҳисобланса-да, лекин ҳақиқат эмас. Бу эса, ўз навбатида ҳамма фикр ҳам ҳақиқат эмаслигини, балки ҳақиқат бўлиши учун бу фикр хулоса қилинган воқеликка мувофиқ келиши лозимлигини англатади.

Мисол учун, насроний дини ҳам бир фикр эканлиги тўғри. Унда ҳис қилиш аъзолари шу нарсани мияга кўчиргани «ота, ўғил ва муқаддас руҳ бу битта нарса, демак учаласи битта-битта ҳолда учтадир. Куёшда ҳам нур, ҳам иссиқлик ва куёш жисми бор, уларнинг ҳаммаси битта нарса ва улар учтадир. Илоҳ ҳам худди шунақа: ота, ўғил ва муқаддас руҳ». Илоҳ ҳақидаги бу эътиқод фитрат билан, яъни диндорлик ғаризаси билан ҳамоҳанг келган ва фикрга айланган. Аммо бу фикрнинг воқеликка мос келиши ва келмаслиги ҳақиқат ёки ҳақиқат эмаслигини белгилайди. Уни воқеликка татбиқ қилган киши шунга гувоҳ бўладики, учта нарса бир эмас ва бир ҳам учта эмас. Куёшда нур бўлиши ва иссиқликнинг бўлиши унинг учталигини англатмайди, балки у битта, яъни куёшдир, нур унинг хусусиятларидан бири. Иссиқлик ҳам унинг хусусиятларидан бири. Бунинг фитрат билан мос келишининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Негаки, диндорлик ғаризаси қондиришни талаб қилади. Уни қондириш эса, хато ёки ғайритабиий шаклда бўлиши ҳам мумкин ва тўғри шаклда қондирилиши ҳам мумкин. Илоҳнинг битта ёки учта эканлигини исботлаш эса, гарчи шарт бўйича фикрлаш фитрат билан ҳамоҳанг келиши лозим бўлса-да, фитрат йўли билан эмас, ақл йўли билан ҳосил бўлади. Демак, ушбу фикр илоҳнинг воқелигига мувофиқ келмагани боис, у ҳақиқат бўлмайди, демак насроний дини ҳақиқат эмас.

Яна бир мисол: Модда ўзича ривожланиши ва бундан яратиш ҳосил бўлиши ҳам тўғри фикр. Воқелик модданинг собит қонунлар



воситасида бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўзгаришини ва аввал бўлмаган янги нарсалар дунёга келишини ва бу яратиш эканлигини мияга кўчирган. Аммо бу нарса воқеликка мос келишининг ҳақиқат ёки ҳақиқат эмаслигини белгилайди. Уни воқеликка татбиқ этилган чоғда шу нарсанинг гувоҳи бўлинадики, бу модда нарсаларни йўқликдан бор қилмайди, балки бор нарсадан яратади. Қонунлар ҳам моддага мустаҳкам боғлиқ, шунинг учун унга қарши чиқишга қодир эмас. Демак, модданинг амали яратиш ҳам эмас ва у яратувчи ҳам эмас. Бу фикр яратувчининг воқелигига ҳам, яратиш хусусиятига ҳам мос келмайди ҳамда ҳақиқат эмаслиги аён бўлади.

Шунга ўхшаш дунёдаги мавжуд барча фикрларнинг ўзи ҳақиқат эканини англатмайди, балки ҳақиқат бўлиши учун, фикр воқеликка мос келиши лозим. Фикрнинг ҳақиқат ёки ҳақиқат эмаслигини билиш учун ушбу фикрни воқеликка татбиқ қилиб кўриш зарур, агар унга мос келса ҳақиқат, мос келмаса ҳақиқат бўлмайди. Ҳақиқатлар ҳақида фикрлаш фақат ақлий амалиётнинг ўзини бажаришни билдирмайди, балки ҳам ақлий амалиётни, ҳам ундан пайдо бўлган фикрни воқеликка татбиқ этилишини англатади. Агар унга мос келса, ҳақиқат, мос келмаса ҳақиқат эмас. Дунёда воқеликка мос келиши ёки келмаслигини билиб бўлмайдиган нарсалар ҳам бор, чунки улар ҳис қилинмайди, дейилмайди. Бундай дейиш нотўғри. Чунки фикрлашда воқеликни ҳис қилиш шарт. Ҳис қилинадиган воқелик бўлмаса, у фикр ҳақиқат эмас. Масалан, Аллоҳ мафкура эмас, балки ҳақиқатдир. Сизга эса Унинг нишонасини, яъни йўқликдан яралган махлуқотларини ҳис сезги аъзолари воситасида мияга кўчиради. Бу эса бизни Унинг мавжудлигини англаб етишга ундайди. Демак, Аллоҳнинг борлиги ҳақиқатдир. Аммо Аллоҳнинг зотини сезги ҳис қилолмайди ва шу боисдан бу ҳақда хулоса чиқаришга қодир эмасмиз. Ақл ҳаракат қилган ва ҳаракат қиладиган ҳақиқатлар борки, ҳаммасига сезги тушади. Демак, ҳақиқатга сезги тушади ва унга албатта ақл йўли орқали фикрлаш жорий этилиши лозим.

Ҳақиқат тўғрисида фикрлаш фикрни воқеликка татбиқ қилишдир. Агар у воқеликка мос келса ҳақиқат, мос келмаса ҳақиқат эмас. Ҳақиқат тўғрисида фикрлаш халқлар ва умматлардан тортиб, барча инсонларда бўлиши зарур. Чунки фикрлар хатога ҳамда адашиш ва залолатга кўпроқ сабаб бўлади. Шунинг учун фикрни ҳақиқат деб қабул қилиш дуруст эмас, балки уни фақат бир фикр сифатида қабул қилиб, кейин воқеликка татбиқ этилиб кўрилади, агар унга мос келса, ҳақиқат бўлади, агар мувофиқ келмаса фикр бўлади ва ҳақиқат эмас. Ҳақиқат тўғрисида фикрлаш худди фикрга етиб бориш учун ақлий амалиётни бажариш кейин бу

фикрни унга мос келадиган воқеликка татбиқ этиш билан бир хилдир. Агар мос келса ҳақиқат, мос келмаса ҳақиқат ҳақида изланиш олиб бориш лозим, яъни унга далолат қиладиган воқеликка мос фикрни излаш керак. Агар дастлабки фикр бўлмаса, балки мавжуд фикрларни қабул қилиб, ундаги ҳақиқатни излаш орқали эришиладиган фикр бўлса, бу худди мавжуд фикрларни воқеликка татбиқ этишни бажариш билан бир хилдир.

Бу ўринда икки масалага эътиборни қаратмоқ лозим: Биринчи, ҳақиқатларда ҳосил бўладиган чалғитишлар. Иккинчи, ҳақиқатларга етиб боришдан буриб юборадиган чалғитишлар. Ҳақиқатлардаги чалғитишлар ҳақиқат ёки фикрлар ўртасида ҳосил бўладиган ўхшашликнинг оқибатида юз беради ва бу ўхшашлик ҳақиқатларни ўчириб юборишга восита қилинади ёки ҳақиқатларнинг бири иккинчисини ўчириб ташлаш ёхуд бу ҳақиқатга нисбатан шубҳа уйғотиб, у маълум шароитда ҳақиқат эди, энди шароит ўзгарди ва ҳақиқат бўлмай қолди, деб чалғитилади. Масалан, яҳудийларнинг мусулмонларга душман эканликлари ҳақиқат. Яҳудийларни Фаластин заминига душманлиги ҳам ҳақиқат. Бу икки ҳақиқат бир-бирига ўхшаш ёки бир-бирига боғлиқ. Лекин чалғитиш орқали яҳудийлар билан фаластинликлар ўртасидаги душманликни авж олдириб, яҳудийлар билан мусулмонлар ўртасидаги душманлик ҳақиқатини ўчиришга қурол қилинди. Эркинлик Америкада мавжуд деган фикр ҳам ҳақиқат. Америкада президентларни капиталистлар танлашади деган фикр ҳам ҳақиқат. Бу иккала фикр Америка воқелигига далолат қилиш жиҳатидан бир-бирига ўхшаш фикр, аммо эркинлик ҳақиқати Америка президентларини капиталистлар танлайди деган ҳақиқатни ўчириб ташлашга қурол қилинди ва натижада бу ҳақиқат ўчилди ҳамда Америкада президентликда ғалаба қозонган кимса, халқдан кўпчилик овозга эга бўлган кимсадир деган тушунча оммалашди. Англиянинг Европа бирлигига қарши эканлиги ҳақиқат. Англия ўзини Европанинг бирлиги орқали кучли қилишни хоҳлаши ҳам ҳақиқат. Бунда иккинчи ҳақиқат биринчи ҳақиқатни ўчириб ташлашга қурол қилинди ва шу билан Англия умум Европа бозорига кириб олди. Масалан, Ислоннинг мағлуб бўлмайдиган куч эканлиги ҳақиқат. Аммо ушбу ҳақиқатга шубҳаланиш ҳосил қилинди-да, оқибатда бу ҳақиқат эмас деган ёки Ислоннинг аввалида ҳақиқат эди, кейинчалик замон ўзгариши билан ҳақиқатлиги қолмади деган умумий фикр пайдо бўлди. Шу тарзда ҳақиқатларда чалғитишлар юз беради ва уларни бошқа ҳақиқат ёки шу ҳақиқатларга шубҳалантириш билан ўчирилади. Бу Ғарбнинг мусулмонлардаги мавжуд ҳақиқатлар хусусида уддабуронлик билан амалга оширган

ишдир.

Аммо ҳақиқатлардан буриб юборадиган чалғитишлар эса ҳақиқатлардан бурувчи амалларни ёки фикрларни пайдо қилиш билан ҳосил бўлади. Масалан, Умматнинг фақат фикр билан уйғониши ҳақиқат. Аммо мусулмонларни фикрдан буриб юбориш учун моддий ишларга қизиқтирилди ва одамларни фикрдан бурилиб, амалиёт билан машғул бўлишлари учун намоёишлар, исён ва тўнтаришларга рағбатлантирилди. Натижада, Уммат фақат фикр билан уйғонади деган ҳақиқат ўчирилиб, унинг ўрнига Уммат фақат революция билан уйғонади, деган фикр ўрнатилди. Шунга ўхшаш мусулмонларни уйғониш ҳақиқатидан буриш учун «уйғониш ахлоқ билан бўлади», «уйғониш ибодатлар билан бўлади», «уйғониш иқтисод билан амалга ошади» каби фикрлар пайдо қилинди ва ҳоказо. Чалғитишлар инсонларни ҳақиқатларга етиб боришларидан буриб юбориш учун жорий этилади.

Шунинг учун чалғитишлардан доимо ҳушёр туриш, албатта ҳақиқатларни маҳкам ушлаб, уни темир панжалар билан сиқиб турмоқ ва ҳақиқатларга етиб бориш учун чуқур фикрлаб, унга ихлос қўймоқ зарур. Ҳақиқатлардан фойдаланмаслик оқибатида содир бўладиган энг хатарли нарса бу тарих ҳақиқатларига, айниқса улардаги асосий йўналишларга аҳамият бермасликдир. Чунки тарихда ўзгармайдиган мустаҳкам ҳақиқатлар ҳам бор. Шароитлар оқибатида келиб чиққан мулоҳазалар ҳам бор. Шароит оқибатида юзага келган мулоҳазалар ҳақиқат эмас, балки ҳодисалар бўлиб, улардан фойдаланиш ва уни турли шароитларда татбиқ этиш дуруст эмас. Аммо воқеликда тарихнинг ҳаммасига бир хил назарда қараладиган бўлиб қолди ва тарих ҳақиқатларига аҳамият берилмай, ҳақиқатлар билан ҳодисалар ўртасини фарқланмай кўйилди. Шунинг учун ҳам ҳақиқатларга эътибор берилмаяпти. Масалан, ғарбликлар Исломиё давлатга қарши уруш қилиш учун шарқий соҳилни, хусусан Миср ва Шом ўлкалари соҳилларини қўлга киритганлари ҳақиқат. Лекин ғарбликларнинг мусулмонлар устидан ғолиб келганликлари ҳақиқат эмас, тарихий ҳодиса. Ҳақиқатлар эса, ҳодисалар билан аралаштирилди ва ҳақиқатлар эътиборсиз қолди. Оқибатда эса, Ўрта ер денгизи душман учун Исломиё юртларига босим ўтказадиган бир дарча эканлиги унутиб кўйилди. Мисол учун миллий мафкура, бу Усмониё Давлатнинг вужудини тебратиб юборган мафкура эканлиги ва мусулмонлар ғарбликлар билан фақат мусулмонлар сифатида эмас, балки Усмониё мусулмонлар сифатида курашганлари ҳақиқат. Лекин Усмониёларнинг Европадаги мағлубиятлари, кейин иккинчи жаҳон уришидаги мағлубиятлари тарих ҳодисаларидан бири. Аммо

Усмонийлар ва ғарбликлар ўртасидаги урушлар тарихига ҳам, биринчи жаҳон урушларига ҳам бир хил назарда қаралди ҳамда бу урушлардаги тарих ҳақиқатларига аҳамият берилмади. Охир оқибатда, миллий мафкура Усмонийлар учун Европада ҳам, биринчи жаҳон урушида ҳам мағлубиятнинг сабаби бўлганлиги унутиб қўйилди. Шунга ўхшаш тарих ҳодисаларининг барчаси ҳақиқатларга эътиборсиз бўлишга ва тарих ҳақиқатларидан фойдаланмасликка олиб келди. Ваҳоланки, тарих ҳақиқатлари инсоннинг энг қимматбаҳо нарсаси ва фикрларининг энг олийсидир.

Демак, ҳақиқатлар ҳақида фикрлаш унга етиб бориш биланми, ёки уларни ҳақиқат бўлмаганларидан ажратиш биланми, ёхуд уларни темир қўллар билан ушлаш ва бу ҳақиқатлардан фойдаланиш биланми барибир, у нафи тегадиган ҳамда шахслар, халқлар ва умматларнинг ҳаётига улкан таъсирга эга бўлган фикрлашдир. Агар амал қилиш учун фикрланмаса, ҳақиқатларни кўзлаб маҳкам ушланмаса ва ҳақиқат билан сохталик ажратиб олинмаса, фикрлашдан ҳеч қандай наф йўқ.

Ҳақиқатлар қатъий ва ўзгармас бўлиб, аниқ ишончлидир. Уларга шароитларнинг ҳар хиллиги ҳам, ҳолатларнинг ўзгариши ҳам таъсир кўрсатмайди. Тўғри, фикрни ўз шароитидан ва уни ўраб турган ҳолатларидан ажратиб қўйиш тўғри эмас ва фикрни умумий қиёс қилинмайди. Аммо бу ҳақиқат саналмаган маълум бир фикрда шундай. Лекин фикр ҳақиқат бўлса, бу масалада шароитларга ва ҳолатларга – улар ҳар қандай ўзгариб турмасин – аҳамият берилмайди, балки шароит ва ҳолатлар қандайлигидан қатъий назар бу фикрни қандай бўлса, шундай қабул қилинади. Ҳақиқатлар гумонли, мураккаб ҳисобланган илмий тариқат орқали эмас балки аниқ ишончга эга ақлий тариқат орқали олинади. Чунки улар, яъни ҳақиқатлар моҳият ва сифатларга эмас, борлик-вужудга тааллуқлидир. Фикр ҳақиқат бўлиши учун воқеликка аниқ мос келиши лозим. Шунинг учун ҳам ҳақиқатлар ҳақида фикрлаш ва албатта уларни маҳкам ушламоқ лозим.

### **Услублар ҳақида тушунча**

Аммо услублар ҳақида фикрлаш тўғрисида айтадиган бўлсак, бу у орқали иш бажариладиган доимий бўлмаган кайфият ҳақида фикрлашдир. Услубни ишнинг тури белгилайди. Шунинг учун услуб ишнинг турига қараб ўзгариб туради. Тўғри, услублар бири-бирига ўхшайди ва битта услуб баъзан бир неча ишда фойда келтиради. Аммо услублар ҳақида фикрланаётган вақтда услуб ишлатиш мўлжалланган ишнинг тури ҳақида ҳам фикрламоқ лозим. Гарчи услублар ўхшаса ҳам, олдиндан маълум услубнинг янги ишга

фойдаси тегса ҳам, фикрлаш чоғида албатта ишнинг тўғрилиги ҳақида ўйлаш зарур. Чунки услубларнинг бир-бирига ўхшашлиги кўпинча фаол (таъсирли) услубни қўллашдан чалғитиб қўяди. Чунки бир услуб бу ишга фойдали деб топилса, у баъзан ишни бажаришга машаққат туғдиради. Масалан, бир мафкурага ташвиқот қилиш услуби унга даъват услубига ўхшайди ва ҳар иккаласи ҳам одамларга мафкурани сингдиришга уринади. Аммо шу ўхшашлик гоҳида даъват эгаларини ҳам, ташвиқот соҳибларини ҳам адаштириб қўяди. Демак, ташвиқот услуби даъват услубига ишлатилса, ишни барбод қилади. Даъват услуби ташвиқотда ишлатилса, ташвиқотни чиппакка чиқаради. Чунки даъват услуби ҳақиқатларни қандай бўлса, шундайлигича шарҳлашга асосланади. Аммо ташвиқот услуби эса мафкурага зеб бериб, зийнатлашга таянади. Зеро, ҳар иккаласи ҳам уни яхшилаб сингдириш учун зарур. Масалан, демократия тузумидаги ҳоким сайлаш услуби, яъни ҳокимни халқ сайлаши исломий низомдаги ҳоким сайлашга фойда беради ва ҳокимни халқ сайлайди. Аммо мусулмонларга халифа сайлаш учун бирор услуб қўлланмоқчи бўлинган чоғда, Ислом низомидаги бошқарувнинг воқелиги ҳақида фикрламоқ ва уни вақтинчалик чекланган ҳоким эмас, доимий халифа эканлигини эътиборга олмоқ вожиб. Шунинг учун халифа сайлашга бирор услубдан фойдаланишда албатта Исломдаги бошқарув тури ҳақида ўйлаш зарур. Масалан, халифаликка лойиқ бўлган кишиларнинг номзодини Уммат вакиллари томонидан белгиланиб, улардан бошқаларни номзодликдан қайтарилади. Кейин халқ фақат ўша номзодлардан хоҳлаганини сайлашга имкон яратилади ва мусулмонларга халифа бўлишига мусулмонлардан кўпчилиги розилик берган кимсага байъат қилишни халқдан сўралади. Тўғри, байъат бу халифа сайлашнинг тариқати, услуби эмас. Лекин байъатни бажариш усули бу услубдир. Услуб бошқа ишларга фойдаси тегиши мумкин. Лекин, янги ишга манфаат келтиришга кифоя қилмайди. Ишни амалга ошириш учун услуб белгиланаётган пайтда ишнинг тури хусусида фикрлаш зарур.

Услуб ишни бажариш учун белгиланадиган муайян кайфиятдир ва у вақтинчалик ҳисобланади. Тариқат эса аксинча, ишни бажариш учун белгиланган доимий усулдир. Тариқат мутлақо ўзгармайди ва у уни бажарадиган ижодкор ақлияга муҳтож ҳам эмас. Негаки у аниқ ишонилган нарса бўлиб, ўзи ҳам, асли ҳам ишончлидир. Аммо услуб ишни бажариш учун ишлатилган пайтда, баъзан чиппакка чиқади, баъзан ўзгариб кетади-да, ижодкор ақлияга эҳтиёж туғилади. Бундан чиқди услублар ҳақида фикрлаш тариқатлар ҳақида фикрлашдан кўра олийроқдир. Тариқатни ижодкор ақл

келтириб чиқарса-да, лекин уни кўпинча оддий ақл ҳам ишлата олади. Аммо услуб ишлатиш оддий ақл билан ҳам ҳосил бўлса-да, лекин унга етиб бориш учун ижодкор ақлга муҳтожлик мавжуд.

Тариқатни ижодкор ақл келтириб чиқариши зарур эмас. Аммо услубни – таълим олувчими ёки таълим олувчи эмасми, бари-бир – ижодкор ақл келтириб чиқариши зарур. Чунки услубга эришиш илм ва маърифатга эмас, балки фикрий амалиётга боғлиқ. Шу боисдан, муаммолар ечимини топишда инсонлар бир-бирларидан фаркланадилар. Чунки уларни услублар билан ҳал қиладилар. Баъзан шахс маълум бир муаммони ҳал этишга уринадию, муаммо унга бўйсунмайди ва шахс ундан ўзини олиб қочади ёки уни ҳал этишдан ожизлигини айтади ёки у ҳал бўлмайдиган муаммо деб ўйлайди. Лекин муаммоларни ҳал эта оладиган кимса бўлса, бирор муаммони муолажа қилишга киришганда муаммо унга бўйсунмаса, ишлатаётган услубни ўзгартириб кўради ёки бир неча услубларни қўллайди, шунда ҳам бўйсунмаса, у ноумидликка ҳам тушмайди, муаммони маълум вақтга ташлаб қўяди, кейин бу ишга бошқатдан киришади ва ниҳоят ечимини топади. Шунинг учун ақли бор киши учун ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо йўқ, балки ҳар бир муаммонинг ечими топилади. Бундай бўйсунмас муаммони ечадиган услубларни вужудга келтиришда ўз кучига таянади. Услублар ҳақида фикрлаш янгилик яратувчиларнинг ўзига хос хусусиятларидан. Зеро, муаммоларни ҳал қилиш услублар ҳақида фикрлашга боғлиқ.

### **Воситалар**

Аммо воситалар ҳақида фикрлаш ҳам услублар ҳақида фикрлашга ўхшаш бўлиб, бу амалларни бажариш учун ишлатиладиган моддий қуроллар ҳақида фикрлашдир. Агар услублар ҳақида фикрлаш муаммоларни ҳал қиладиган нарса бўлсаю, лекин ҳал этишга олиб бормайдиган воситалар ишлатилса, бу услубларнинг ҳеч қандай кадр-қиймати йўқ. Аммо воситаларни тушуниш воситани тажрибадан ўтказиш, уни билиш аҳамиятли омил. Шунинг учун услублар ҳақида фикрловчи киши воситалар ҳақида ўйловчи бўлиши зарур. Акс ҳолда услубларни ишлатишга фойдасиз воситалар ишлатилса, ҳеч қандай наф бермайди. Айниқса услубларни ҳосил қилишда воситалар асосий омил бўлса. Масалан, душман билан уруш қилиш режасини тузиш, бу гарчи режа бўлса ҳам, услубдир. Агар режа юз карра тўғри бўлса-да, душманнинг қуролига бас келадиган қурол ишлатилмаса, курашчилар қаттиқ жанг қилаётган бўлсалар ҳам режа муваффақиятсиз чиқиши муқаррар. Демак, урушга танлаб олинган режа услуб бўлса, кишилардаги қуроллар шу услубни амалга ошириш учун воситадир.

Агар услублар ҳақида фикрлаш вақтида воситалар ҳақида ҳам фикрланмаса ёки воситалар мана шу услубни амалга ошириш туридан бўлмаса, услублар ҳақидаги фикрлашнинг ҳам, фикрлаб кўрилган услубларнинг ҳам ҳеч қандай кадр-қиймати бўлмайди. Чунки услублар ҳақида фикрланаётган чоғда воситалар ҳақида ҳам фикрланса ва воситалар ушбу услубда ишлатиладиган туридан бўлсагина услублар самара беради. Шунга кўра, воситалар услублардан ташқарида бўлмаслиги керак ҳамда воситалар услубларнинг воситасида жорий этилиши лозим.

Баъзан услублар фикрловчига қоронғи бўлиши мумкин. Бунинг боиси шундаки, услубларни яхши аниқлагунча фикрлашнинг ўзи кифоя. Аммо воситаларни то тўғрилиги ё нотўғрилиги ҳамда услубнинг турига яроқли ёки яроқсизлигини аниқлаш учун уни албатта синаб кўриш зарур. Масалан, саноатга эга бўлмаган давлатлар саноатга эга давлатлардан қурол-аслаҳа сотиб олишни йўлга қўйса ва саноатга эга давлатларнинг мутахассисларини билими орқали ўз аскарларига мана шу қуролларни қандай ишлатиш таълимини ўргатса, аммо бу қуролларни синовдан ўтказиб, қўшиннинг таълим олиш маҳоратини текширмаган бўлса, бу давлатлар ҳар қандай режа тузмасин, унга мос келадиган воситаларни танлай билмаган ҳисобланади. Тўғри, бу давлатлар ҳарбий давлатлардан ва саноатга эга давлатлардан ҳарбий таълимни ўрганди. Лекин ҳарбий таълим, режа тузиш ва шунга ўхшаш ҳарбий фанлар услуб ҳисобланиб, унга фикрлашнинг ўзи кифоя. Аммо воситаларга фикрлаш етарли эмас, балки фикрлаш билан бирга синовдан ўтказиш ҳам зарур, токи воситаларга ҳам фикрлаш жорий бўлсин.

Масалан, маълум бир мафкура асосида уюшма ёки ҳизб ташкил қилиб, мана шу мафқурани халқга ёки умматга тарқатиш ёки бошқарувни қўлга олишни режалаштириш шу мафқурани амалга ошириш учун бир тариқатдир. Бу уюшма ёки ҳизб ўз доираларида ёки жамиятда обрўга эга кишиларни ҳизбга аъзо қилса, бу уюшма ёки ҳизб ўз ғоясини амалга оширишда муваффақият қозонолмайди. Агар у уламолар билан мафқурани ёйишда муваффақиятга эришса-да, улар орқали ҳукми қўлга олишга муваффақ бўлолмайди. Агар у обрўли шахслар орқали ҳукми қўлга оلسа, ҳукм асло мафкура асосида барпо бўлмайди ва мафкура ёйилмайди. Ҳизбнинг аксар аъзоси иккала тоифадан ёки шу икки тоифанинг биридан ташкил топса, улар тез орада ҳизбнинг умрини қисқартиради. Ғоясига етиб бориши чиппақка чиқиб, ҳизб адашиш йўлига тушиб қолади ва охири йўқолади. Чунки бундай воситалар ҳақида, яъни бу турдаги шахслар ҳақида фикрлаш фақат ақл орқали келиб чиққан ва

тажриба йўлидан борилмаган. Лекин ҳизбларни ташкил қилишдаги тарих ҳақиқатларини олинса, восита ақл орқали ҳам, тажриба орқали ҳам жорий этилган бўлади. Бу масалада тарих ҳақиқатларини омил ва воситаларнинг шу тарих ҳақиқатларига мувофиқ ишлатиш, услублар турида синаб кўриш ҳам самарали фикрлаш ҳисобланади. Тарих ҳақиқатлари мафқурани ёйиш учун барпо бўлган ҳамда ҳукми шу мафқурани амалга ошириш йўлини тутган уюшмага халқни ёки умматни мўлжаллаган, шу мафқурани қабул қилган ва илмий даражаси ёки обрўсидан қатъий назар, уюшмага шахс сифатида кирмоқчи бўлган кишилар бўлиши керак. Шугина ҳизб ё уюшманинг муваффақиятини ва кўзлаган ғоясини амалга оширишни кафолатлайди.

Шунга кўра, агар воситалар тўғрисида шу воситалар орқали ижро қилинадиган услублардан айри ҳолда фикрланса, баъзан барбод бўлади ва баъзан адашилади ҳамда воситаларни тажрибадан ўтказилмаса кўпинча хато қилинади. Шунинг учун услублар ҳақида фикрлаш чоғида воситалар тўғрисида ҳам фикрланиши зарур ҳамда токи воситаларнинг ютуғи кафолатланиб, мақсад амалга ошиши, яъни воситалар самара бериши учун албатта мана шу воситаларнинг тажрибаси уларни фикрлаш билан бирга жорий этилиши лозим.

### **Ғоялар ва мақсадлар ҳақида тушунча**

Аммо ғоялар ва мақсадлар ҳақида фикрлаш бу аввало ирода қилинган нарсани белгилаш демакдир. Бу борада самарали фикрлашга эришиш учун кўзланган ғояни белгилаб олиш жуда зарур. Кўзланган нарсани белгилаш осон иш эмас. Ҳалокатга юз тутган уммат ва халқлар мақсад қилинадиган нарсани билмайди. Тубан фикрловчи шахслар ва ҳатто юқори даражадаги фикрловчи кишилар ҳам ирода қилган нарсаларини белгилашмайди. Аммо халқлар ва умматлар эса, жамоага мойиллик ғаризаси кўзга яққол ташланадиган шаклда бўлиб, бу хусусда улар тақлид қилишга маҳкумдирлар ва улар фикрларни текшириб кўрмайдилар. Шунинг учун уларда чалғитувчи фикрлар, нотўғри маълумотлар бўлади ҳамда ғояни белгиламасдан олдинга интилишади. Аммо шахслар мақсад мавжуд бўлмаганлигидан ғоя ва мақсадларга эътиборсиз қарашади. Шунинг учун фикрлашда ғоясиз йўлдан юрадилар-да, натижада самарасиз фикр келиб чиқади ва белгиланмаган ғоя сари қадам кўйишади. Ҳолбуки ғоя ва мақсадларни белгилаш фикрлашнинг самарали қилиш учун жуда зарур. Чунки фикрлаш ёхуд ҳаракат қилиш муайян ғоя мақсадида вужудга келади. Шу боисдан, ҳар бир инсонни фикрловчилигини, аммо мақсадларни амалга оширишга қодир эмаслигини кўрамыз.



Ғоя ва мақсадлар инсонларнинг ҳар хиллигига кўра ҳар хил бўлади. Таназзулга юз тутган умматнинг ғояси уйғониш, тараққий этган умматнинг ғояси эҳтиёжларни қондириш бўлади. Содда халқнинг ғояси ўзидаги бор шароитларни сақлаб қолиш бўлса, тараққий этган халқнинг ғояси ҳолатини янада яхшилаш ва ўзгартиришдир. Тубан фикрловчи шахснинг ғояси нафси қондириш, фикрлаши юксак халқнинг ғояси ўзидаги талабни чиройли қилиб қондиришдир. Шунга ўхшаш ғоя ва мақсадлар инсонларнинг ҳар хиллиги ҳамда фикрлаш даражаларига қараб турли хил бўлади. Бироқ халқлар ва шахслардаги ғоялар, мақсадлар қандай бўлса-да, мақсадларни рўёбга чиқаришда сабр қилиш ва уларга жиддий интилиш яқин (осон қўлга киритиладиган) мақсадларда бўлади. Очликни қондириш осон. Шунинг учун очликка сабр қилиш тафовутли бўлса-да, ҳар бир инсонда мавжуд. Ейиш учун ёки оилани едириш учун ҳаракат қилиш ҳамма одамларда бор. Аммо уйғонишинг ёки халқнинг уйғотиш учун ҳаракат қилсанг ёки ўзинг ва умматинг даражасини кўтаришга интилсанг, бу ишларни амалга ошириш учун сабр керак бўлади. Бу ҳар бир инсоннинг қўлидан келавермайди. Бу йўлга қадам қўйганигда баъзан қийинчиликка сабрсиз бўлганидан ғояни рўёбга чиқаришдан ожизлик қилиб қўясан. Баъзан ҳаракатни бошлайсану, аммо интилишинг жиддий бўлмайди, аммо ҳали сабринг тугамасидан олдин ғояни амалга оширмайсан. Улкан ғояларни рўёбга чиқариш аввало жиддийликни, сабр ва тўхтовсиз интилишни тақозо этади.

Шахслар сабр қилишда жамоалардан, яъни халқдан ва умматдан кўра кўпроқ қодир бўладилар. Чунки нарсани кўра билиш уларда жамоадан кўра кучлироқ. Чунки инсонларнинг тўпланиши улардаги фикрларни заифлаштиради ва кўра билишлари ожизлашади. Шунинг учун бир кишининг кўра билиши икки кишининг кўра билишидан қувватлидир, сон қанча кўпайса, кўра-билиш шунчалик сусаяди. Шу боисдан, халқларнинг олдига улкан ғояларни қўйиш дуруст эмас, чунки улар улкан ғояларни амалга ошириш йўлида юришолмайди, юрсалар ҳам жиддий киришмайдилар, ҳамда ғояга етиб боролмайдилар. Шу жиҳатдан халқлар учун ғоя белгилашда – гарчи бу босқичма-босқич олиб борилгани каби яқин ғояларни белгилашга олиб борса ҳам – рўёбга чиқариш мумкин бўлган ғоя белгиланиши лозим. Токи, бу ғоя қўлга киритилганидан кейин иккинчи ғоя сари интилишади ва ҳоказо. Чунки шахсдан караганда жамоа мумкин ишларнинг яқинроғини кўради, катта мусибатларни қийинроқ кўтаради. Халқлар ақлан мумкин бўлган нарсани ўзига ғоя қилиб олишга қодир эмас, балки амалда мумкин бўлган нарсани

кўра билиши ва уни амалга оширишга ҳаракат қилиши мумкин. Аммо шахслар умумий шаклда ақлан мумкин нарса амалда ҳам мумкин бўлишини кўра билишга қодир ва узоқни кўра оладилар. Улар машаққатларга кўпроқ сабрли, мусибатларни кўтаришга чидамлидирлар.

Аммо ғоя ва мақсадлар – умматлар, халқлар ё шахслар учун бўладими фарқсиз – уларни амалга ошириш учун авлодларга башарият тоқатидан ортиқча кучга ва воситаларга муҳтож бўлиши дуруст эмас. Аксинча амалга оширишга ҳаракат қилаётган авлод амалга ошира оладиган ғоя бўлиши ва инсон оддий ҳаракат билан амалга ошириш мумкин ҳамда унинг воситалари мавжуд ёки пайдо қилиш мумкин ғоя бўлиши зарур. Чунки ғоя унга интилувчи ҳаракат қиладиган мақсад бўлиб, интилувчи уни амалга оширолмаслигига ишонса, ҳаракат қилмайди. Агар ҳаракат қилишни истаса ҳам амалга оширишда фойдаланадиган воситаларга муҳтож бўлади, агар ҳаракат қиладиган восита бўлмаса, уринмайди. У кучи етганича ҳаракат қилади. Агар кучи етмаса, мутлақо интилмайди. Чунки инсонга тоқатидан ортиқча нарса юкланмайди, чунки у бунга қодир эмас. Шунинг учун ғоялар ҳарчанд улкан бўлмасин, ҳаракат қилувчи ўз кучи ва мавжуд воситалар билан амалга ошириши мумкин.

Фикрлашдан кўзланган ғоя ҳам, амал қилишдан кўзланган ғоя ҳам белгиланиши лозим ҳамда у ақлга мувофиқ, рўёбга чиқадиган ғоя бўлмоғи керак. Акс холда у ғоялигини йўқотади. Модомики, шахсларда фикрлашлари ва амаллари учун бирор ғоя зарур экан, халқлар ва умматлар учун ҳам ғоя ёки бир неча ғоя бўлиши керак. Аммо халқлар ва умматларнинг ғояси улкан эмас, аниқ бўлиши лозим. Ғоя қанчалик аниқ ва қанчалик тез рўёбга чиқса, шунчалик чиройли самара беради ва фикрлашга ҳам, амал қилишга ҳам кўпроқ имконият туғилади. Тўғри, халқлар ва умматларнинг ўз олдларига мақсад қўйишларини тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо мана шу халқлар ва умматларнинг ўртасида фикрлар ёйилади ва мулоҳазалар олиниб, ақидалар қабул қилинади, натижада шу фикрлар уларнинг фикрларига, мулоҳазалар уларнинг мулоҳазаларига ва ақидалар уларнинг ақидаларига айланади. Шу қатори фикрлар, мулоҳаза ва ақидалар оқибатида ёки ҳаёт тажрибалари асносида ёхуд ўзларидаги мавжуд етишмовчилик ё эҳтиёжини қондириш натижасида бирдан ғоя ёдларига тушади. Шунда уларда етишмовчиликни қондириш ёки чиройли озуқаланиш истаги вужудга келади. Халқлар ва умматларнинг ҳаммалари тўпланган холда ғояларни белгилаб олишга қодир бўлмасалар-да, маълум ғоялари бўлади. Аммо уларнинг барча ғоялари амалда

рўёбга чиқиши мумкин.

Эътибордан четда қолмаслик зарур нарсалардан бири, бу ғоя билан олий мақсадларнинг ўртасини фарқлашдир. Олий мақсад бу ғояларнинг ғояси бўлиб, унга эришиш ва рўёбга чиқариш шарт. Олий мақсаднинг ўзи ҳам ғоя. У билан ғоя ўртасидаги фарқ шундан иборатки, ғояни бажаришдан аввал билиш, уни рўёбга чиқаришга тез киришиш ҳамда то рўёбга чиққунича ғайрат қилиш зарур. Аммо олий мақсад эса, фикрлаш ва ишлар асносида фақат мулоҳаза қилинади ва фикрлару ишлар унга йўналтирилади. Масалан, Аллоҳнинг розилиги мусулмонлар учун олий мақсад. Баъзан айрим мусулмонлар жаннатга киришни олий мақсад қилади, баъзилар дўзахга тушишдан сақланишни олий мақсад деб билади. Лекин бу икки масала ғояларнинг ғояси бўлса-да, аммо олий мақсад деб аталмайди. Улар ўзларидан олдинги ғояларга ғоя бўлса-да, улардан кейин ҳам ғоя мавжуд. Олий мақсад эса ғояларнинг ғояси бўлса ҳам ундан кейин ғоя мавжуд эмас. Ўзидан кейин ғоя бўлмайдиган ғояларнинг ғояси – Аллоҳнинг розилигига эришиш. Шу боисдан мусулмон учун олий мақсад Аллоҳнинг розилигидир. Гуноҳдан пок тақволи кишилардан бири ҳақида шундай дейишган:

«نَعَمَ الْعَبْدُ صُهَيْبٌ لَوْ لَمْ يَخْفِ اللَّهَ لَمْ يَعْصِهِ»

**«Суҳайб қандай яхши банда! Аллоҳдан қўрқмаганда тақдирда ҳам, унга осийлик қилмас эди»,** яъни Суҳайбнинг гуноҳ қилмаслигидан мақсад, гуноҳ учун Аллоҳ уни азоблашидан хавфсираш эмас, балки Аллоҳнинг розилигига етишишдир. Агар унда Аллоҳдан қўрқув бўлмаганида ҳам, у гуноҳга қўл урмасди. Чунки гуноҳга қадам қўймаганлиги бу Аллоҳнинг розилигини талаб қилишдир, азобидан хавфсираш эмас. Демак, олий мақсад мусулмонларнинг наздида жаннатга кириш ва дўзахга тушишдан қўрқиш эмас, балки Аллоҳнинг розилигидир.

Олий мақсад ғояларнинг ғояси бўлса-да ғоядан бошқа нарса. Фикрлаш ва ҳаракат қилиш ҳақида «фикрлашда ғоя белгиланиши зарур» деган сўзларда олий мақсад кўзда тутилмаган, балки ортидан бошқа ғоя келса-да, амалда рўёбга чиқадиган ғоя мақсад қилинган. Ғоя белгиланган бўлиши келгуси авлодлар қўли билан эмас, унга ҳаракат қилаётган шахснинг қўли билан рўёбга чиқиши ва унинг воситалари қулай бўлиши зарур. Демак, у олий мақсад эмас, балки рўёбга чиқариш мўлжалланган мақсаддир. Шунинг учун ҳам ғоя ҳақида ўйлаш, амалий фикрлаш бўлиши ҳамда ҳаракат қилаётган шахслар қўлида рўёбга чиқиши шарт.

Бу ўринда бир савол туғилиши мумкин, яъни умматларнинг умри бир асрга эмас, бир неча асрга қиёслаб ўлчанади. Умматнинг

келажаги келгуси авлодлар амалга оширадиган даражада узок муддатгача белгиланиши лозим. Шундай экан, қандай қилиб ғояни унга ҳаракат қилаётган шахсларнинг ўзлари амалга оширишлари зарур дейиш мумкин?

Бунга жавоб шуки, умматларнинг умри асрларга киёс қилинмайди ва айримлар ўйлашича бир неча юз йиллар билан ҳам ўлчанмайди. Замондан бирор ўн йилликда уммат ўзгаради ва бир ҳолатдан бошқа ҳолатга кўчади. Амалий мафкура бир умматга берилиши ва ҳар қанча қаршилиқ бўлмасин умматнинг бир авлоди жиддий фикрлаш ҳамда жиддий амал қилиш шарти билан унга боғланиши мумкин. Уммат бир неча юз йилликка ҳам, асрларга ҳам муҳтож бўлмайди, балки уммат ўн йилликда бирор самарага эришиш учун бирор мафкурага ва бирор ҳаракатга муҳтож. Чунки бир ўн йилликда уммат ўзгаради. Агар у душманга бўйсунган уммат бўлса, ўн йилликдан кўпроқ вақт керак, аммо курашиш билан уч ўн йилликдан зиёд вақтга муҳтож. Шунинг учун умматлардаги ҳаракат ёки иш ёки мафкура улардан кейин келадиган авлодлар қўли билан эмас, мана шу мафкура ёки ишни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилаётган инсонлар қўли билан самара бермоғи зарур. Демак, ғоя ҳаракат қилувчилар рўёбга чиқарадиган нарсанинг туридан бўлиши лозим. Бу ғоя ҳақида фикрлашнинг шарти. Агар ҳаракат қилувчилар ўзлари рўёбга чиқармасалар бу нарса ғоя бўлмайди.

Аммо халқлар ва умматлар амалга оширадиган лойиҳалар ҳақида айтиладиган бу турдаги фикрлар ғоя эмас ва ҳатто белгиланган мақсадлар ҳам эмас, балки фараз йўлида чизиб берилган кенг кўламли умумий фикрлардир. Фақат ғоянинг ўзи ҳаракат қилувчилар рўёбга чиқарадиган ишдир. Мана шу ғоя ва ғоя ҳақида фикрлашдир. Бундан бошқа нарсалар ғоялар тўғрисида фикрлаш эмас, фараз ва назарияларнинг ўзгинасидир.

### **Фикрлаш турлари**

Фикрлаш юзаки, чуқур ёки ёрқин бўлади. Юзаки фикрлаш омманинг фикрлашидир. Чуқур фикрлаш олимларга хос. Ёрқин фикрлаш эса кўпинча етакчиларнинг ва зиёли олимларнинг фикрлашидир. Юзаки фикрлаш бу воқеликни бошқа воқеликни изламасдан мияга кўчириш ҳамда бу сезгини унга тааллуқли маълумотларга боғлаш бўлиб, бошқа маълумотларни излашга ҳаракат қилмаслик, кейин юзаки хулосани чиқаришдир.

Юзаки фикрлаш халқлар ва умматлар учун офат бўлиб, уларнинг уйғонишлари, гоҳо тинч яшасалар-да аммо фаровон ҳаёт кечиришлари мумкин эмас. Юзаки фикрлашнинг сабаби, сезишнинг ёки маълумотларнинг ёхуд инсон миясидаги боғлаш хусусиятининг

заифлигидир. Юзаки фикрлаш гарчи у дастлабки фикрлаш бўлса-да, табиий эмас. Инсонлар сезгининг кучли ва заифлиги, боғлашнинг қувватли ва ожизлигига қараб бир-биридан фарқ қилади. Шунингдек, улар эга бўлган маълумотларнинг – бу маълумотлар ўрганиш ёки ўқиш ёки ҳаётини тажриба орқали олинишидан қатъий назар – миқдори ёки тури ҳам бир хил бўлмайди. Аслида инсонлар оммаси мияда ҳам, боғлаш хусусиятида ҳам кучли бўладилар, фақат озчилиги заиф яратилган ёки уларга заифлик ўрнашиб қолган. Аслида инсонлар оммасида, ҳатто улар оми бўлсалар ҳам маълумотлари кунма-кун янгиланиб туради. Ғайриинсоний бўлганлар ҳеч нарсани кўра билмайдилар ва ўрганган ёки ўқиган маълумотларига ҳеч қандай аҳамият бермайдилар. Шунинг учун ҳам юзаки фикрлаш табиий эмас, балки ғайритабиий, ғайриинсонийдир. Бироқ шахслар юзаки фикрлашни оддий ҳисоблаб, унга одатланиб қолишлари ва унинг натижаларига рози бўлишлари, натижада шундай фикрлашда давом этадиган ва ундан завқланиб яшайдиган бўлиб қоладилар. Жамоалар бўлинганликлари боис, фикрлашга куч-қувватсиз бўлганликларидан, ҳатто янгилек яратувчи муфаккир жамоа бўлсалар ҳам уларда юзаки фикрлаш ғолиб келди. Шунинг учун юзаки фикрлаш ҳаётда ғолиб. Агар халқ ёки умматнинг маълум шахслари ўткир сезги ва боғлаш қуввати билан неъматланган бўлмаганларида, ҳаётда уйғониш вужудга келишини ҳам, моддий ривожланишни ҳам тасаввур қилиб бўлмас эди.

Жамоаларни юзаки фикрлашларини муолажа қилиб бўлмайди. Лекин ҳолатни ва воқеалар даражасини кўтариш мумкин ҳамда жамоаларни юқори фикрлаш билан ва тўла, яъни кўп маълумотлар билан озуқалаш орқали фикрлаш савияларини кўтариш мумкин, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам юзакиликча қолади. Яъни халқ ва уммат ёрқин фикрлашга интилиши мумкину, аммо фикрлашлари барибир юзаки бўлиб қолади. Жамоалар ҳар қанча юқори тараққиёт даражасига етмасин, чуқур фикрлашга ҳам, ёрқин фикрлашга ҳам кодир бўлолмайди. Чунки улар жамоа деган сифати билан чуқур изланиш ёки ёрқин фикрга эга бўлишга имкон тополмайдилар. Уларнинг фикрлаш даражасини кўтариш учун, жамоанинг фикрлашини муолажа қилишга ҳаракат қилинмайди, балки жамоанинг сезгиси тушадиган воқеликни ва воқеаларни тузатишга уринилади, шунда унга қўйилган фикр ва маълумотларни муолажа қилиш мумкин, лекин юзакилик йўқолмайди ва бу билан жамоанинг ҳаракат даражаси ҳам юқорилайди.

Аммо шахсларнинг юзаки фикрлашларини йўқотиш ёки пасайтириш, ё камёб қилиш мумкин. Бунинг учун аввало улардаги

мавжуд фикрлаш одатини олиб ташлаш лозим. Бу йўлда уларга таълим ёки сақофат бериш ҳамда ўзларининг юзаки ва тутуриқсиз фикрлашларига диққат эътиборларини қаратиш керак. Иккинчи, уларни атрофларидаги ва ўзларидаги тажрибаларни кўпайтириш, кўпгина воқеалар ичида яшашга ва сон-саноксиз, янги-янги, ўзгарувчан воқеаларни ҳис қилишга ўргатиш. Учинчи, уларни ҳаёт билан бирга яшаб ҳаёт билан тенгма-тенг қадам ташлашга ўргатиш. Мана шунда улар юзакиликни ташлайдилар ёки юзакилик уларни тарк қилади ва юзаки фикрламайдиган бўладилар. Ўшандай шахслар уммат ичида кўпайгани сайин уйғониш томон етаклаш шунчалик осон бўлади. Ўшандай шахслар уммат ичида яшасалар-да ҳамда мавжуд маълумотларни ўрганиб, мавжуд воқеликни ҳис қилсалар-да ўз замонларидан ўзиб кетолмайдилар ва ўз умматларидан орқада ҳам қолмайдилар. Аммо умматларидан ўзиб кетишга ва уларни бир ҳолатдан иккинчисига кўчиришга қодир бўладилар. Чунки улар илғор ҳаётнинг воқеаларини илғор тасаввур қиладилар. Бунинг йўли тўғри фикрларни ва соғлом мулоҳазаларни қабул қилиш, қатъий фикрларга эътиқод қилиш ва ҳар хил мулоҳазаларни ажрата билиб, мулоҳазаларнинг воқелигини кўра олиш билан амалга ошади. Шунда уларда фикран ҳис этиш, яъни маърифат ва идрокдан келиб чиққан сезги пайдо бўлади, ҳис этиш мантиқи, яъни фақат ҳис этишдан келиб чиққан тушунча юзага келади. Улар бошқа инсонлардек ҳиссиёт аъзоларига эга бўлсалар-да ва уларда ҳам барча инсонлардагидек мия бўлса-да, аммо мияларидаги мавжуд боғлаш хусусиятларининг кучлилиги билан бошқалардан ажралиб турадилар. Улар ўзлари сезгини собик маълумотларга тўғри боғлашга аҳамият берганлари боис, кўп ишларни яхши идрок этадилар. Натижада уларда фикран ҳис этиш вужудга келади ва бу билан ҳис этиш мантиқи юқорилайди. Шунинг учун шахслар юзакиликни тарк қилишда жамоалардан кўра қудратлироқдир. Албатта қудратларининг кадр-қиймати фақат жамоаларнинг уларни табанний қилишларига боғлиқ.

Юзакиликни муолажа қилиш, шахсларни муолажа қилиш ҳамда Уммат аҳволини янгилаш, Умматга юксак фикрларни бериш, уларни осонгина қабул қиладиган қилиш билан бир қаторда, Умматни олдига кўйилган фикрларни қабул қиладиган қилиш иши мана шудир. Биз шуни табанний қилганмиз. Умматдаги юзакиликни йўқотишга уриниш, агар шахслар муолажаси билан бирга қилинмаса, ҳеч қандай самара бермайди. Шахсларнинг муолажаси Умматнинг ўзидаги юзакиликни йўқотиш билан бирга олиб борилмас экан, фойдасиздир. Чунки шахслар Умматнинг бир қисмидир. Уммат ҳаётдаги муайян тариқат боғлаб турадиган

инсонлар мажмуасидан таркиб топган. Халқ битта аслдан пайдо бўлиб, бирга яшайдиган инсонлар мажмуасидир. Шунинг учун юзаки фикрлашни тарк қилиш ҳам, шахслар ва умматлардаги ҳаракат ҳам бир вақтда амалга оширилиши зарур. Токи, юзакиликни бутунлай йўқотиш мумкин бўлсин.

Чуқур фикрга келсак, у воқеликни тушуниш учун фикрлашга, воқеликни ҳис қилишга ва ҳисга боғланган маълумотларга чуқур киришдир. Бунда худди юзаки фикрлашда бўлганидек ёлғиз ҳис этишнинг ўзи, сезгини боғлаш учун биринчи маълумотларнинг ўзи кифоя қилмайди. Балки воқелик қайта ҳис этилади, тажриба ёки қайта сезиш орқали ҳис этилганидан кўпроқ ҳис қилинади, аввалги маълумотлар билан ва бошқа маълумотлар қайта изланади ҳамда маълумотларни жорий қилган боғланишдан кўпроқ боғланади. Шу тарзда ҳис этиш ва боғлашдан ёки шундай турдаги маълумотлардан, чуқур фикрлар юзага келади. Яъни такрорлаш орқали чуқур фикрлаш пайдо бўлади. Чуқур фикрлаш аввалги маълумотларга ва аввалги боғлашларга кифояланмасликдир. У юзаки фикрлашдан кейинги иккинчи қадамдир. Гарчи таълим олувчиларнинг фикрлаши чуқур бўлиши учун зарурат бўлмаса-да, чуқур фикрлаш олим ва муфаккирларнинг фикрлашидир. Демак, чуқур фикрлаш ҳис қилиш, маълумотлар ва боғлашга чуқур кириш демакдир.

Аммо ёрқин фикрлаш, бу чуқур фикрлашнинг ўзи бўлиб, унга тўғри натижага етиш учун воқелик атрофидаги ва воқеликка боғлиқ нарсалар ҳақида фикрлаш ҳам кўшилади. Чуқур фикрлаш фикрга чўмишнинг ўзи, лекин ёрқин фикрлаш чуқур фикрлаш бўлишига кўшимча кўзланган ғоя, яъни тўғри натижаларга эришиш мақсадида воқеликни атрофдаги ва унга алоқадор нарсалар ҳақида фикрлаш ҳамдир. Шунинг учун ҳар бир ёрқин фикр, чуқур фикр бўлади ва юзаки фикрлардан ёрқин фикр келиб чиқмайди. Бироқ ҳар бир чуқур фикр ёрқин фикр бўлмайди. Масалан, физик олим атомни парчалаш ҳақида изланаётган вақтда ҳамда кимёгар нарсаларнинг таркиби ҳақида бош қотираётганида ва қонуншунос аҳкомларни истинбот қилиш, қонун белгилаш ҳақида изланаётган чоғида улар чуқур изланадилар, бусиз самарали натижаларга эриша олмайдилар. Лекин улар ёрқин фикрловчи эмас ва уларнинг фикрлаши ёрқин фикрлаш дейилмайди. Шунинг учун физик ёғочга, яъни хочга чўкинаётганини кўриб ажабланманг, ҳолбуки озгина ёрқинликнинг ўзи ёғоч ҳеч қандай фойда бермаслигини ва у ибодат қилинадиган нарса эмаслигини кўрсатиб турибди. Муқаддас кишиларнинг борлигига ишониб, ўз гуноҳларини мағфират қилиш учун ўзига ўхшаган бир кишига топшириб кўйишини кўрсангиз ҳам таажубланманг. Чунки қонуншунос, физик ва бошқа олимлар ҳам

ёркин фикрламайдилар, чукур фикрлайдилар. Агар ёркин фикрлаганларида эди, ёғочга сиғинмаган ва муқаддас кишиларнинг борлигига ишониб, ўзларига ўхшаган одамлардан мағфират сўрамас эдилар. Тўғри, чукур фикрловчи муфаккир фақат муайян нарса хусусида чукур фикрлайди. У атомни парчалашни ва қонун чиқаришни ўйлаётган чоғида чукур фикрловчи бўлади. Лекин бошқа нарсани ўйлаётганида тутуриқсиз фикр юритади. Аммо у чукур фикрлашга одатланса, кўпгина нарсада, айниқса, асосий муаммода ёки ҳаётдаги нуқтаи назарда ҳам чукур фикрловчига айланиши мумкин, лекин фикрлашда ёркинлик бўлмагани учун, чукур фикрлашга ва юзаки фикрлашга, ҳатто тутуриқсиз фикрлашга одатланиб қолади. Шунинг учун фақат чукур фикрлашнинг ўзи инсонни уйғотишга ва фикрий савиясини кўтаришга кифоя қилмайди, албатта фикрда ёркинлик бўлиши зарур.

Ёркинлик, гарчи ҳуқуқ, таъобат ва бошқа тажрибавий фанларда тўғри натижаларга эришиш учун керак бўлмаса-да, лекин фикрнинг савиясини кўтариш ва фикрлаш орқали муфаккирлар етишиб чиқиши учун зарур. Шунинг учун уммат тажрибавий фанларда қонуншунослар, табибу инженерларнинг етишиб чиқиши оқибатида уйғониши мумкин эмас. Балки умматдаги фикрлашда ёркинлик вужудга келса, яъни ёркин фикрловчи муфаккирлар бўлса уйғонади.

Фикрлашдаги ёркинлик таълим бўлишини тақозо қилмайди, яъни ёркин фикрловчи муфаккирлар таълим олишлари зарур эмас. Ахир ўркак туядан, из юриб ўтувчидан далолат беради, деган саҳройи одам ҳам, «эхтиёт бўлиш тақдирдан, сабр қилиш зафар сабабларидан қутқармайди», деган гапни айтган киши ҳам ёркин фикрловчидир. Аммо: Халифа ўлди, хой сақолан (Христиан фалсафасидаги инсон ва иблиснинг номи) огоҳ бўл бунда гўё очиб юбордим рўзамни рўза кунида, деган шоир гарчи фақиҳ, мутааллим бўлса ҳам ёркин фикрловчи эмас. «Ҳамда ҳикматнинг боши, Аллоҳдан кўрқиш», деган ҳақим ҳам ёркин фикрловчи эмас. Чунки ҳикматнинг боши Аллоҳнинг борлигини идрок қилишдир, Аллоҳдан кўрқиш эмас. Демак, ёркин фикрлаш илмга, ҳикматга муҳтож эмас, балки чукур фикрлашга ва тўғри натижага эришиш мақсадида нарсанинг атрофидаги нарсаларда фикрлаш мавжудлигига муҳтож. Шунинг учун ёркин фикрловчи киши гоҳо ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайдиган оми бўлиши мумкин, гоҳо таълим олувчи ё олим бўлиши ҳам мумкин. Ёркин фикрловчи киши фикрлаш пайтида ўзида ёркин фикрлаш мавжуд бўлсагина ёркин фикрни пайдо қила олади. Демак, сиёсатчи ва етакчи ёркин фикрловчи бўлиши мумкин, аммо ҳар иккаласи ҳам фикрлаш ёркин



бўлиши учун, уларда ёрқин фикрлаш мавжудлигига муҳтож. Шунинг учун буюк етакчи ва буюк сиёсатчиларнинг ёғочга чўкинаётганини ҳамда ўзларидан паст одамлардан мағфират сўраётганини кўрсак ажабланмаймиз. Чунки уларнинг бундай фикрлашларида на чуқурлик ва на ёрқинлик бор, бу одат ёки тақлид фирибгарлик ва мунофиқликдан бошқа нарса эмас. Буларда ёрқин ва чуқур фикр нима қилсин. Ахир ёрқин фикрловчи киши фирибгарлик ва мунофиқликка ўтмайди, одат ва тақлидларга эргашмайди.

Фикрловчи юзаки, чуқур ёки ёрқин бўладими, ўз фикрлашида қатъий бўлиши зарур. Тўғри, юзаки фикрлаш қатъийликка ёрдам бермайди, лекин у беҳудалик ва одатийликдан йироқлиги боис қатъий бўлиши мумкин. Гарчи чуқур фикрлаш қатъийликка ундаса-да, жиддийликда чуқур фикрга муҳтож бўлинмайди ҳамда гарчи ёрқинлик қатъийликни тақозо қилса-да, ёрқинликка ҳам муҳтож эмас. Чунки қатъийлик фикрлаётган нарсанинг воқелигини яхши тасаввур қилиш билан бирга, мақсадни ва шу мақсадни рўёбга чиқаришга бўлган ҳаракатнинг мавжуд бўлишидир. Хатарни фикрлаш хатар ҳақида изланиш эмас, балки хатардан сақланишдир, ейиш тўғрисида фикрлаш емоқ ҳақида изланиш эмас балки, ейишга эришишни фикрлашдир, ўйнамоқ тўғрисида фикрлаш ҳам ўйнамоқ ҳақида изланиш эмас балки, ўйнаш мақсадида фикрлашдир. Тозалик тўғрисида фикрлаш эса, тозалик ҳақида изланиш эмас, балки тозаликдан фойдаланишдир. Бирор мақсадсиз сайр қилиб юриш ҳам юриш ҳақида изланиш эмас, балки зерикиш ва малолни даф қилиш учун юриш тўғрисида фикрлашдир. Қонун белгилаш тўғрисида фикрлаш қонун ҳақида изланиш эмас, балки мана шу қонунни белгилаш мақсадида фикрлашдир. Шунга ўхшаш ҳар қандай фикрлаш, унинг тури қандай бўлмасин, бир нарса ёки уни қилиш ҳақида фикрлаш демакдир. Бир нарса ҳақида фикрлаш уни билиш мақсадида фикрлаш бўлиши керак ҳамда бир нарсани қилиш ҳақида фикрлаш уни амалга ошириш ҳақида бўлиши лозим. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳеч қандай беҳудалик аралашмаслиги ва бундай фикрлашда нарсани ёки уни қилишни фикрлаш одати ҳукмрон бўлмаслиги лозим. Агар беҳудалик ҳам, одатийлик ҳам узоқлаштирилса, жиддий фикрлаш вужудга келади. Шундай бўлса мақсадни амалга оширишга ҳаракат қилиш – гарчи муқаррар бўлмаса-да – енгил бўлади ҳамда кўзланаётган мақсаднинг воқелигини, яъни фикрланаётган нарсанинг воқелигини тасаввур қилиш осонгина эмас, балки тасаввур қилиш муқаррар бўлади.

### **Қатъият ва жиддийлик**

Шуларга кўра, қатъийлик чуқур фикрлашда ҳам, ёрқин

фикрлашда ҳам мавжуд бўлганидек, юзаки фикрлашда ҳам мавжуд. Аслида чуқур ва ёрқин фикрлашда қатъийлик ҳосил бўлса-да, лекин фикрлаш учун зарур эмас. Ҳатто кўплаб инсонларнинг кўплаб фикрлашлари қатъиятдан ҳоли. Улар ишларни одат туфайли бажаришади, фикрлашларидаги тутуриқсизлик яққол билиниб туради. Шунинг учун жиддийликни сунъий равишда яшаш ва мақсадни унга асос қилишга зарурат йўқ, ваҳоланки сунъий яшашнинг ўзи мақсад қилишдир. Бундан маълум бўладики, айрим одамларни табиатан жиддий деб ўйланса ҳам, жиддийлик табиий мавжуд эмас, дейиш мумкин.

Биз қатъият деганда, фақат унинг ўзини эмас, балки фикр қилинаётган нарсада бўлишини назарда тутганмиз. Агар юқори савияда қатъият бўлмаса, уни қатъийлик дейилмайди. Масалан, бир киши турмуш қуриш ҳақида ўйласа, бундан юзага келадиган нарсаларга аҳамият бермаса, у турмуш қуриш ҳақида фикрлашида жиддий ҳисобланмайди. Бир киши тижорат ҳақида ўйласаю, кейин қилган савдо-сотигидан кўрган даромадининг ҳаммасини сарф қилиб юборса, ўз ишида жиддий бўлмайди. Бир киши қози бўлишни ўйласа, кейин фақат қозилик мансабида хизмат қилиш учунгина ишласа, у ҳам қози бўлиш ҳақида жиддий фикрламаган бўлади, балки у шу вазифада хизматчи бўлишнинггина кўзлаган. Бир киши оиласини боқиш ҳақида фикрласаю, бозорда ялло қилиб юрса, у ҳам оиласини боқишни ўйламаган бўлади ва ҳоказо.

Жиддийлик қасд қилинган нарсани амалга ошириш учун ҳаракат қилишни тақозо этади. Агар инсон қасд қилган нарсани амалга ошириш учун, ҳатто интилмаса ёки мўлжалланмаган ишларни қилишга уринса, у фикрлашда жиддий одам ҳисобланмайди. Мен жиддий фикрлайман, дейишнинг ўзи жиддий бўлишга кифоя қилмайди, ҳолатларнинг, фикрий ё моддий ҳаракатларнинг ясамалиги жиддийликдан далолат бермайди. Бунинг учун албатта моддий ишларни бажариши, бу ишлар жиддий фикрлашга далолат қилмоғи лозим.

Инқирозга юз тутган уммат ва халқлар, дангаса ва танбал шахслар, ҳаракатлардан ўзини олиб қочган кишилар, уялиш, хавфсираш ёхуд бировга суяниб яшашдан қутулолмаган одамлар фикрлаётган нарсаларда жиддий эмас. Чунки инқироз йигит кишини осонликни, енгилликни хуш кўрадиган ва машаққатлардан ўзини олиб қочадиган қилиб қўяди. Танбаллик қатъийликнинг акси. Хатарлардан кўрқиш жиддийликдан буриб қўяди, уялиш, хавфсираш ва бировга суяниб яшаш эса жиддийликдан тўсади. Шунинг учун фикрни кўтариш, танбалликка барҳам бериш, тўсиқларни енгиллиги ишташ ва уялиш билан вожиб нарсаларни

ажрата билиш, шижоатли бўлиш ҳамда ўз-ўзига таянишни хислатга айлантириш зарур, токи шахсларда ҳам, халқ ва умматларда ҳам жиддийлик вужудга келсин. Чунки қатъият ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, уни сунъий равишда ҳосил қилинади.

Фикрлашдан мақсад фақат фикрни пайдо қилиш эмас, балки мана шу фикрдан бирор манфаат олиш кўзланиши лозим. Бинобарин, фикрлаш амал қилиш мақсадида бўлиши зарур. Олим ва муфаккирлардан чиқадиган фикрлар ҳамда жорий этиладиган маорифлар фақат эрмак учун эмас, балки ҳаётда амал қилиш учун зарур. Шунинг учун «илм фақат билим бўлгани учун талаб қилади», деган одам янглишади. Шунинг учун ҳам Юнон фалсафаси лаззатланадиган фикрлардан бошқа нарса эмаслиги учун уларнинг ҳеч қандай қадри йўқ, умуман фойдаланиб бўлмайдиган ҳар қандай илмнинг қиймати йўқ, илмни лаззатланиш учун олинмайди. Балки билим шу ҳаётда унга амал қилиш учун олинади. Шу боис, юнон файласуфларини ва уларга тақлид қилган олимларни фикрлашда жиддий дея олмаймиз. Шунингдек, балоғат илмларини фалсафа каби қилиб қўйган – балоғат илмида Саъднинг (Тафтазоний) хошиялари каби – кейинги даврлардаги мусулмон олимларини ҳам фикрлашида жиддий деёлмаймиз. Чунки бундай фикрлашдан ҳаёт учун ҳеч қандай фойда чиқмайди, уларда ўрганиш ва изланишда хузур қилишдан бошқа нарса мавжуд эмас. Тўғри, шоир ва адибларнинг фикрлашларидан ҳаётда фойдаланиб бўлмайди, аммо улардан фақат ишларни бажариш хусусида фойдаланиш мумкин. Уларнинг асар битишлари манфаатдир. Қасида, адабий ибораларни ўқиш билан лаззатланиш пайдо бўлади. Улар гарчи фикрлаш натижаси бўлса ҳам, ибораларга амал қилганлар. Шунинг учун уларни жиддий эмас, деб бўлмайди. Улар орасида жиддий ижодкорлар ҳам топилади. Фалсафада эса, бундан бошқача, чунки унда фикрлаш ҳақиқатга эришиш учун келгану, аммо келтирилган нарсаларида ҳақиқат йўқ. Фалсафа услубида ижод қилган балоғат (нотиклик) уламолари бундан ўзгача. Уларнинг фикрлари гаплашишда нутқни ўрганиш ва одамлар сўзлашув устаси бўлиши учун мўлжалланган, аммо ёзилган нарсалар ичида нутқнинг ўзи ҳам, нутққа алоқадор нарса ҳам мавжуд эмас ҳамда чиқариладиган натижалари бирор ғояга олиб бормайди, изланиш лаззатларига даъво қилишдан нарига ўтмайди. Чунки уларнинг натижалари изланиш лаззатини эмас, балки бошқа нарсани келтириб чиқаради. Худди шунинг учун ҳам фикрлашда жиддий эмасликларининг боиси ирода қилинган нарсаларига етолмаганликларида эмас, балки битишган нарсаларининг ўзи улар истаган натижага олиб бормаслигидадир. Агар фикрлашда жиддий бўлганларида эди мана

шундай фалсафани келтириб чиқармаган ва нутқ илмида бундай турни ўйлаб топишмаган бўлардилар. Чунки жиддийлик қасд қилишни тақозо этади, қасд орқали ғояга етиб борилади, улар эса фақат изланишдан бошқа нарсани мўлжаллашмади. Демак, улар фикрлашда жиддий эмас.

Фикрлашдаги жиддийлик фикр билан амалнинг ўртасидаги масофанинг қисқа ёки узун бўлишини тақозо этмайди. Чунки амал фикрнинг натижасидир. Баъзан одам ойга боришни фикр қилади, бундай фикрлаш билан унга етиб бориш ўртасидаги масофа узаяди. Баъзан овқат ейишни ўйлайди, бунда ҳам фикрлаш билан овқат ейиш ўртасидаги масофа узоқ бўлиши мумкин. Баъзан у умматини уйғотишни ўйлайди, бунда фикрлаш билан уйғониш ўртасидаги масофа қисқариши ҳам мумкин. Гап масофанинг узунлиги ёки қисқалиги ҳақида бораётгани йўқ, чунки фикрлаш билан амал ўртасидаги масофанинг қисқа ёки узун бўлишининг аҳамияти йўқ, у гоҳо қисқа, гоҳо узун бўлади. Муҳими, фикрловчининг ўзи пайдо қилганми ёки бошқа бировми, фикрлаш оқибатида амал вужудга келиши лозим. Демак, фикрлаш амални келтириб чиқариши керак. Шоир ва адибларникидек сўзлар бўладими ёки олимларнинг тажрибавий илмлари бўладими, сиёсат ва ҳарбий олимларникидек лойиҳалар бўладими ёки жанг қилиш, овқат ейиш, таълим олиш ва бошқа моддий амаллар бўладими, бунинг фарқи йўқ.

Шуларга кўра, фикрлаш натижани келтириб чиқариши учун натижа амалда ҳосил бўладими ёки самарасиз чиқадими, барибир, албатта жиддий бўлмоғи лозим. Қатъиятсиз фикрлаш беҳуда эрмак, ўйинга ёки бир хилда ҳаракатланадиган ғилдиракка айланиб, тақлид ва одат тусига кириб қолади. Бир қолипда фикрлаш инсонлар яшаётган ҳаётни роҳатли қилиб қўяди ва миялардан ўзгартириш мафқурасини узоқлаштириб юборади.

Ўзгартириш ҳақида фикрлаш жуда зарур. Чунки ҳаётнинг турғунлиги ва тақдирга бўйсунуши бу халқлар ва умматларни инкирозга учратувчи, воқеа ҳодисалар билан бирга парчалаб юбурувчи энг хатарли одатлардан бири. Шунинг учун ўзгартириш фикрлаш турларининг энг муҳим тури ҳисобланади. Ўзгартириш ҳақида фикрлашни ялқовлар ва танбаллар қабул қилишмайди, чунки унинг юки жуда оғир. Одатларга кўникиб қолган кишилар ўзгартириш ҳақида фикрлашни зарар деб, бир ҳолдан бошқа ҳолатга ўтказиб қўяди деб ўйлашади. Шунинг учун ҳам тубан ва танбал кишилар унга қарши курашадилар, консерватор-мутаассиблар, кишиларнинг ризқига ҳукмронлик қилувчилар унга қарши турадилар. Шу боисдан, ўзгартириш тўғрисида фикрлаш фикрловчи учун хатарли ва фикрлашнинг барча турлари ўртасида

энг кўп қаршиликка учрайдиган туридир.

Ўзгартириш тўғрисида фикрлаш шахсларнинг қалбларини, ҳолатларини ёки жамиятларини, халқлар ва умматларнинг шароитларини ўзгартириш ёхуд шунга ўхшаш ўзгартиришга муҳтож бўлган нарса нима бўлишидан қатъий назар, ўзгартириш инсонлар яшайдиган асосдан бошланиши, ҳеч қандай асоси йўқ бўлган ёки хато асосга эга жамиятлардан, нотўғри йўлдан бораётган шароитдан бошланиши лозим. Ҳаётни ушлаб турган мана шу асосгина уни юқори ёки паст, инсонни бахтли ёки бебахт қилади, ҳаётдаги нуқтаи назарни юзага келтиради ва мана шу нуқтаи назарга мувофиқ инсон ҳаёт майдонига кириб боради.

Аввало мана шу асос инсоннинг табиатига жавоб берадиган ақлий ақида бўлса, бундай ҳолатда ўзгартиришга эҳтиёж йўқ ва башариятнинг кўнглига ҳам, бирорта инсоннинг ақлига ҳам бу асосда ўзгартириш мафқураси кириб келмайди. Чунки ўзгартириш нарсалар соғлом, ишлар тўғри бўлмаган хато ақлда гавдаланиб, инсоннинг тириклик қуввати яққол кўриниб турган ҳолатларда вужудга келади. Агар ақл нарсанинг тўғрилиги ва ишларнинг раволигига қатъий равишда ишонган бўлса, ўзгартириш мафқураси батамом йўқолади. Шунинг учун ҳаётнинг асоси ақлий ақида бўлиб, инсоннинг фитрати билан мос келса, ўзгартириш ҳақида фикрлаш келиб чиқмайди. Аммо инсон яшаётган жамиятни ушлаб турган ва вазиятлар унга мувофиқ ҳаракат қилаётган асос асли мавжуд бўлмаса, ўзгартириш асосдан, яъни инсонлар эътиқод қилган ақидадан эмас, бошқа бирор нарсадан бошланса, ўзгартириш ҳақида фикрлаш беҳуда бўлади. Шунинг учун мусулмонлар инсон фитратига жавоб берадиган ақлий ақиданинг неъматига мушарраф бўлган нарса ақидасиз инсонларда ёки бор бўлса ҳам ақл ундан жирканадиган ва инсон табиатига мос келмайдиган бузук ақидага эга инсонларда ўзгартиришни пайдо қилмоқдан иборат. Шу жиҳатдан ҳатто жанг қилишга тўғри келса ҳам, инсон фитратига жавоб берадиган ақлий ақидага эга бўлмаган кофирлар билан жанг майдонида кураш олиб боришга тўғри келса ҳам уларга исломий даъватни етказиш фарз.

Ўзгартириш асосдан бошланмоғи лозим. Агар асос ўзгартирилса ва унинг ўрнини, тўғри асос эгалласа, шундагина жамиятлар ва шароитларни ўзгартириш ҳақида фикр юритилади. Жамият ва шароитни ўзгартириш ўлчовлар, тушунчалар ҳамда қаноатларни ўзгартириш билан бўлади. Бунинг боиси шундаки, агар тўғри асос вужудга келса, асосий ўлчов ҳамма тушунчаларга ва қаноат барча қаноатларга пойдевор бўлади. Қачон мана шу асос пайдо бўлса, ўшанда ўлчовларни, тушунча ва қаноатларни ўзгартиришга,

бинобарин, жамиятларни, вазиятларни ўзгартиришга имкон туғилади. Чунки айнан шу туфайли фикрлар ва барча нарсаларнинг қиймати ўзгаради. Инсонда ўзгартириш ҳақида фикрлашнинг бўлиши ёки пайдо қилиниши зарурдир. Инсоннинг фитратига мувофиқ келадиган ақлий ақидага эга кишилар ўзгартириш ҳақида фикрлайдилар. Уларни бу ҳақда фикрлашга ёки уларда яширинган қувват ундайди ёки ҳаёт майдонига шўнғиши асносида бевосита ўзгартириш ҳақида фикрлайдилар.

Ўзгартириш тўғрисида фикрлаш ўз ҳолатлари ёки фикрларини ўзгартириш зарурлигини ҳис қилган кимсалардагина топилишини аниқламайди балки ҳаётда ўзгартиришни тақозо қиладиган бир ҳолат бор экан, ўзгартириш бўлишини билдиради. Шунинг учун ўзгартириш ҳақида фикрлаш инсон ўз аҳволини, ўз жамиятини, халқи ва умматини ўзгартиришга чеклаб қолмайди, балки у бошқа инсонларни, бошқа жамиятлар ва ажнабий вазиятларни ўзгартиришда ҳам мавжуддир. Чунки инсонда, инсоний хусусият бўлиб, у бошқа бир инсонга назар ташлашни талаб қилади, ўша инсон унинг шаҳрида ё давлатида бўладими, ёки давлатидан ташқаридами, умматининг ичидами ёки бошқа умматда бўладими, фарқсиздир. Демак, инсон ўзгартиришга муҳтож бўлган ҳар қандай жойда ўзгартиришни пайдо қилишга интилади.

Ўзгартириш ҳақида фикрлаш қалбнинг тўридан отилиб чиқади ва ҳаёт воқеалари унга туртки бўлади, ҳатто уни ҳаётни ҳис этишнинг ўзи пайдо қилиши ҳам мумкин. Гарчи ўзгартириш туфайли ўзига хатар туғилишини ҳис қилган кучлар унга қарши курашса-да, ҳатто мана шу кучларнинг ўзида ҳам ўзгартириш тўғрисида фикрлаш пайдо бўлади. Демак, у ҳар бир инсонда мавжуд бўлиши муқаррар. Аммо инсонларни ўзгартириш тўғрисида фикрлайдиган қилиш уларни ишонтириш ёки уларнинг устида узлуксиз меҳнат қилиш билан бўлади. Қачонки ўзгартириш юз берса ёки ўзгартиришнинг қиймати идрок этилса, ўзгартиришни англаб этиш енгил ва осон кечади. Чунки у инсонларни ўзгартиришни ҳис қилишга қайтаради, бинобарин уларда ўзгартириш ҳақида фикрлаш йўғотади. Шунинг учун ҳар бир мусулмон ўзгартириш тўғрисида фикрлаши лозим.

Мана шулар фикрлашнинг ўнта тури ёки ўнта намуна бўлиб, булар фикрлаш суратини кўрсатиб беради. Булар гарчи бошланғич, шахсий, ҳис этиш ва эшитиш йўли орқали фикрлашни ўз ичига олса-да, шу билан бирга сўзларни ва ўқиган нарсани тушунишни ҳам ўзида мужассам этади. Аммо ўқиган нарсани фикрлашда ўзига хос изланишга ва муайян нарсага эътиборни қаратишга эҳтиёж бор. Чунки фақат ўқишнинг ўзи фикрлашни вужудга келтирмайди, балки бунинг учун инсон ўқиган вақтда ибораларни қандай фикрлашини

билмоғи зарур. Негаки, ўқиш ва ёзиш фикрлаш эмас, фикрлаш учун воситадир. Ўқиётган инсонларнинг кўпчилиги фикрламайди, фикрлари тўғри кетмайди ва ифодаланган мақсадга етиб бормайдилар. Шу жиҳатдан ўқиш ва ёзишни билса инсонларни тушунади ёки ўқиш ва ёзишни билган уммат уйғонишни ҳам биледи, деб ўйлаган одам хато қилади. Одамларга таълим бериш мақсадида омийликка барҳам беришга эътиборни қаратиш ҳамда халқлар, умматларни уйғотиш мақсадида саводсизликни йўқотишга уриниш ҳам хатодир. Чунки ўқиш ва ёзиш ақлни бирор нарса билан озуқлантирмайди ҳамда на қалбга, на ақлга ҳеч қандай туртки бермайди. Чунки фикрлашни воқелик ва собиқ маълумот пайдо қилади, ўқиш эса фикр қилинадиган воқелик ҳам эмас, воқелик шарҳланадиган маълумотлар ҳам эмас. Фикрлашда ўқишнинг қиймати йўқ, балки у фикрлашнинг бир ифодаси холос. Ўқишнинг ўзи билан ақлда фикрлар пайдо бўлмайди. Ўқиш фикрларнинг ифодасидан бошқа нарса эмас. Агар ўқувчи мана шу нарсани яхши тушунса, унда фикр туғилади, аммо ўқиганидан эмас, яхши тушунганидан пайдо бўлади. Агар яхши тушунмаса, соатлаб, ҳатто йиллаб ўқиса ҳам фикр вужудга келмайди. Шунинг учун ибораларни фикрлашда изланиш ва шу ибораларни қандай тушунишни ўрганиш зарур.

**Ёзилган ибораларнинг энг муҳими тўртта иборани ташкил қилади.** Булар адабий, фикрий, ташриий (қонун чиқарадиган) ва сиёсий иборалар. Буларнинг ҳар бирида фикрлаш, барчасини тушунишдан, битта тариқат, яъни ақлий тариқат орқали юрилса-да, уларнинг бири бошқасидан фарқланади. Бу ерда илмий ибораларни зикр қилинмади, чунки улар тажрибавий илмларда олимларга хос иборалар бўлиб, олимлардан бошқа ҳеч ким уларга қизиқмайди. Аммо тўрттала ибора барча инсонлар учун мўлжалланган, ҳар бир инсон уларни тушуниш имконига эгадир.

Ушбу тўрт ибора баҳра олиш ва туйғуларни кўзғаш мавзусидаги иборалар бўлиб, агар маърифатларни ўз ичига олса, ақл ҳам улардан фойдаланиши мумкин. Шунинг учун уларда маънога нисбатан сўзлар ва жумлаларга кўпроқ аҳамият берилади. Маънолар гарчи, шоир ва адибга мўлжалланган бўлса-да, сўзлар ва маънолар қасд қилинади. Тўғри, сўзлар ҳам, жумлалар ҳам бирор маъноларни ифодалайди, лекин шоир ҳам, адиб ҳам мана шу маъноларни ифодалаш учун сўз ва жумлаларга куч сарфлайди Улар «нутқ, чиройли сўз ва чиройли жумладаги чиройли маънолардан иборат», дейишади, бу тўғри. Лекин шоир ҳам, адиб ҳам маъноларни топа-билишга қаттиқ аҳамият берса-да, ўша маънони чиройли сўз ва чиройли жумла орқали ифодалашга уринади. Демак,

сўз, жумла ёки маъноларни ифодалаш ўша сўз ёки жумладан мана шу маънони чиқарадиган кайфият демакдир.

Сўзлар ва жумлаларни ифодалаш бу маъноларни ифодалашда таяниладиган нарса. Иборалардан мақсад, маъноларни келтириш эканлиги ҳам тўғри. Лекин адабий ибораларда эса, хусусан маъноларни келтиришгина мақсад қилинмайди балки, ундаги асл мақсад, фақат маънони беришгина эмас ўқувчи ва эшитувчини таъсирлантиришдир. Шунинг учун шоир ҳам, адиб ҳам сўзларни ва маъноларни танлаб оладида, улар орқали ўз иборасига алоҳида урғу бериш, оммабоп қилиш ва гўзал ўринларини безашни, туйғуларни кўзгаб жунбушга келтиришни қасд қилади. Шунинг учун адабий иборалар, фикрлар ифодаланадиган ва сиймо чиқадиган иборалардан ажралиб турганини кўрасиз. Фикрларга бўлган аҳамият эса, уларни ифодалай олиш ва таъсирлантирадиган суратда чиқаришдир. Аслида, муҳим нарса бу жумла тузиш, тасвирлаш бўлиб, фикрлар воситадир. Демак, тасвирлаш ва суратнинг ҳар иккаласида шоир билан адиб фикрларга аҳамият берар экан, фикрларнинг тўғрилиги ва ростлиги жиҳатига эмас, билки тасвирга, чиқариладиган суратга яроқлилигига аҳамият беради. Чунки иборадан мақсад инсонларга фикрлардан таълим бериш эмас балки, уларнинг туйғуларини кўзгашидир. Шунинг учун фикрларда тасвирлашга, яъни жумла тузишга эътибор берилади. Шу боисдан фикрлардаги эътибор, сўзлар ва жумлалар тузишни жорий қилиш ҳамда уларни тасвирга, яъни ҳаяжонли суратда чиқаришга яроқли қилиб ифодалашдир.

Бу адабий ибораларнинг воқелиги. Модомики воқелиги шундай экан, адабий нусусларни ўқишдан ҳосил бўладиган сезгини боғлаш учун керакли маълумотлар тасвирга тааллуқли маълумотлар бўлиши лозим. Шундагина иборанинг маъноси тушунилади, тасвирланган сурат, чиқарилган нарсага мос равишда мушоҳада қилинади. Яъни адабий иборани тушуниш учун сўзлар ва жумлалар, яъни тасвирлаш амалиёти ва унга керакли ашёлар, воситалар ҳақида маълумот маърифати бўлиши лозим ҳамда суратларни мушоҳада қилиш, уларнинг орасини ажрата билишга тажриба керак, яъни адабий ибораларни завқланиш, ажрата билиш билан ва идрок этадиган шаклда қайта ўқиш лозим. Шунинг учун бирор шахсда адабий ибораларнинг маърифати бўлмаса, у ҳар қанча таъсирлангани ва ўрганганини изҳор этмасин, адабий ибораларни тушунолмайди. Масала завқланишда. Бу завқ – тажриба қилиш, ва завқланаётган нарсанинг тури алмашишидан, яъни адабий ибораларни турли хил сурат ва турлари билан кўп марта ўқишдан кейингина пайдо бўлади. Қачонки шундай завқ пайдо бўлса, ибора



тушунилади. Чунки адабий иборани тушуниш унинг маъноларини тушуниш эмас, балки жумладан завқланиш бўлиб, мана шу завқланишдан унинг маъноларини тушуниш келиб чиқади. Масалан шоирнинг қуйидаги гаплари:

Икки маъноки, йигитга раво кўрмасмен  
Бойлик ифтихорию, фақир хорлигин.  
Бой бўлсангда, лек димоғдор бўлма  
Гар фақир бўлсанг, борлигинга шукр қил.

Ва шоирнинг қуйидаги шеъри:

Закийларки, аҳли илмга иш қолур,  
Аҳли илмга ишқолурда иш қолур.  
Иш қолур деб ишқолмаса  
Андин зарурроқ иш қолур.

Қуйидаги шеър эса яна бошқача:

Кекса қарағайнинг илдизин очиб,  
Тортдилар қўш арқон солиб белидан.  
Лек у тупроққа панжасин санчиб  
Сира кўзғолмасди унган еридан...

Ниҳоят, қурс этиб ерга қулади,  
Бутаб, сўнг кўтариб кетдилар,  
Бироқ – у ўз панжасида олиб жўнади  
Яшаган еридан бир сиқим тупроқ.

Ушбу шеърда ҳам ўзгачалик бор:

Мен дардимни дарёга айтдим,  
Ҳонбалиқлар кўзёш тўктилар.  
Мажнун толлар бош эгиб маюс,  
Юзларимдан аста ўптилар.

Мен дардимни тоғларга айтдим,  
Харсанг тошлар ёрилиб кетди.  
Бургутларнинг дод-фарёдларига  
Ҳасратларим қорилиб кетди.

Мен дардимни зулматга айтдим,

Чок-чокидан сўкилди ажаб.  
Даҳшат билан титраган кўкнинг  
Юлдузлари тўкилди ажаб.

Мен дардимни инсонга айтдим,  
Уйғонсин деб қалбида ғулу!  
Индамади, кимирламади,  
Кўзи очик ухлар эди У!

Бу ўзгачаликлар фақат маъноларнинг фарқли бўлишида эмас, балки шоир у маъноларни ифодалаётган суратлари, келтириб бераётган тасвирларидадир. Гарчи ҳар бир шоир ўқувчи ва тингловчини ларзага солаётган бўлса-да, лекин ҳар бир шоир кўзгатаётган ларзалар ҳар бириники ўзгачадир. Масалан, адиб шундай деб ёзади: «Эй менинг дўстим ва валийим, биродарлигим ҳам, суянчиғим ҳам, мададкорим ҳам ўзингсан. Аллоҳ сени кескинликда ва умид чакмоғини кўрсатишда боқий қилсин. Агар сенга бўлган умидимни кўр ҳам кўриб турса, сенга бўлган олқишу саноимни қар ҳам эшитса, сенга бўлган суянишимни жамоdotлар ҳам ҳис этсаю сен – Аллоҳ азиз қилсин сени – роҳат-фароғат либосини мендан ечиб олсанг ва мени ҳимоя қилишдан қўлингни ювсанг, у ҳолда, сув ўз ичувчисини тикилтиришидан, дори шифо талабни қатл қилишидан, умид қилувчининг вафоти ўз умидида бўлишидан ва ҳалокат ўта эҳтиёткордан ҳам ғолиб келишидан шубҳа қилмасам ҳам бўлади».

Яна адиб шундай дейди: «Китоб илм билан тўлдирилган идиш, атрофлари силлиқ коса, ҳазил ва жиддийлик билан қопланган кўзадир. Хоҳласанг у Боқилдан ҳам бурро, хоҳласанг у Саҳбондан ҳам қолишмайдиган сўзга чечан бўлади, хоҳласанг унинг намуналаридан куласан, хоҳласанг ғаройиб фойдаларидан ажабланасан».

Адибнинг бу сўзидан бошқача: «.. илм, ўз масалаларининг бирортасида охириги сўзни билмайди, балки унинг барча ҳақиқатлари вақтинчалик изофа бўлиб, унинг ўз қиймати бор, бу қиймат тугаса, бошқа қиймат кашф қилинади».

Бу сўздан ҳам бошқача: «фикрлар турли-туман, мулоҳазалар сон-саноксиздир. Ҳар бир асрнинг масаласи аввалги асрникидан бошқача. Изланувчи уларни биринчи қарашида аввалгиларга мутлақо алоқаси йўқ, деб ўйлайди ва ҳеч қандай боғлиқликни кўрмайди. Кейин улар билан кейинги масалалар ўртасида бирор яқинлик ёки боғлиқлик ҳамда ўрталарида бирор сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида билиш учун фикрини ишга солади».

Адибнинг сўзларидаги мана шу ўзгачалик маъноларнинг ўзгачалиги эмас, балки шу маъноларга олиб борадиган йўл-йўриқда ва ҳар иккаласида ҳам олиб боришга уринилган суратдадир. Аввалги икки адибнинг бири дўстига лутф қилишни айтади, иккинчиси эса китобни сифатлайди, ҳар иккови ҳам ўзи истаган маънога ўзига хос кайфият билан ёндашади. Икки адибнинг биринчиси илм ҳақида, иккинчиси эса фикрлар ҳақида сўз юритади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам маънони аввалги адибдан бошқача кайфиятда баён қилади.

Аммо адибларнинг ҳаммаси ҳам маънолар ҳақида изланиш олиб бормаганлар, балки жумла ва сўзларга аҳамият беришган, маънолар эса кўрсатилмоқчи бўлган суратни баён қилишга восита бўлган. Инсон бу ибораларни – шеър бўладими ёки насрми – тушунишни хоҳласа аввало кучини маънога сарфлаши дуруст эмас, балки шеърлар ва жумлаларни тушунишга ҳаракат қилади, улардан маънолар ҳам келиб чиқаверади. Шу боисдан унинг маълумотлари маъноларга эмас, сўзлар ва жумлаларга тааллуқли бўлиши зарур. Бу борада маълумотга эга бўлиши учун у албатта адабий ибораларни кўп ўқиши, уларни текширишга ҳаракат қилиши, токи ўзида завқланиш пайдо бўлиб, бу завқ туфайли маълумотлар ҳосил бўлгунича жумлаларнинг сир-синоатини англаб етишга куч сарфламоғи зарур. Шунинг учун адабий ибораларни тушунишда, иборалар ўз ичига олган маъноларга мухтож эмас. Балки завқ олишни биринчи ўринга қўяди. Бу завқ ўқиш туфайли сархушлик юзага келгунича давом этади. Адабий ибораларни тушунишда наҳв ва сарфни, нутқ илмидаги маъноларни, баёни, бадиятни, тил-луғатни билишга зарурат йўқ. Гарчи улардан хабардор бўлиш яхши ҳисобланса-да, қаттиқ берилиб кетиш дуруст эмас. Инсонда завқ пайдо бўлиши учун бир нарсага эҳтиёж сезилади. Бу – ибораларни кўп ўқиш.

Бу адабий ибораларни тушунишнинг йўли. Яъни уларни тушуниш учун завқ мавжуд бўлиши лозим, бошқача қилиб айтганда завқланиш учун ибораларнинг табиатини билиш керак. Маълумотлар завқнинг бўлишидир, завқланиш йўли эса у ҳосил бўлгунча адабий ибораларни кўп ўқишдир. Агар завқ вужудга келмаса, адабий ибораларни тушуниш мумкин бўлмайди, яъни уларни фикрлашдан натижа чиқмайди. Тўғри, баъзан унда мужассам бўлган фикрни англаш, гоҳо ундан кўзланган нарсани кўриш билан натижа чиқиши ҳам мумкин, аммо уларни тушунадиган даражада бўлмайди. Чунки инсон завқланмаган ва ибораларнинг таълимини сезмаган бўлади. Агар завқ олмаса, таълимни ҳис қилмаса, демак тушунмаган ҳисобланади. Адабий

иборани тушунсангиз, у сизни титратиб юборади, жунбушга келтиради. Бундай ҳолат вужудга келиши учун фақат шу иборани ўқиётган шахсда завқланиш юз бериши лозим, демак, ибораларни тушуниш учун завқланиш вужудга келиши керак.

Аммо фикрий ибораларда ақлий маърифатлар асос вазифасини ўтайди ва аввало маъноларга эътибор қаратилади. Фикрий ибора бу ақлнинг луғати, туйғунинг луғати эмас. Ундан фикрни, айниқса ҳақиқатларни етказиш кўзда тутилиб, маърифатни ишлатиш ва ақлларни таъсирлантириш мақсад қилинади. Ундаги сўзлар ва жумлалар диққатни қаратиш, аниқлаш, чуқур ўрганиш билан ажралиб туради. У туйғулардан қатъий назар ақлга, фикрий ҳақиқатларни ёйишга тиришиш ва чуқур ўрганишга эришишга муҳтож маърифатларга асосланган. Шунинг учун фикрий иборалар адабий иборалардан батамом фарқ қилади. Бунинг боиси шундаки, адабий ибора ҳақиқат ва маърифатларга тўхталмайди ва ундан ақлни фикрлар билан озиқлантириш кўзланмайди, балки мана шу ҳақиқатларни зехнга яқинлаштиришга ҳаракат қилинади. Аммо ҳақиқатларнинг энг муҳими, аниқроғи танланади. Бошқача қилиб айтганда имкон қадар яширин ё зоҳирдаги жумлаларни очиб бериш орқали таъсирни пайдо қиладиган нарса танланади. Бу фикрларга олиб борадиган сўзлар ва жумлалар ўқувчини ҳам, эшитувчини ҳам тўлқинлантириб, туйғуларини кўзгайдиган ҳамда ҳавас, розилик ёки ғазаб, жаҳл каби фаолият тақозо этган туйғуларни пайдо қиладиган тарзда бўлади. Фикрий ибора эса ундай эмас. Фикрий иборада туйғуни кўзгаш ё кўзғамасликдан қатъий назар, ақлни фикрлар билан озиқлантириш ҳақиқат ва маърифатларига тўхталиш мақсад қилинади. Унда фикрларни яқинлаштириш эмас, уларни очиқ кўрсатиш кўзда тутилади. Ундаги гўзалликни эмас, чиройли ифодалаш ҳамда ақлни қаноатлантириш, нозик баён қилишни мақсад қилади. Ғазабланиш ё рози бўлиш, хурсанд бўлиш ё аччиқланиш каби туйғуни кўзгайдиган нарсаларга эътибор берилмайди, балки фикрни қандай бўлса шундайлигича баён этилади, жумланинг суратини эмас фикрнинг суратини очишга аҳамият берилади. Шу жиҳатдан фикрий ибораларни тушуниш адабий ибораларни тушунишдан тамоман фарқ қилади.

Фикрий иборалар тўғрисида фикрлаш, яъни уларни тушуниш фақат ибораларнинг мавзуси ҳақида собиқ маълумотидан пайдо бўлади. Агар мазкур маълумот бўлмаса, иборани тушуниш мумкин эмас. Чунки бу ибора муайян воқеликни ифодалайди. Агар инсонда мана шу воқеликни шарҳлайдиган собиқ маълумотлар мавжуд бўлмаса, ҳар қандай ҳолатда бу иборани тушуниши мумкин эмас. Фикрий услуб бўйича тушуниш учун собиқ маълумотларнинг

маддули-далолати билан бирга тушуниш зарур. Агар собиқ маълумотлар шунчаки билиб қуйилиб, уларнинг далолати воқелиги билан идрок этилмаса, фикрий иборани тушуниш мумкин эмас. Чунки фикрий ибора бирор мақсадни ифодалайди ва бу фикргина бўлиб қолмай, уни воқелиги ҳам, далолати ҳам бор. Агар фикрнинг воқелиги идрок этилмай, далолатини кўрмасдан тушунилса, бу фикрда ундаги воқеликни шарҳлаш учун собиқ маълумотлари бўлмайди, бунинг фикрлашга, яъни фикрий иборани тушунишга фойдаси йўқ. Демак, фикрий иборани тушунишнинг шarti фақат собиқ маълумотнинг борлиги эмас, балки унда воқеликни идрок қилиш ва далолатини тасаввур қилиш ҳам бўлиши лозим. Масалан, сиз бир фикрий китобни ўқияпсиз. Китобнинг иборалари бирор фикр ё масала ҳақида бўлишидан қатъий назар, у арабча лафзда бўлса, сиз ҳам араб тили олимисиз. Аммо арабчани билишингиз гарчи сўзлар ва жумлаларнинг маъносини тушунишингизга ёрдам берса-да, аммо бу нарса сўз ва жумлалар сийғасида ёзилган фикрларнинг далолатларини тушунишга ёрдам бермайди. Бу фикрларни тушуниш учун сизда албатта собиқ маълумотлар бўлиши, бу маълумотларнинг воқелиги ҳам, далолати ҳам идрок этилиши зарур. Акс ҳолда гапни луғавий жиҳатидан тушунасиз ва гоҳо тушунчангиз фикрлар далолат қилаётган нарсага мувофиқ, гоҳо унга зид келади. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам фикрни эмас, луғатни тушунган бўласиз.

Масалан, мана бу иборани ўқияпсиз. «Сиёсий онга эга бўлган киши бўлган киши ўзининг тушунчаларини ва йўналишини ўрнатиш учун курашга кирган пайтида ўз тушунчалари ва йўналишига зид бўлган барча тушунчалар ва йўналишларга қарши курашга киришмоғи лозим». Бу ибора фикрий ибора. Унинг маъносини тушунишингиз учун араб тилини билишингиз, сўзлари ва жумлаларининг далолатларига тўхталишингиз кифоя қилмайди, балки сизда албатта сиёсий нуқтаи-назар очик ойдин бўлиши зарур.

Бунинг учун яна сизда йўналишларнинг ва улар далолат қилган нарсаларнинг воқелиги тушунарли бўлиши, бу йўналишларни ўз йўналишингизга боғлиқлиги, ўз йўналишингизни инсонлар орасида ўрнатиш маълум бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий онг, кураш, йўналишлар ва тушунчалар ҳақида маълумотлар бўлиши зарур, шундагина бу иборани тушуниш мумкин. Шу нарса ҳосил бўлмаса ва маълумотлар фақат маълумотлигича ё мулоҳазалигича қолиб, далолати воқеликсиз маънога эга бўлса, бу иборани тушуниш мумкин эмас. Тушунилмаганидан кейин, ҳатто қалб тўрида уни ёд олинса ҳам фойдаси бўлмайди. Шунинг учун фикрий иборалар бир бинога ўхшаб, ундан бирор ғиштни суғуриб

ташлансаю, бинонинг суратини ўшандайлигича қолдириш мумкин бўлмаганидек, иборадан ҳам бир ҳарфни олиб, бошқа жойга қўйиш ёки бир сўзни бошқасига алмаштириш мумкин эмас, балки иборани қандай бўлса, шундайлигича мукаммал сақлаш зарур. Чунки ирода қилинган воқелик, яъни бажариш мўлжалланган фикрнинг далили муайян бир воқелик, муайян бир сурат бўлиб, воқеликдан ёки суратда бир нарса ўзгарса, тушуниш ҳам буткул ёки қисман ўзгариб кетади. Демак, фикрий иборани тушуниш унинг далолатини тушунишни ва далолатини тушуниш эса сўзлари ва жумлаларини муҳофаза қилишни талаб қилади.

Фикрий ибора баъзан адабий ибора шаклида тузилиши мумкин, ҳақиқатларни пухта билишга қўшимча туйғуларга таъсир қилиши мўлжалланади. Аммо у ҳар қандай ҳолатда ҳам адабий эмас, фикрий иборадир. Фикрий иборанинг шарти туйғуларга таъсир қилмаслиги эмас, балки бундан қатъий назар ҳақиқатларга эришишдир. Фикрий иборанинг туйғуларга таъсир қилишини ўйлаш билан фикрий иборалигидан чиқариб қўйилмайди, у фикрлигича қолади, агар фикрий ибораларнинг туйғуларга таъсирига аҳамият берилса, уни тушунишда фикрлар ҳақида собиқ маълумотлар бўлиши ва фикрларнинг воқелиги идрок этилиб, далолатлари тасаввур қилиниши керак.

Тўғри, фикрий иборалар ҳар бир инсонга яроқли бўлиши мумкин ва унда сакофатларига қараб барча инсонларга фикрларни етказиш имконияти бор, ҳар қанча чуқур бўлмасин уни ҳамма тушуниши мумкин. Лекин бундай ибораларни ҳар бир инсон ўз тушунчасига яраша қабул қилиш мумкин бўлса-да, унинг чуқурлик жиҳатларини ҳамма ҳам тушунавермайди. Ҳа, инсонлар фикрий иборани қодир бўлганича тушунадилар, аммо ҳар бир инсон ҳам шу иборалар орқали ва ундаги тушунча ёрдамида фикрлай олмайди. Чунки фикрий ибораларни юқори савиядаги собиқ маълумотларсиз тушуниб бўлмайди. Агар ундаги фикрларнинг воқелиги, далолатлари идрок этиладиган даражада бўлмаса, улардан фойдаланиш ва фикрларини ижро қилиш мумкин эмас. Ҳар қандай инсон бу ибораларни тушуниш кувватига мувофиқ қабул қилишлари ҳар бир инсон бу ибораларни тушунишга қодирлигини англамайди. Собиқ маълумотлари юқори савияда бўлмаган кишилар ҳеч қандай ҳолатда ҳам уларни тушунолмайдилар.

Шу ўринда куйидагича савол туғилиши мумкин: фикрни ҳосил қилиш учун ҳис вужудга келган пайтда собиқ маълумотлар бўлишининг ўзи кифоя. Бу шуни англатадики, фикрий иборани тушуниш учун инсонда, ибора ўз ичига олган воқени шарҳлайдиган маълумотлар бўлишининг ўзиёқ етарлику? Бунга жавоб шуки,

собик маълумотлардан мақсад нас ўз ичига олган воқеликни ифодалаб берадиган маълумотлар кўзланган. Собик маълумотлар фақат шу ибора савиядаги маълумотлар бўлсагина воқеликни шарҳлай олиши мумкин. Агар собик маълумотлар луғавий маълумотлардан иборат бўлса, улар фақат луғавий шарҳлашга етади, фикрни шарҳлашга кифоя қилмайди. Агар ҳукм-бошқарувнинг қувват эканлиги ҳақида собик маълумот бўлса ҳам бу ҳукмнинг маъносини тушунишга етарли эмас. Аксинча унинг маъносини тушунишда адаштириб қўйиши ҳам мумкин. Агар жамият ҳақида уни инсонлар ва алоқалардан иборат деган маълумот бўлса, бу ҳам жамиятни ўзгартириш ёки муҳофаза қилиш учун кифоя қилмайди, чунки бу маълумот жамиятни англатадиган даражадаги маълумот эмас. Шунга ўхшаш то фикрий иборани идрок этиш учун собик маълумотлар, юқори савиядаги фикрни пайдо қилувчи маълумот бўлмоғи лозим.

Баъзан шундай дейилиш мумкин: Агар фикрий иборани тушуниш учун собик маълумотлар юқори савиядаги фикр даражасида бўлиши шарт қилинган экан, у ҳолда иборанинг воқеини ва далолатини идрок этиш қаердан келиб чиқади? Бунга жавоб шуки, фикрий иборани тушунишдан мақсад, лаззатланиш ёки маъносига тўхталиш эмас, амал қилиш учун тушунилади. Агар шундай бўлмаса, ундан фойда йўқ. Фикрга фақат билиш учун эмас, олиш учун тўхталади. Уни олиш эса фақат воқеани далолатини тасаввур қилиш орқали эришилади. Шу жиҳатдан собик маълумотларга қўшимча фикрий иборани тушунишда учта шарт бор: Биринчи, собик маълумотлар юқори савиядаги фикр бўлиши лозим. Иккинчи, унинг воқелиги белгиланган, бошқасидан фарқ қилган ҳолатда, қандай бўлса, шундайлигича идрок этилиши лозим. Учинчи, бу воқелик ҳақиқий суратни кўрсатадиган даражада тўғри тасаввур қилиниши зарур. Мана шу уч шарт мужассам бўлмаса, фикрий иборани тушуниш мумкин эмас, бошқача қилиб айтганда, уни олиш мумкин эмас. Чунки фикрни тушуниш унинг маъносини тушунишни эмас, олишни англатади. Бунга энг яхши мисол Исломнинг ақидалари ва аҳкомлардан иборат фикрларидир. Булар арабларга воқеаларнинг содир бўлишига қараб нозил бўлди. Араблар уларнинг тушуниб қабул қилишар эканлар, араб луғатлари орқали тушунча олганликлари учун эмас, балки аҳком ва ақидаларнинг моҳияти ва далолатларини тушуниб етганлари учун қабул қилишди. Шунинг учун бу фикрлар уларни бутунлай ўзгартириб юборди, нарсаларнинг кадри ўзгариб кетди. Айрим нарсаларнинг кадри ошса, айримлариники пасайди, яшаш учун зарурий нарсалар бошқача бўлиб қолди. Аммо араблар фикрларнинг воқелигини ва

далолатларни идрок этолмай қолган вақтда, бу фикрларни тушунолмай қолишди. Ҳолбуки, уларга Моликдек ҳадисчи олимлар, Абу Ҳанифадек ўткир фуқаҳолар ва Ибн Аббосдек кенг камровли муфассирлар мавжуд. Шундай бўлса-да, улардек шахслар топилмаяпти. Бу фикрларни билишдаги қуср сабабли эмас, балки уларнинг воқелиги ва далолатини идрок қилинмаган боис шундай бўлади. Шунинг учун фикрий ибораларни фикрлаш учун собик маълумотлар юқори савияда бўлишининг ўзи кифоя қилмайди, балки, бунга қўшимча уларнинг воқели идрок этилиши ва далолатлари тасаввур қилиниши лозим.

Фикрий ибораларни тушуниш уларни қабул қилиш учун бўлганини англамайди, балки уларни рад этиш ва уларга қарши курашиш кераклигини ҳам англайди. Асосий мақсад қабул қилишдир. Агар ибора қабул қилинмаса, демак у тарк этиладиган ва унга қарши курашиладиган нарса деб қаралади. Агар иборани воқелиги ва далолати идрок этилмаса, у ҳолда адашилади, натижада қарши курашиш лозим бўлган нарса қабул қилиниб, олиниши лозим нарса эса тарк этилади. Шунинг учун фикрий иборалар воқелигини ва далолатларини идрок қилиш, унга нисбатан керакли муносабатни қабул қилиш ё тарк этиш жиҳатидан белгилаб олиш зарур. Фикрларнинг воқелигини белгилайдиган ва ажрата биладиган даражада идрок этилишининг шартлиги бу фикрни адашишдан асрайди ва инсоннинг мавқеини соғлом ҳолда белгилаб беради. Бундай фикрларнинг зарари маърифатга зарар етказиш билангина тўхтаб қолмайди, балки уларни қабул қилган шахсни баъзан асосий ишлардан буриб қўяди, баъзан адаштириши мумкин. Юнон фалсафаларини, капиталистик ва коммунистик фикрларни ўрганиш натижасида кўпгина мусулмон фарзандларининг ҳолати бунга мисол бўлади. Буларнинг барчаси воқеликни ва далолатни соғлом идрок қилинмаганлиги оқибатида содир бўлди.

Мисол учун, юнон фалсафасини олиб кўрайлик. Бу фалсафа Шом ва Ироқ насронийларида мавжуд эди. Мусулмонлар ўша насронийларга Исломи даъватини етказар эдилар, айниқса Ислонинг бошқаруви ва салтанати соясида бўлган вақтларида насронийлар мусулмонлар билан қилган баҳсу мунозараларида юнон фалсафаси ва юнон мантиқини ишлатар эдилар. Насронийларга раддия бериш учун мусулмонлар ҳам шу фалсафалардан фойдаланишди ва бу фалсафа ўз ичига олган фикрларни идрок этишмади. Мантиқ муқаддималарига кирувчи чалғитишларни кўра билмадилар. Натижада Ислонни ёйиш мақсадида ўрганилган мана шу таълим мусулмонларни шундай ҳолатга солиб қўйдик, бир тўп мусулмонлар бу фалсафани ундан



лаззат топганликлари боис ўрганишса, яна бир тўп мусулмонлар насронийларга раддия қайтариш ва Ислом фикрларининг соғломлигига хужжат келтириш мақсадида ўргандилар. Биринчи тоифадаги олимлар юнон фалсафаси йўлидан юриб, ўша фалсафани қабул қилишди ва бу фалсафа уларнинг сақофатларига айланди ҳамда Исломга шундай фалсафий фикрларнинг ўлчовига мувофиқ роия қила бошлашди. Шундан мусулмон файласуфлари пайдо бўлди. Улар орасида адашган, йўлдан бурилиб кетганлар бўлди, баъзилари очиқ залолатга кириб кетди. Хуллас, ҳар иккала тоифа ҳам йўлдан озган залолатдаги кишилар бўлиб, Исломни тарк этиб кофирга айландилар. Шунинг учун мусулмон файласуфлари ёки Ислом файласуфлари деб аталган барча шахслар Ибн Синоми, Форобийми, фарқсиз, ҳаммалари кофирдир.

Аmmo юнон фалсафаси ва юнон мантиқини ўрганган, иккинчи тўпдаги мусулмон олимлари улар икки тоифага бўлинадилар: Бир тоифа юнон фалсафасини асос қилиб, Исломнинг фикрларини ўша фалсафа билан мослаштириш учун таъвил қилган ва фалсафий фикрларни Исломни фикрларига татбиқ этган кишилар бўлиб, улар мўътазилалардир. Яна бир тоифа ўша фикрларга қарши чиқиб танқид қилган ва уларни тўғрилашга уринган кишилар бўлиб, улар аҳли сунналардир. Бу икки фирқа ўртасида тортишувлар келиб чиқди. Бу тортишувлар уларни исломий даъватни етказишдан машғул қилиб қўйди ва уларни Аллоҳ фарз қилган асосий ишлардан буриб юборди. Бу иш ғайримусулмонларга ислом даъватини етказиш ва мусулмонларнинг ақидаларини тўғрилашга уриниш эди. Улар ақидаларни тўғрилашда Ислом фикрларининг яроқлилигига хужжат келтириш учун юнон фалсафасининг фикрларини ишлатишди. Улар инсонни бир неча авлодга, бир неча асргача шу нарса билан машғул қилиб қўйишди. Улар мусулмон бўлсалар-да, лекин юнон фалсафаси сабабли Ислом даъватини етказишдан бурилиб кетганлар.

Бунинг оқибатида Жабария, Маржиия, Қадария ва бошқа жамоалар пайдо бўлди. Бу эса мусулмонлар орасида турли хил оқимлар, фирқалар, фикрлар ва жамоаларни вужудга келтирди. Охир оқибат мусулмонлар ўнлаб фирқалар ва ўнлаб мазҳабларга бўлиниб кетишди. Буларнинг ҳаммаси Ислом юртларига юнон фалсафалари кириб келиши ва кўпчилик мусулмонлар ўша фалсафаларнинг фикрларини фарқлай билмаган ҳолда таълим олишлари оқибатида юзага келди. Агар Исломнинг ўзини қуввати бўлмаганида ҳамда Аҳли Сунна вал жамоа садоқат ва холислик билан воқеликни баён қилиб бу фикрларга қарши туриб уларнинг далолатларини тўғри тасвишлаб беришмаганида эди, Ислом қайтиб

келмаган ва юнон фалсафаси ва у пайдо қилган фикрлар оқибатида зое кетган бўлар эди.

Аммо капитализм ва социализмнинг хатари очик ҳис қилинган ва кўриниб турган ишдир. Чунки уларнинг залолатли фикрлари кўпчилик мусулмонларни эгаллаб олди ва хато тушунчалари ҳатто барча мусулмонлар орасида ёйилиб кетди. Бунга далил келтиришга эҳтиёж йўқ. Ислом юртларида айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин шу фикрлар мусулмонларнинг ақлларини қанчалар хароб қилганини, уларни Исломни амаллардан буриб юборганини кўрсатиб турибди.

Шунинг учун фикрий иборалар ҳақида фикрлашни пухта билмок лозим. Бу иборалар ҳақида фикрлашда фақат собик маълумотларнинг ўзи кифоя қилмайди. Қолаверса бу маълумотлар албатта юқори савияда бўлиши ҳамда уларнинг воқелиги идрок қилиниши ва тўғри тасаввур қилиниши лозим.

Тўғри, Ислом фикрий таълимдан қайтармаган, фикрларни олишни тақиқламаган, балки рухсат берган. Лекин исломий ақидани фикрларга асос, уларни олиш ва тарк қилишга ўлчов қилган, демак ақидага зид келадиған фикрни ўз ичига олган ибораларни ўқишга рухсат берса-да, лекин фикрни олишга рухсат бермайди. Токи фикр фикрий қоидага зид ёки мувофиқ келишини идрок этилмағунича, унга нисбатан мавқени белгилаш мумкин эмас, балки бунинг учун фикрни воқелигини белгилаб идрок этиш ва далолатларини пухта тасаввур қилиш лозим бўлади. Акс ҳолда, уни фикрий қоида билан ўлчаш, унга нисбатан тўғри мавқени белгилаш мумкин эмас. Шунинг учун фикрий иборалар ҳақида фикрлашда собик маълумотлар фикрнинг юқори савиясида бўлиши ва фикрнинг воқеи идрок билан тушунилиши, далолатлари ҳақиқий суратни берадиган соғлом тарзда тасаввур қилиниши зарурдир.

### **Қонунчилик иборалари ва тушунчалари**

Аммо қонунчилик ибораларига келсак, улардаги мужассам фикрларга тўхталиш ва фикрларни истинбот қилишга эришишда сўзлар, жумлалар ва улар далолат қилган нарсаларни тушунишнинг ўзи етарли эмас. Бунда ҳеч қандай собик маълумотга эҳтиёж йўқ, балки бира тўла икки нарсага зарурат бор. Аввало сўзлар ва жумлаларнинг далолатини, уларнинг маъноларини билиш лозим, кейин фикрга тўхталиш ёки фикр истинбот қилиш учун муайян маълумотларни ишлатиш керак. Сўзлар ва жумлаларнинг маълумотларини билишда луғатни, сўзлар ва жумлаларни ҳамда муайян истилоҳларни (атамаларни) билиш зарур. Шундан кейингина фикрлар ва аҳкомлар олдида тўхталиш келиб чиқади. Бу амалиёт ҳар қандай қонунчилик ҳақида фикрлашда қўлланилса-да,

биз бу ҳақида сўз юритганда ҳар қандай қонунчиликни эмас балки, фақат исломий қонунчиликни назарда тутамиз. Чунки биз мусулмон сифатида исломий қонунчиликдан бошқа қонунчилик ҳақида изланишга ҳаққимиз йўқ. Ақидамиз шарт қиладиган мутлақ масала фикрлашимизни фақат исломий қонунчиликка чеклайди. Аммо исломий қонунчиликдан бошқа қонунчиликни изланишгагина эмас, ҳатто ўқишга ҳам ҳаққимиз йўқ. Чунки қонунчилик унда келган нарсаларни олиш мақсадида ўқилади, лаззатланиш учун эмас, изланиш олиб борилаётган вақтда ҳам уларни олиш мақсадида фикр юритилади. Бизга Исломдан бошқа бирор нарсани, шаръий ҳукмдан бошқа ҳукми олиш ҳаром. Бизга адабий, фикрий ва сиёсий иборалар каби қонунчиликдан бошқа ибораларни изланишимиз жоиз бўлса-да, Исломдан бошқа қонунчилик ҳужжатларини ўқишга ҳам, изланишга ҳам ҳуқуқимиз йўқ. Адабий ибораларни роҳатланиш, лаззатланиш учун ўқийсиз, фикрий иборалардан фикрлашга ўлчов қилиб оласиз, сиёсий ибораларни эса ташқи ишларни қандай бошқарилишини билиш учун ўқийсиз ва буларни тақиқлайдиган нарса йўқ. Аммо қонунчилик ибораларини олиш учун ўқийсиз ва изланасиз. Шаръий ҳукмдан бошқа ҳукми олиш бизга ҳалол бўлмаганидек, исломий қонунчиликдан бошқа қонунчиликни ўқишга ҳам, изланишга ҳам, ҳаққимиз йўқ. Модомики, фикрлар ақидага асосланиб, шу фикрларнинг соғлом ёки носоғломлигига ўлчов бўлар экан, шаръий аҳкомлар ақидадан келиб чиқади. Ақидадан келиб чиққан шаръий ҳукм бўлган нарса олинади, ақидадан келиб чиқмаган нарса ақидага мувофиқ келса ҳам, хилоф келса ҳам рад этилади. Шунинг учун биз Исломга мувофиқ келмайдиган нарсани олмаймиз. Чунки шаръий ҳукм ақидадан келиб чиқади ва олинади. Аллоҳ таоло «إقرأ» ўқи», деб айтганида, ўқишга руҳсат берди. Лекин ҳаёт муолажалари, яъни шаръий аҳкомларни олишга буюрган вақтда, уларни олишни чеклаб имонга боғлади ва имондан бошқа тарафдан олишни ман этди. Демак, қонунчилик мавзусида келган иборалар, ўқишга хосланган ва ўқишга бўлган руҳсат, қонунчиликка тааллуқли нарсалардан бошқасига хосдир. Аммо қонунчилик, яъни аҳкомлар ва муолажаларни руҳсат ўз ичига олмайди, чунки улардан бошқасидан олишга руҳсат йўқлигини кўрсатувчи шаръий нусуслар мавжуд. Шунинг учун Исломий қонунчиликдан бошқа қонунчиликни ўқимаймиз ҳам, изланмаймиз ҳам. Шу жиҳатдан биз фақат исломий қонунчиликда изланамиз.

Қонунчиликни тушунишда араб тилини ва исломий фикрларни билиш лозим бўлса-да, воқеликни тушуниш, сўнг шаръий ҳукми воқеликка татбиқ этиш керак, агар воқеликка мос келса, хулосаси

чиқади, мос келмаса, бошқа ҳукм изланади. Шунинг учун қонунчиликни тушунишга ҳар бир инсон ҳам муяссар бўлолмайди, бунинг учун қонунчиликка доир фикрларга, муайян маълумотларга тааллуқли кўплаб масалаларга эҳтиёж сезилади ҳамда олинадиган ёхуд истинбот қилинадиган ҳукмнинг воқелигини билиш зарур. Қонунчилик иборалари ҳақида фикрлашда адабий иборалар ҳақида фикрлашдаги каби сўзлар ва жумлаларга аҳамият бериш, фикрий иборалар ҳақида фикрлашдаги каби маъноларга эътибор бериш, сиёсий нусуслар ҳақида фикрлашдаги каби ҳодиса, воқеа, шароитларга аҳамият бериш кифоя қилмайди, балки сўзлар, жумлалар, маънолар, фикрлар ва ҳукм чиқариш кўзланган воқеа ва ҳодисаларни бир дафъада билиш зарур. Шунинг учун бу ҳақида фикрлаш, бошқа бирор ибора ҳақида фикрлашдан кўра оғир кечади ва бунда бир вақтнинг ўзида чуқур ва ёрқин фикрлашга ҳам эҳтиёж туғилади.

Қонунчилик иборалари тўғрисида фикрлаш ғоянинг ҳар хил бўлишига қараб ҳар хил бўлади. Чунки қонунчилик иборалари тўғрисида фикрлашдаги ғоя ё шаръий ҳукми олиш учун ё шаръий ҳукми истинбот қилиш учун бўлади, улар ўртасида фарқ мавжуд. Фақат шаръий ҳукмларни билиш учун фикрлашда гарчи сўзлар ва жумлаларнинг маъноларини билиш керак бўлса-да, лекин наҳв ва сарфни билиш, луғат матни ёки нутқ фанини билиш шарт эмас, балки ёзишни билмаса ҳам, араб тилини, ўқишни, шаръий аҳкомларни билиш кифоя. Бунда гарчи шаръий фикрларни билишга эҳтиёж сезилса-да, лекин зарур бўлган маълумотларни билишнинг ўзи етарлидир, на усули фикҳ илмини ва на оят, ҳадисларни билиш зарур эмас, фақат ўқиш билан шаръий ҳукми тушуниб олишнинг ўзи етарли. Шу боисдан бунда воқеликни билиш лозим эмас, балки мана бу ҳукм мана бу воқеликка дахлдор деб билиш кифоя. Масалан, консерва гўштининг ҳукми қандайлигини билиш учун қонунчилик иборасини ўқилганда, ўлаканинг гўшти ҳаромлигини ва консерва гўшти ўлакса гўшти эканини билиш етарли, чунки у шариат бўйича сўйилмаган. Масалан, яна одеколоннинг ҳукмини билиш учун маст қилувчи нарса ҳаромлигини ва одеколон ҳам маст қилувчи нарса эканини билиш кифоя қилади ва ҳоказо. Демак, шаръий иборалардан шаръий ҳукми билиш учун изланаётган ҳукмнинг воқелигини шарҳлашга етарли собиқ маълумотлар бўлиши кифоя.

Аммо шаръий ҳукми истинбот қилиш учун ўқишнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун учта ишни билиш лозим. Булар сўзлар ва жумлалар, шаръий фикрлар ҳамда фикрнинг, яъни ҳукмнинг воқеси. Буларни истинбот қилиш мумкин бўлган даражада билиш лозим.

Бунинг учун нахв, сарф, нутқ ва ҳоказо каби араб тилини билиш, тафсир, ҳадис ва усули фикҳларни билиш ҳамда ҳукм истинбот қилиниш мўлжалланган воқеликни билиш зарур. Билиш зарур дейилганда бу мавзуларда мужтаҳид бўлиш зарурлигини эмас, балки шулардан хабардор бўлишни тушунилади. Демак, булардан хабардор шахс бирор сўзнинг маъносини сўраб, қомусга ҳамда нахв, сарф мужтаҳидидан сўрашга ёхуд жумланинг эъроби ё сўзнинг сарфини билиш учун китобларга, ҳадис олимларига ёки ҳадис китобларига мурожаат қилиши мумкин. Демак, билиш мужтаҳид ёки олимликни англамайди, балки истинбот қилиш имкониятига эга хабардор шахс бўлиши кифоя. Истинбот қилиш учун шаръий ҳукм маълумотларидан кўпини билиш зарур, лекин истинбот қилишга керакли учта нарсанинг ҳар бири ҳақида мужтаҳид бўлиши лозимлигини англамайди, балки истинбот қилишга етарли маълумотга эга бўлиши кераклигини англатади. Қачон истинбот қилишга қодир бўлса, ўшанда мужтаҳид ҳисобланади. Шунинг учун ҳам истинбот қилиш ёки ижтиҳод қилиш барча инсонларнинг қўлидан келадиган иш. Айниқса араб тили ва исломий шариат китоблари мавжуд бўлса, барча осонгина мурожаат қилиши мумкин. Шунинг учун шаръий аҳкомларни билиш ҳар бир шахсга осон бўлганидек, шаръий аҳкомларни истинбот қилиш ҳам ғоят қулай. Шу билан бирга бунда кўп маърифатлар, яъни собиқ маълумотларни кўпроқ билиш зарур бўлади.

Биздан аввалги шахслар ижтиҳод ва истинбот қилиш йўлларини чеклаб, маърифатнинг ўзи билан кифояланиб қолишган ва уларнинг барчаси тақлидчи бўлган эди. Ҳодиса ва воқеалар янгилашиб турса-да, уларга ҳукм топилмаган. Шаръий аҳкомларга чекланиб ҳаёт майдонига юқори савияда кириб боришга бўлган қароримиз муяссар бўлиб турган бир пайтда, тақлиддан истинбот қилиш даражасига кўтарилмоғимиз ва ҳаёт ишларининг барчасини фақат шаръий аҳкомлар билан тузатишимиз шарт. Бу эса, бизга истинбот учун керакли маърифатни ҳосил қилишдан бошқа нарсани юкламайди.

Тўғри, шаръий ҳукмни билиш фарзи айн бўлса, шаръий аҳкомларни истинбот қилиш фарзи кифоя. Аммо воқеа ва ҳодисаларнинг янгилашиб зарурати ҳамда шаръий ҳукмдан бошқа нарсани олишни Ислом ҳаром қилганлиги мана шу фарзи кифояни фарзи айндек зарур қилиб қўяди. Шунинг учун Умматда истинботчилар ва мужтаҳидларнинг кўплаб жамоаси, бўлиши зарур.

Бундан маълум бўладики, қонунчилик тўғрисида билиш фикрлашнинг энг қийин турларидан бири бўлиши билан бирга,

шаръий ҳукми билиш учунми ёки истинбот қилиш учун фикрлаш бўладими, барибир, Исломиё Уммат учун энг керакли фикрлаш туридир. Бироқ шаръий ҳукми истинбот қилиш тўғрисида фикрлаш энгил-елпи ва соддалик билан олиними дуруст эмас, балки бунга жиддий эътибор билан ёндашиш ҳамда керакли маълумотларга эга бўлмаган одам унга яқинлашмаслиги, қонунчилик ибораларини фикрлашда керакли учта ишга, яъни араб тили, шаръий ишлар, воқеликнинг ҳақиқатини ва шу воқеликка шаръий ҳукмининг мос келишига муҳтож эканлигини билиш вожиб. Гарчи ўз воқелигига мос келиш истинбот қилиш учун керакли маърифатларидан бири ҳисобланмаса-да, лекин у ушбу учта ишни тўғри билиш натижасидир.

Бу қонунчилик тўғрисида фикрлашдир, яъни воқеликка боғланувчи маълумотлар воқеликнинг ҳулосасини билиш ёки ҳукм истинбот қилиш учун етарли маълумот бўлишидир. Модомики, душманларимиз бизни чалғитишда муваффақият қозониб, бизни асални пашшанинг ахлати деб биладиган ва унга бурун жийриб юзимизни бурадиган қилиб қўйишган экан, яъни фикрнинг ёмон кўрсатиб ундан юз ўгирадиган бўлиб қолган эканмиз, энди мана шу чалғитувчини фош қилиш, бахт-саодатимиз ҳам, ҳаётимиз ҳам фақат шаръий аҳкомлар туфайли деб билишимиз фурсати етди. Айниқса фуқаролик қонунлари каби Исломдан бўлмаган қонунчиликлар тоғутларнинг шариати ва Қуръоннинг очиқ оятлари кўрсатган қуфр қонунчилиги эканлиги аён бўлган.

Исломиё, қонунчилик иборалари ҳақида фикрлаш бошқа ҳар қандай ибораларни тушунишдан фарқ қилади. Демак, адабий ибораларни фикрлашда сўзларни ва жумлаларни тушунишга мана шу билишдан ҳосил бўладиган завққа муҳтож бўлинади. Фикрий ибораларни тушунмоқчи бўлинаётганда юқори савиядаги билим зарур, сиёсий ибораларни фикрлашда воқеа ва ҳодисаларни билиш учун, қонунчилик ибораларини тушунмоқ керак. Чунки бунда сўзларни, жумлаларни билиш ҳам, юқори савиядаги шаръий воқеликни билиш ҳам, шаръий ҳукм татбиқ қилинадиган воқеа ва ҳодисаларни билиш ҳам зарур. Қонунчиликни фикрлаш ҳар қандай фикрлашдан кўра машаққатлироқ ва мусулмонларга зарурроқ. Қонунчилик тўғрисида фикрлаш мана шу.

### **Сиёсий тушунчалар**

Аммо сиёсий фикрлаш гарчи қонунчилик тўғрисида фикрлаш туридан бўлса-да, лекин ундан буткул фарқ қилади. Чунки қонунчилик тўғрисида фикрлаш инсонлар муаммоларини муолажа қилишдир, сиёсий фикрлаш эса, инсонларнинг ишларини бошқаришдир. Бироқ бу ерда иккала фикрлаш ўртасида фарқ

мавжуд. Шунингдек у адабий фикрлашга ҳам зид. Адабий фикрлаш сўзлар ва жумлалардан лаззатланиш, маънолардан лол қолишни ҳамда буларни чиройли ифодалашни англатади. Аммо сиёсий фикрлашнинг фикрий фикрлашга нисбатан таққосланишининг тафсилоти бор. Агар сиёсий фикрлаш сиёсий илм, сиёсий баҳс иборалари тўғрисида бўлса, сиёсий фикрлаш билан фикрий фикрлаш деярли бир турдаги фикрлаш бўлиб, бир-бирига ўхшашдир. Бироқ фикрий фикрлашда баҳс қилинаётган фикр савиядаги собиқ маълумотлар бўлиши шарт, ҳатто унинг туридан бўлмаса-да, лекин унга боғлиқ собиқ маълумотлар бўлсин. Аммо сиёсий фикрлашда, баҳс қилинаётган фикр савиядаги собиқ маълумотларга муҳтож бўлинса-да, лекин шу мавзунинг ўзи ҳақидаги собиқ маълумотларга муҳтож бўлинади. Унга боғлиқ ё унга ўхшаш ёки ўшандай фикрлашни изоҳлашга яроқли бўлган маълумотлар кифоя қилмайди. Шунинг учун сиёсий ибораларни фикрлаш, фикрий ибораларни фикрлашнинг туридан ҳисобланади.

Аммо сиёсий фикрлаш хабарлар, воқеалар ва ҳодисаларга боғлиқ фикрлаш бўлса, у ҳолда барча турдаги фикрлашдан фарқ қилади ҳамда унинг қоидаларидан бири ҳисобланмайди ҳамда ҳеч қандай қоидага боғланмайди. Шунинг учун у фикрлаш турларининг машаққатлисидир. Фикрлаш турларининг олийси эканлиги шундаки, у нарсалар, ҳодисалар ва фикрлашнинг ҳамма турлари ҳақидаги фикрлашдир, шу жиҳатдан уларнинг олийсидир. Тўғри, фикрларга пойдевор бўлган ҳамда муолажалар келиб чиқадиган фикрий қоида барча турдаги фикрлашдан юқори. Лекин мана шу қоиданинг ўзи сиёсий фикр ва мафкурадир. Агар у сиёсий мафкура ҳам, сиёсий фикрлаш ҳам бўлмаса, соғлом қоида эмас. Шунинг учун бу фикрлашнинг олийси деганимизда, у фикрий қоидани ҳам ўз ичига олади, яъни фикрий қоида бўлишга ярайди. Аммо фикрлаш турларининг машаққатлиси эканлиги шундаки, унга пойдевор бўладиган ва қиёс қилинадиган бирор қоидаси мавжуд эмаслигидадир. Шу боис хабар ва ҳодисаларни фикрлаш фикрловчини чалғитиб қўяди, ишнинг аввалидаёқ кўпгина хатога учратиб, адаштиради. Сиёсий тажрибани босиб ўтилмаса ва кунлик ҳодисаларни кузатиб, хушёр турилмаса, сиёсий фикрлашга имкон топиш қийин. Шунинг учун сиёсий фикрлаш барча турдаги фикрлашдан ажралиб туради ва уларнинг мумтозидир.

Сиёсий ибораларни фикрлаш гарчи сиёсий фанлар, сиёсий изланишларнинг ибораларини ҳам ўз ичига олса-да, аммо ҳақиқий сиёсий фикрлаш бу хабар ва воқеаларни фикрлашдир. Шунинг учун хабарларни фикрлаш ҳақиқий сиёсий ибора ҳисобланади. Агар киши сиёсий фикрлашни хоҳласа, хабарларнинг матнини, айниқса

уларнинг ифодаси ва шу ифодани қандай тушунишни ўйламоғи лозим. Чунки бу сиёсий фанлар ва сиёсий изланишларни фикрлаш эмас, айнан сиёсий фикрлашнинг ўзи ҳисобланади. Чунки сиёсий фанлар ва сиёсий изланишларни фикрлаш, худди фикрий ибораларни фикрлаш каби тўла маълумот бериб, чуқур ёки ёрқин фикрлашни келтириб чиқарса-да, аммо фикрловчини сиёсатчига айлантиролмайдди, фақат сиёсатни билувчига айлантиради. Чунки сиёсий киши сиёсий изланиш ва фикрлардан хабардор бўладими ёки беҳабарми, фарқсиз у хабарлар, воқеалар ва уларнинг далолатларини яхши тушунадиган ва фаолиятга имкон берадиган маърифатга етишга қодир кишидир. Гарчи сиёсий изланиш ва сиёсий фанлар хабар ва воқеаларни тушунишда ёрдам берса-да, лекин бу ёрдам маълумотлар турини ҳосил қилишда ёрдам беришдан нарига ўтмайди. Шу боис у сиёсий фикрлашда бўлиши шарт эмас.

Афсуски, динни давлатдан ажратиш мафқураси пайдо бўлиб, бу мафкура соҳибларини ўртача ечим мавзуси машғул қилиб қўйган вақтдан буён Европа ва Америка ўзининг ҳаёт ҳақидаги мафқураси, ўртача ечим ҳамда мураса ва манфаатдан вужудга келган ўртача фикрни берувчи шакллар асосидаги сиёсий фанлар ва сиёсий изланишлар мавзусида китоблар, адабиётлар чиқаришга эгалик қилди. Коммунизм мафқураси келиб, бу мафкурага коммунистик давлат бўлмиш Россия эътиқод қилган пайтда, Россиядан ўртача ечим асосида эмас, балки барқарор фикр асосида сиёсий изланишларни яратди деб умид қилган эди. Лекин Россия ҳам Ғарбга эргашиб кетди ва шунинг учун сиёсий изланишлар, сиёсий фанлар мазмунан эмас, шаклан ҳар хил бўлиб, шу йўлда юришда давом этди. Шунинг учун ҳозиргача яратилган сиёсий изланиш ва сиёсий фанларнинг соғломлигига ақл қаноатланмайдиган сиёсий изланишлар деб ҳамда ўртача ечимдан ташқари яна гумон ва тахминлар устига қурилган психология деб номланган фанга ўхшаш сиёсий фанлар ҳам қўшилди. Шунинг учун мана шу фанлар ва изланишларнинг ибораларини фикрлаш жараёни кетаётган пайтда киши хушёр ва уйғоқ бўлиб, хатога йўлиқиб қолишдан огоҳ ҳолатда туриши зарур. Чунки бу изланишлар воқеликка зид фикрларни ва ғояси хато изланишларни ўз ичига олган. Биз сизни Ғарб қонунчилиги билан бошқарув низомига ўхшаш сиёсатга эмас, қонунчиликка тааллуқли жиҳати мавжудлиги боис, уни ўқимаслик ва ўрганмаслик тарафдоримиз, аммо унда фикрий ва сиёсий изланишлар ҳам мавжудлигини эътиборга олиб, уларни хушёрлик билан ўрганишнинг зарари йўқ.

Ғарбдаги сиёсий изланишларни ўз ичига олган айрим фикрларни намуна сифатида келтирмоқчимиз. Ғарбда давлатни бошқариш



жамоий (коллектив) бошқаруви бўлиб, бу вазирлар кенгашида гавдаланади. Шарқ ҳам уни қабул қилиб бошқача шакл берди ва коллектив бошқаруви деб айтди. Бу эса воқеликка зид ва ўртача ечимдир. Чунки Европадаги мустабид қироллар шахслардан иборат эди. Инсонлар қиролларнинг истибдодидан додлашган ва бунинг сабаби якка бошқарув деб ҳисоблашган, натижада бошқарув шахсда эмас, халқнинг қўлида бўлсин дея, вазирлар кенгашини тузишган. Мана шу ўртача ечим. Чунки вазирлар кенгаши халқники эмас, халқ томонидан сайланмаган, чунки вазирлар кенгашининг айнан ўзи, вазирлар бошқарувиغا бошчилик қилади. Бу низом эса, ўз навбатида бошқарув шахсники билан халқники бўлишининг ўртасидаги ўртача ечимни пайдо қилди. Бу бошқарув мавзусига нисбатан ечим эмас, балки ҳар икки томонни рози қилишдир. Бундан ташқари ҳаракат воқелиги шундан дарак берадики, демократик тузумларнинг барча турларида бошқарув якка шахсда қолган. Воқеликда уни ё жумҳурият президенти сифатида давлат бошлиғи бошқаради ё бевосита вазирлар раисининг ўзи бошқаради. Демак, бошқарувнинг воқелиги якка шахс бошқарувидир, у ҳеч қандай ҳолатда жамоий бўлиши мумкин эмас. Ҳатто жамоий қилинса ҳам, ёки коллективли бошқарув деб аталса ҳам, бошқарув ҳаракатининг ўзи уни якка шахс бошқарувиغا айлантириб қўяди, чунки у фақат якка шахсли бошқарув бўлади.

Ғарбда ҳукмронлик халққа берилган. Халқ қонун чиқаради, халқ бошқаради, хоҳишга ҳам, ижро қилишга ҳам халқ эгадир. Бу воқеликка зид бўлиб, ўртача ечимга асосланган. Чунки мустабид қиролларда хоҳиш ва қарор бўлган. Улар қонун чиқаришган ва халқни бошқаришган. Инсонлар ўша қиролларга норозилик билдиришган, бунинг сабаби хоҳиш ҳам, қарор ҳам қиролларда бўлганлиги. Кейин одамлар ҳукмронлик халқники, халқ қонун чиқаради, халқ бошқаради дейишди. Қонун чиқаришни халқдан сайланган кенгашга беришди, ижро қилишни эса вазирлар кенгашига, вазирлар раисига ёки президентига топширишди, бу ўртача ечимдир. Чунки депутатлар кенгаши гарчи халқ тарафидан сайланса-да, лекин қонун чиқармайди, балки қонун чиқарувчи ҳокимдир. Вазирлар кенгаши ёхуд жумҳурият раҳбари – президент бошқарувчидир. Гарчи халқ вакиллари унга розилик берса-да, бунда халқ бошқариши кўринмайди балки халқ ҳокимни танлашини англатади холос. Демак, мана шу ўртача ечим. Бундан ташқари улар ҳукмронлик қонунга берилган дейишади. Бу низом ҳам ўртача ва чалғитувчи бўлди. Бунинг устига бошқарувнинг воқелиги бутунлай бошқача. Тўғри, бошқарувнинг воқелиги шундайки, халқ ҳокимни ўзи тайинлайди ва ҳукмронликни қонунга беради. Демак,

ҳукмронлик мутлақо халқники эмас ва бошқарув ҳам ҳар қандай ҳолатда халқнинг қўлида бўлмайди.

Ғарбга кўра, бошқарув алоҳида, туйғули ва диний ишлар алоҳида. Уларнинг наздида черков салтанати давлат салтанатидан бошқа. Туйғули ишлар хайрия, камбағалларга ёрдам бериш, жароҳатланганлар муассасалари ва шунга ўхшаш ишлар сирасига кириб, давлат бунга дахлдор эмас. Бу динни давлатдан ажратиш ва ўртача ечим устига қурилган бўлиб, воқеликка хилофдир. Чунки мустабид қироллар черковларда ҳукмронлик қилишарди, ярадорлар, касаллар, камбағаллар ва шунга ўхшаш инсонлар муассасаларини барпо қилишмас эди. Шунинг учун одамлар тўпалон кўтаришди. Шунда черковни давлатдан ажратишда ўртача ечим топилди, натижада улар черков салтанатини давлат салтанатидан бошқа қилиш, хайрия жамиятлари, кизил хоч ва ҳоказо жамиятлари пайдо бўлди. Аммо бошқарувнинг воқелиги инсонларнинг ишларини бошқаришдан иборат экан, демак дин ҳам шу ишлардан ҳисобланади, туйғули ишлар ҳам шулар сирасига киради. Шу боисдан давлат черковларни яширин тарзда бўлса ҳам бошқаради, хайрия, кизил хоч жамиятларини ҳам махфий тарзда назорат қилади. Шунинг учун бу назария – бошқарув билан бошқа нарса ўртасида зоҳиран ажратув мавжуд бўлса-да – ҳақиқатда воқеликка зиддир.

Мана шу учта фикр, Ғарбдаги сиёсий изланишларда мужассам бўлган сиёсий фикрларнинг хатолигидан бир намунадир. Агар бу тузумларга дахлдор сиёсий фикрлар ҳақидаги гап дейилса нарсалар ва воқеаларга алоқадор сиёсий фикрлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Гарчи бундай сиёсий фикрларда ақлни чалғитолмайдиган баъзи бир ҳақиқатлар ҳам бўлса-да, бари бир, улар ҳам нотўғри нарсалар билан тўлиб тошган. Масалан, инглиз сиёсати ҳақида шундай дейишади: «Инглиз сиёсати учта масала устига қурилган, Англиянинг Америка билан бўлган алоқаси, Англиянинг Европа билан бўлган алоқаси ва Англиянинг аввал ўзига мустамлака бўлиб, кейин мустақилликка эришган, яъни Британия ҳамдўстлиги деб аталган давлатлар билан бўлган алоқасидир». Бу воқеликнинг бир сифати бўлиб, унда хато йўқ. Лекин улар Англиянинг иттифоқчиларга нисбатан танлаган йўли, дўстлари ё душманлари қаршисидаги тутган йўли ва халқлар, умматларга нисбатан назарияси ҳақида сўз юритишган пайтда уларнинг бу гаплари, адаштиришдан ташқари воқеликка зидлик бўлади. Бунга ўхшаш гапларни қайси давлат гапирмайди дейсиз. Ғарб давлатлари ё Ғарб давлатларидан бошқа давлатларнинг ҳаммаси мозийдаги ишлар ҳақидаги тарихий янгиликми ёки жорий воқеалар ҳақидаги гапми, кўз ўнгимизда юз бераётган ҳодисаларми, адаштириш шундай моҳир бўлиб

кетишганки, ҳар қандай кўзи очиқ одамни ҳам алдаб қўйишади. Шунинг учун сиёсий фанлар, сиёсий изланишлар ҳақидаги фикрлаш фақат уйғоқлик ва хушёрлик билан бўлмоғи лозим.

Энди, жорий воқеа ва ҳодисалар ҳақида сиёсий фикрлашга келсак, том маънода айтиш шундай фикрлашни сиёсий фикрлаш деб айтиш тўғри бўлади. Айнан шундай фикрлаш фикрловчини сиёсатчига айлантиради. Бундай фикрлашда бир-бирига мужассам бўлган бешта асосий ишларга эҳтиёж туғилади:

Биринчидан: Оламда содир бўлаётган барча воқеа, ҳодисаларни, яъни ҳамма ахборотларни узмасдан кузатиб бориш зарур, бунинг учун хилма-хил хабарларнинг аҳамиятли ва аҳамиятсиз жиҳатларига, воқеа, ҳодисалар ёки уларни етказишдан кўзланган мақсадга, хабарнинг узилиб қолиши ёки муфассал етказилиш жиҳатларига қараш лозим. Тажриба қилиш ва ўз вақтида кузатиш билан хабарларни узлуксиз кузатишлар экан, уларнинг ҳаммасини эмас, балки маърифат ҳалқаларида албатта билиш лозим бўлганларинигина кузатиб бориш зарур.

Иккинчидан: Воқеа ва ҳодисаларнинг моҳияти, яъни хабарларнинг далолатлари ҳақида – аввалданми ёки ярмиданми фарқсиз – маълумотларга муҳтож бўлинади. Бу маълумотлар жуғрофий, тарихий, фикрий, сиёсий ёки бошқа маълумотлар бўлиши фарқсиз ўлароқ, воқеа ва ҳодисаларнинг, яъни хабарларнинг далолатларига тўхталишига эришилса бас.

Учинчидан: Воқеаларни ўзининг шароитларидан ажратмаслик, умумийлаштирмаслик. Ажратиш, умумийлаштириш ва умумий қиёслаш бу воқеа, ҳодисаларни тушуниш, яъни хабарларни билишдаги асосий омил ҳисобланади. Демак, ҳодиса билан унинг шароитини зинҳор-базинҳор ажратмаган ҳолда ҳодиса ва воқеаларни ўз шароитлари билан бирга қўшиб олинмоғи зарур. Бунга қўшимча, шу ҳодисани содир бўлган жойга боғланади ва ҳар бир ҳодиса шунга ўхшаш ҳодисага қиёсланмайди, балки ҳодисани алоҳида олиниб, унга алоҳида ҳукм чиқарилади.

Тўртинчидан: Ҳодиса, воқеаларни ажрата билиш, яъни хабарни тўла ойдинлаштириш йўли орқали ажрата билиб, унинг манбаини, воқеа ва ҳодисанинг юз берган жойи, вақти ва вазиятини, пайдо бўлишдан ёки хабар қилинишдан кўзланган мақсадни, хабарнинг бутун ё чалалигини, ростлиги ё ёлғонлигини ва бундан бошқа ойдинлаштириладиган томонларини билиш. Чунки айнан шу ойдинлаштириш ажрата билишни пайдо қилади. Хабар қанчалик ажратилгани сари шунчалик умумий ва чуқур бўлади. Ажратилмаса, шу воқеани олиб бўлмайди. Акс ҳолда ажратиш ва хатонинг қурбони бўлинади. Шунинг учун ажрата билиш хабарни

олишда, уни эшитишнинг ўзидаги муҳим омил демакдир.

Бешинчидан: Хабарни маълумотларга, айниқса бошқа хабарларга боғлаш. Мана шу боғлаш хабарнинг тўғрилигига энг яқин хулосага олиб боради. Масалан, хабар давлатлараро сиёсатга тааллуқли бўлса, уни маҳаллий сиёсатга боғлаш, маҳаллий сиёсатга боғлиқ бўлса, уни давлатлараро сиёсатга боғлаш, иқтисодий хабар бўлса, уни иқтисодга боғлаш, сиёсий ишларга дахлдор ёхуд Олмонияга тааллуқли хабар бўлса, у Америкага тааллуқли ишларга дахлдор бўлгани ҳолда, уни Олмонияга боғлаш каби. Демак, хабар лозим бўлган нарсадан бошқа нарсага боғланса, агар адаштириш ва алдаш юз бермаса, хато содир бўлиши муқаррар. Шунинг учун хабарни ўзига тааллуқли нарсага боғлаш ва у фақат билиш учун эмас, тушуниш ва идрок этиш учун боғлаш бўлиши, илм учун эмас амал учун боғланиши катта аҳамиятга молик.

Мана шу бешта иш сиёсий иборалар ҳақида фикрлаш юзага келиши учун зарур. Бу бешта иш кўп, оғир ва амалга ошиши мушкул дейилмайди. Бундай демаслик керак. Чунки бу ишларнинг вужудга келиши қийин эмас. Негаки улардан чуқур маърифат эмас, фақат бохабар бўлиш мақсад қилинган, бу бир лаҳзада юз бермайди, шунингдек, сабоқ олиш ва илмий изланиш йўли билан эмас, балки доимий кузатиб бориш билан юзага келади. Тўғри, сабоқ олиш ва илмий изланиш имкон топишга кўпроқ ёрдам беради. Аммо булар сиёсий фикрлаш учун зарур эмас, сиёсатчига керак эмас, балки кўшимча ишлардир. Бешта иш ичида энг муҳими доимий кузатув бўлиб, қачонки шундай кузатув бўлса, қолган тўрталаси ҳам вужудга келади. Асли сиёсий фикрлашда доимий кузатув бўлади, бундан сиёсий фикрлаш ҳам келиб чиқади.

Шунга кўра, сиёсий фикрлаш оғир ва юксаклигига қарамай, фикрлаш ақли қандай бўлмасин ҳар бир инсоннинг иқтидорига боғлиқ ишдир. Оддий, моҳир ва заковатли киши сиёсий фикрлаш имкониятига эга сиёсий шахс бўлиши мумкин. Чунки сиёсий фикрлаш муайян даражадаги ақлни ва маърифатни талаб қилмайди, балки жорий воқеа ва ҳодисаларни, узлуксиз кузатишни талаб қилади. Мана шу узлуксиз кузатувдан сиёсий фикрлаш пайдо бўлади. Узлуксиз кузатув узилиб қолиши дуруст эмас. Чунки жорий воқеа ва ҳодисалар ҳар томонлама боғланган ҳалқани ташкил қилади, агар ундан битта ҳалқа узилса, занжир узилади, шахс хабарларни боғлай олмай қолади, уларни тушунолмайди. Шунинг учун ҳалқанинг бутунлиги сиёсий фикрлаш учун жуда зарур. Бошқача қилиб айтганда, муттасил кузатув сиёсий фикрлашнинг асосий шартидир.

Сиёсий фикрлаш фақат якка шахсларга хос эмас, балки у шахсларда бўлгани каби жамоаларда, яъни халқлар ва умматларда

ҳам бўлади. У адабий фикрлаш ва қонунчилик ҳақида фикрлашда бўлганидек шахсларга хос равишда жамоаларда бўлмасдан, фақат шахслардагина амалга ошмайди, балки сиёсий фикрлаш шахснинг ҳам, жамоанинг ҳам фикрлашидир. Шахсларда бўлганидек жамоаларда ҳам бўлади, демакки ҳокимлар, сиёсатчилардан иборат шахсларда бўлганидек, халқлар ва умматларда ҳам бўлади. Ҳатто шахсларда чекланиб қолиши нотўғри, балки халқлар ва умматларда ҳам сиёсий фикрлаш бўлиши лозим. У халқлар ва умматларда мавжуд бўлмаса, соғлом бошқарув вужудга келмайди, уйғониш келиб чикмайди ва халқлар ва умматлар рисолатларни кўтаришга ярамайдилар. Сиёсий фикрлаш халқ ва умматда албатта бўлиши керак. Бунинг боиси шундаки, бошқарув халқ ёки умматга тегишли. Бошқарувни халқ ва уммат ўз қўллари билан бермаса, ҳеч қандай куч уни тортиб ололмайди. Агар уни халқдан зўрлик билан тортиб олинса зўравонлик оз вақт давом этиши мумкин. Халқ ва уммат бошқарувни ўзи бериши, ёки уни олишга интилиб бошқарув пароканда бўлиши мумкин. Модомики, бошқарув халқ ва умматга тегишли экан, демак, мана шу халқда ва мана шу умматда сиёсий фикрлаш мавжуд бўлмоғи даркор. Шунинг учун сиёсий фикрлаш ҳокимлардан аввал уммат учун жуда зарур ҳамда бошқарувни пайдо қилишдан ҳам кўпроқ, уни тўғри олиб бориш муҳим. Уммат ёки халқ албатта сиёсий сақофат билан сақофатланиши, унда сиёсий фикрлаш бўлиши лозим. Уммат адаштириш қурбонига айланиб қолмаслиги учун унга сунъий эмас, табиий шаклда сиёсий сақофат ва хабарлар тўғри берилиши керак. Шундай бўлса сиёсат ҳам, сиёсий фикрлаш ҳам умматга ёки халққа тириклик бағишлайди, яъни уммат айнан сиёсат билан тирик, усиз жонсиз вужуд бўлиб, ҳаракатдан тўхтайд.

Бироқ сиёсатни тушунишдаги хато ва адашиш сиёсий ибораларни худди адабий, фикрий, қонун чиқариш каби бошқа ибораларни тушунишга ўхшаб фикрлашдан келиб чиқади. Шундай фикрлаган одам сўзларни ва жумлаларни қандай бўлса шундай тушунади. Ёки мана шу сўз ва жумлалар ўз ичига олган маъноларини, ёки мана шу сўз ва жумлалар далолатларини тушунади. Мана шунда адашиш ва хато юз беради. Чунки сиёсий ибораларни тушуниш бошқа ҳар қандай иборани фикрлашдан тамомила фарқ қилади. Чунки сиёсий фикрлашдаги хато ҳам, хатар ҳам сиёсий иборалар билан бошқа ибораларнинг ўртасини ажрата-билмасликдан келиб чиқади. Мисол учун сиёсий ибораларнинг маънолари баъзан иборанинг ўзида, баъзан ундан ташқарида, баъзида эса сўзлар ва жумлаларнинг ифодасида бўлади. Масалан, икки томонлама битимлар, расмий баёнотлар каби. Баъзан маъно ифодада эмас, маънода, баъзан маъноларда ҳам, сўзларда ҳам эмас,

далолатларда бўлади. Агар сиёсий иборанинг маънолари мазмунан иборанинг ўзида ё ташқарисида эканлиги идрок этилмаса, у ҳолда иборани тушуниш қийин ва оқибатда сиёсий иборани англашда хато ёки адашиш юз беради.

Сиёсий фикрлаш учун хатарли бўлган ишлар ажратиш, умумийлаштириш ва умумий қиёслашдир. Чунки сиёсий ибора ўзининг шароитидан ҳеч қандай ҳолатда ажралмайди, у шу шароитнинг бир қисми. Унинг ҳеч қайси жиҳатдан умумийлаштирилиши дуруст эмас. Бунга умумий қиёс кирмайди. Шароит унинг бир қисми бўлишидан ташқари у муайян ҳодиса ҳақидаги ибора бўлиб, фақат бир ҳодиса учун олинадиди ва бошқаси олинмайди, қиёс қилинмайди, умумийлаштирилмайди ҳам. Шунинг учун уни шароитидан ажратиш, умумлаштириш ва умумий ёки қиёслаш ишлатилмаслиги лозим, акс ҳолда сиёсий фикрлашда хато ва адашиш юз беради. Баъзида бирор масъул шахс баённома ёзиб берса, ундан бошқа нарса тушунилади-да, гоҳо бошқача, ҳатто унга зид келади. Масъул иш хусусида баёнот берса ёки рост баённома ёзиб берса, уни адаштирмақчи бўлган ёлғон деб тушунилади. Баъзан адаштирувчи баёнот берса, ундан тўғри маъно кўзланган рост баёнот тушунилади, ёлғон эса унда яширин бўлади. Гоҳо баёнотга мувофиқ иш қилинса гоҳо, унга хилоф иш тутилади ва ҳоказо. Демак, шароит ва муҳитлар баёнотга ёруғлик киритиб, ундан кўзда тутилган нарсани фош қилади ва буни сиёсий иборанинг ўзидан аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун сиёсий фикрлаш тўғри бўлиб чиқиши учун, унга фақат шу жиҳатдан, яъни шароитларни ибора ёки амалнинг бир қисмига айлантириш билан фақат ҳар бир ҳодиса алоҳида олиниб, ундан умумлаштириш ва қиёслаш узоқлаштириш билан ёндашилади.

Дарҳақиқат, Исломий Уммат сиёсий фикрлашнинг ёмонлиги оқибатида кўплаб мусибат ва қийинчиликларни бошдан кечирди. Мисол учун Европа Усманий Давлатга қарши ўн тўққизинчи асрда кураш олиб борганида, ҳарбий ишлардан кўра кўпроқ сиёсий амалларни ишга солган. Гарчи ҳарбий амаллар ҳам қўлланган бўлса-да, улар сиёсий амалларга қўшимча эди холос. Мисол учун, Болқон муаммоси деб аталган нарса баёнотлар билан Ғарб давлатлари ўйлаб топган гапдир. Улар Болқон давлатлари Усманийлардан, яъни мусулмонлардан озод бўлишлари кераклигини эълон қилишди. Аммо келажакда Усманий давлат билан курашишларини ўйламаган, фақат Болқонда нотинчликлар ва тартибсизликлар келтириб чиқаришни режалаштиришганди, шу боис миллатчилик, озодлик мафкураларини киритганларида болқонликлар дарров уни олиб, норозилик кўзғолонларини қилишга

киришдилар. Усмоний Давлат эса, бошқа давлатларнинг шароитини ҳисобга олиб, бу кўзғолонларни бостириш учун ҳарбий амалиётларни бошлаб юборди. Ҳолбуки, бу кўзғолонларни қувватлаётганлар ҳам, Усмонийларни ёмонотлиқ қилаётганлар ҳам, Усмоний давлатни мана шу кўзғолонлар билан машғул қилиб, кўзғолонни бартараф қилиш учун эмас, балки ҳарбий амалиёт туфайли кучларини синдиришни ўйлаганлар ҳам, айнан шу давлатлар эди. Усмоний Давлатнинг хато қилганлиги ва сиёсий фикрлашда адашганлиги натижасида Болқон муваффақиятсизликка учради, кейин миллатчилик мафкураси бу давлатнинг уйининг тўридан жой олдида, унга бира тўла барҳам берди.

Россия, яъни Совет Иттифоқида бундай бўлмади. Эллигинчи йилларда Совет Иттифоқи Шарқий Европада худди шундай муаммога дуч келган эди. Унда Америка Шарқий Европани коммунизмдан озод бўлишга чақирар, озодлик дея ҳайқириб, бу халқларни ошкора ва яширин равишда қўллаб қувватлар эди. Аммо Россия Усмонийлар мавқеида турмади ва мана шу озодлик мафкураси айнан Россия, яъни Совет Иттифоқига қарши кураш эканлигини тушунди. Шунинг учун Америка билан шартнома тузмади балки уни ўзига энг биринчи душман деб билди. Польша инқилоби содир бўлгач, Американи уриб ташлади ва ҳеч қандай ютуққа ё нуфузга эришишига йўл қўймади. Болгария инқилоби бошланганида эса, уни шафқатсизлик билан синдирди ва Шарқий Европани ўзининг темир панжалари билан маҳкам тутиб олди. Америка Шарқий Европани очиқ ва яширин қўллаб-қувватлашга урингудек бўлса, Америкага қарши урушга тайёр эканлигини билдирди. Бу билан Россия Американи аянчли мағлубиятга учратди ва Американи Россиянинг сиёсий мавқеини, сиёсий тушунчасини англаб, коммунизмга қарши курашиш, Россияни заифлаштириш фикридан воз кечиб, уни иттифоқ тузишга, мажбур қилди. Булар Россия ҳарбий қудратининг натижаси эмас, балки Совет Иттифоқидаги соғлом сиёсий фикрлашнинг маҳсулидир.

Мисол учун Америка Исроилни унинг қўлидан кутулиб чиқиб кетиш мумкинлигини ва Англия Исроилдан Фаластинни ажратиб Америкадан тортиб олишга уринаётганини пайқади. Америка олтмишинчи йиллар охирида Фаластин муаммосига Ўрта Шарқ муаммоси деган ном берди ва унга ёлғиз ўзи бошчилик қилишга имкон яратувчи сиёсий амалларни ишга солди. У тинчлик сўзини, муаммони ҳал этишни яна ҳам чигаллаштиришга бир восита қилиб олди ва шу йўл билан сиёсий адаштиришни давом этишди. Натижада араблар билан яхудийлар унинг бағрига ўзини отди. У арабу яхудийларнинг қуввати тугаб битгунича чалғитиш

услугларини, адаштириш манёврларини ишга солди ва натижада минтақани уруш ҳолати деган изтиробли ҳолатдан, нисбий тинчлик ҳолати томонга йўналтирди. Бунинг боиси Америка, хотиржамлик билан минтақани ўзи лойиҳалаштирган вазиятга солиш, бу ердан инглизларни бира тўла қувиб чиқариш ва Исроил давлатини кучайтириш йўли билан бутун минтақада ёлғиз ўзи ҳукмрон бўлиб қолишни мақсад қилди. Шу билан Ўрта Шарқ муаммоси деб аталган иш Болқон муаммоси билан бир хил тус олди. Усманийлар ва Жанубий Европа давлатлари аҳолиси сиёсий адаштирув тўрига тушиб қолганларидек, араб ва яҳудийлар ҳам ўша тўрга тушдилар. Агар бугун мусулмонларда Ўрта Шарқ муаммоси борасида худди Россия Шарқий Европа муаммосини тушунгандек сиёсий фикрлаш вужудга келмас экан, Ўрта Шарқнинг тақдири Болқоннинг тақдири билан бир хил бўлиб қолади.

Демак, сиёсий фикрлаш ёмон бўлса, у халқлар ва умматларни вайрон қилади, давлатларни синдиради ёки заифлаштиради. У заиф халқларни мустамлаканинг сиртмоғидан озод бўлишларига тўсқинлик қилади, у тубан умматни ғафлатга чўмдиради. Шунинг учун сиёсий иборалар ҳақида фикрлаш юксак аҳамиятга эгадир. Сиёсий фикрлашга бўлган эътибор ҳар қандай фикрлашдан ҳам юксак аҳамиятга эга бўлиши зарур. Негаки у халқларга ҳаёт каби зарур.

Бироқ сиёсий фикрлаш, фикрлашнинг энг оғири ва олий турларидан бўлса-да, фақат шахсларнинг фикрлаши бўлиб қолиши дуруст эмас. Чунки шахслар ҳар қанча кўп, фикрлашлари ҳар қанча соғлом ёки юксак бўлса ҳам ҳеч қандай қадр йўқ. Сиёсий фикрлашдаги адаштириш халқ ёки умматни мағлуб қилса, шахсларнинг даҳоликлари бефойда. Сиёсий фикрлашда улуғ даҳолар ҳар қанча сонга ва улуғ истеъдодга эга бўлишмасин, агар залолат халқ ва умматни қамраб олса, унинг бўрони ҳамма нарсани учуриб кетади ва уммат осонгина мана шу адаштиришнинг, гирдобига тушади, натижада уммат ва у билан бирга улуғ даҳолар ҳам душман ютиб юборадиган хушхўр луқмага айланади. Милодий йигирманчи асрнинг бошларида Исломиё давлатни барбод қилиш ва Халифаликни ағдаришда Мустафо Камолнинг ютуғи ҳам, шу асрнинг эллигинчи ва олтмишинчи йилларда Жамол Абдунносирнинг иккинчи жаҳон урушидан сўнг эркинликка тайёрланиб турган арабларнинг озодлигига қаршилик қилиши ҳам сиёсий фикрлашнинг ёмонлиги, агар халқлар ва умматларни вайрон қилса, саноклари мингтага етган даҳо шахсларнинг кўлидан ҳеч нарса келмаслигига мисолдир. Шу боис, сиёсий фикрлашнинг ёмонлиги шахсларга хатар туғдирмайди, балки халқлар ва умматларга хавф солади. Шу жиҳатдан халқлар ва умматларда



сиёсий фикрлашга аҳамият бериш, бу барча нарсдан устувор бўлиши лозим. Тўғри, сиёсий фикрлаш шахсларда пайдо бўлса ва уларни тўғри йўлда олиб кетса, уларда душманга қарши тура оладиган, уларнинг адаштиришларига эргашмайдиган сиёсий фикрларни вужудга келтириш мумкин. Аммо фақат ўша шахсларнинг фикрлари халқга ё умматга кўчсагина, фикрлаш шахслардан умматникига айлансагина, ўша шахслар умматнинг бир қисми бўлиб, фикрловчи шахс эмас, фикрловчи умматга айлансагина амалга ошади. Агар шахсларнинг фикрлаши жамойй бўлса, умматнинг фикрлашига айланмаса, у ҳолда у фикрнинг ҳам, шахсларнинг ҳам кадр-қиймати бўлмайди. Демак шахсларнинг сиёсий фикрлашлари ҳар қанча кўп ва юксак бўлмасин, душманнинг макр ҳийлаларига қарши тура олмайди. Бунга халқлар ва умматлардаги сиёсий фикрлаш қодир.

Даҳо шахслар бошқа оддий инсонлар каби оддий одамлардир. Бошқалар уларга оддий назарда қарашади. Даҳоликлари эса, кўзга кўриниб турадиган нарса эмас. Шунинг учун улар ўз истеъдод-даҳоликларини ишга солиб, бирор натижага эришсалар ҳам ишнинг аввалида ҳеч қандай фарқ ҳамда даҳолигининг устувор самараси кўринмайди. Улар сақофатли киши бўлса, уларга ўхшаганлар кўп. Агарда улуғ заковатли бўлса, заковатлилар ҳам йўқ эмас. Агар уларнинг фикрларига назар ташланса, бошқа шахслар томонидан қаралади, улардек бўлиб етишиш учун ёки уларнинг жамоалари, доираларига кириб юқорилашда мана шу фикрлашдан фойдаланиш учун фикрлари ўрганилади. Агар иш шундай қолаверса ва жамоаларга кўчмаса, бундай фикрловчиларнинг сони ҳар қанча кўпаймасин, сиёсий фикрлаш шахснинг фикрлаши бўлиб қолаверади. Токи бу сиёсий фикрлаш фойда келтириши ва душманга қарши туришга қодир фикрлашга айланиши учун у албатта жамойй фикрлашга ўзгариши, танҳолик ва узлат бурчакларидан ташқарига чиқиши лозим. Агар сиёсий фикрлаш жамоййга айланса ва умматга кўчса, у ҳолда душманга қарши тура оладиган қувват вужудга келган ҳамда уйғониш дарахтини ундирувчи уруғ пайдо бўлган ҳисобланади.

Бу фойдали сиёсий фикрлашдир. У яқка шахснинг фикрлаши эмас, жамойй фикрлашдир, яъни улуғ даҳо бўлса ҳам шахсларнинг фикрлаши эмас, халқ ва умматнинг фикрлашидир. Шунинг учун умматни сиёсий сақофат билан бойитиш, сиёсий фикрлашдан таълим бериш лозим, токи сиёсий фикрлаш шахсларнинг фикрлаши эмас умматнинг фикрлашига айлансин.

Бу сиёсий фикрлашдир. У сиёсий фанлар ва сиёсий изланишларни ҳамда сиёсий воқеа ва ҳодисаларни фикрлашдир. Аввалги

фикрлашнинг қадри йўқ, у фикрларга маърифат бўлади холос. Аммо сиёсий фикрлаш манфаат келтиради, унинг бебаҳо таъсири ва юксак самараси бор. Сиёсий фанлар ва сиёсий изланишлардаги фикрлаш жоиз бўлиб, сиёсатда олимларга ундан наф тегса-да, воқеа ва ҳодисалар ҳақида фикрлаш умматга фарзи кифоядир.

### **ХОТИМА**

Булар фикрлаш мавзуси ҳақида мухтасар мулоҳазалар бўлиб, уни Исломиё Умматга тақдим этамиз, шояд ундан сабоқ олиш мана шу Умматда фикрлашни вужудга келтирса ва бу уни яхши умматга айлантирса. Айниқса бу уммат ўнлаб асрлар давомида фикрлашдан йироқ бўлди. Гарчи уммат бир неча бор фикрлашга уринган бўлса-да у ҳижратнинг тўртинчи асрида шундай бир уламоларга мубтало бўлдики, улар фикрлашга тўскинлик қилишга ҳаракат қилишди ва фикрлаш Ислому ва мусулмонларга зарар етказди, дея жар солишди. Бунинг боиси шундаки, Қафғол исмли машҳур олимга ўхшаган уламолар гуруҳи пайдо бўлди ва улар ижтиҳоднинг эшигини қулфлашга чақириб, ижтиҳодни тақиқлашга уриниб, инсонларни ижтиҳоднинг «хатарига» ишонтиришди. Мусулмонлар ҳам ушбу чақирикни тасдиқлаб, унга амал қилишди. Уламолар ижтиҳод қилишни исташмади, муфаккирлар ундан хавфсирашди, одамлар эса мужтаҳидларни ёмон кўришди. Ҳамма қитъалардаги афкори омма бу фикрни қабул қилди. Шу билан фикрлаш тўхтади, тақлидга ўтилиб, ақллари ишдан чиқди ва ижтиҳод қилишга журъатлари етмади. Натижада бу нарса инсонлардаги фикрлашни тўхтатиб қўйди ва бу жараён ҳамон давом этапти. Инсон табиятан дангасадир. Шунинг учун уммат то ҳозирги кунгача фикрлашдан тўхтаб турибди. Ўн асрни фикрсиз ўтказди. Шунинг учун бундай умматда фикрлашни ҳаракатга келтириш ва унга фикрлашнинг, аҳамиятини тушунтириш осон иш эмас. Шунинг учун бунга ўхшаш китобларнинг миллионтаси ҳам Умматни ҳаракатлантиришга ва фикрлаш унинг сифатларидан бирига айланишига кафолат беролмайди. Аммо Умматнинг тинкасини қуритадиган даражада эзиб юборган аянчли ҳодисалар, фикрлашга йўл топажагига умид уйғотмоқда. Айниқса Уммат ичида фикрлайдиган ва фикрлашга уринадиган жамоалар вужудга келган, минглаб инсонларда фикрлашга иштиёқ уйғониб, фикрдан бошқа нарсани ҳуш кўрмайдиган онгли кишиларга айлангани умид уйғотди. Шунинг учун ҳодисаларнинг аянчли ва оғирлиги, фикрлаш шахсларда мужассамланганлиги фикр шахслардан жамоага кўчаётганига, Исломиё Уммат фикрловчи умматга айланиб, яхши ҳолатига қайтишига умид уйғотмоқда.

**8 сафаф 1393х  
12 март 1973м**



